**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАДИДШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

РУСТАМ ШАРИПОВ

ОНАДЎЛИ ВА ТУРКИСТОН: МОЗИЙГА БИР НАЗАР

Туркистон ва Туркия алоқалари тарихига оид материаллар

Тошкент – 2025

УЎК: 821.512. 133.161
КБК: 83 (5 Узб) (5 Турк)
Ш - 26

Рустам Шарипов. Онадўли ва Туркистон: мозийга бир назар. Тошкент, Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025. – 112 бет.

Ушбу китобда Туркия тарихи ва бугунги кунини акс эттирувчи мамлакатшуносликка оид маълумотлар билан бирга, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти билан боғлиқ бўлган манбалар, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги тарихий ҳамда адабий-маданий алоқаларига оид бир қатор материалларнинг муаллиф томонидан туркчадан ўзбек тилига амалга оширган таржималари жамланган.

Мазкур китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети Жадидшунослик илмий-тадқиқот марказида илмий лойиҳа доирасида тайёрланган бўлиб, туркшунослик ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар, магистрант, докторант, илмий тадқиқотчилар ҳамда ушбу мавзуга қизиққан барча мухлислар учун мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Хайрулла ҲАМИДОВ
филология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Меҳринисо ҚАЮМОВА
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Нодирахон ПЎЛАТОВА
юридик фанлар доктори, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2025-йил 1 мартдаги 7-сон
қарори билан нашрга тавсия этилган

© Рустам Шарипов, 2025.
© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025.

МУҚАДДИМА

Қадимдан инсонни узоқ манзиллар ўзига чорлаб келади. Ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, янги ерларни очишга бўлган иштиёқ одамзоднинг қон-қонига сингиб кетган. Одатда узоқ сафарга чиққан сайёҳ ўзи учун нотаниш бўлган мамлакатларнинг гўзал манзараларига маҳлиё бўлса, ёзувчи кўрган-кечирганларини ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилади. Табиийки, савдогар бозорлардаги нарх-навони ўрганиб қиёслайди ва молларини кўз-кўз қилади. Тадқиқотчиликка мойиллиги бўлган инсон эса сафар чоғида мамлакат жўғрофияси, тарихи, маданияти ҳамда миллий қадриятлари билан яқиндан танишишни, икки мамлакатни боғлаб турувчи кўринмас ришталарни излаб топиб, ўзига нотаниш бўлган диёрни янгидан кашф этишни олдига мақсад қилиб қўяди.

Тақдир тақозоси билан мен ҳам узоқ йиллик хизмат сафари муносабати билан Туркияда яшаб, асосий иш фаолиятим билан бир қаторда мамлакатнинг энг эътиборли олийгоҳларидан бўлган Эгей университетининг Адабиёт факультетида маърузалар ўқиш бахтига мушарраф бўлдим. Онадўлининг ғарбий қирғоқлари бўйлаб унинг шимолидан то жанубига қадар кезиб, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муқаддас қадамжоларини босиб ўтдим. Шу билан бирга, мамлакатнинг энг йирик кутубхоналарида ишлашим жараёнида Онадўли тупроқларини Ўрта Осиё билан боғлаб турган тарихий ришталар, биз учун азиз бўлган инсонлар сиймоси бирма-бир кўз олдимда намоён бўлди. Бу кузатишларимнинг айримларини ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этмоқчиман.

Ушбу китобда мамлакатшуносликка оид бир қатор илмий-оммабоп мақолалар билан бирга, Ўзбекистон ва Туркия тарихи ҳамда адабий-маданий алоқаларига оид материалларнинг муаллиф томонидан туркчадан ўзбек тилига амалга оширилган таржималари жамланган бўлиб, ушбу маълумотлар туркшунослик ва жадид адабиёти масалаларига қизиққан мутахассис ва талабалар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

ОНАДЎЛИ ДУРДОНАСИ

Буюк Салжуқийлар давлати ҳали барпо бўлмаган бир вақтда Тўғрулбек ва Чағрибек қўмондонлиги остидаги Ўғиз қабилалари Ўрта Осиё ҳудудларидан йўлга чиқиб, дастлаб Хуросон ва Эронни бўйсундириб, Кичик Осиё томон юриш бошлайди. Кейинги юришлари давомида Византия, Жанубий Кавказ, Ироқ, Озарбайжон ҳудудларини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олгач, Тўғрулбек буюк Салжуқийлар империясига асос солади.

XI асрнинг бошларида бўлиб ўтган қарийб тўрт минг километрлик ушбу ҳарбий сафар узоқ вақт давом этган шиддатли жанглар билан амалга ошган эди. Бугун эса, Тошкент шаҳридаги замонавий аэропортдан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учоғига ўтирсангиз, у сизни роппа-роса беш соатда Туркия Жумҳуриятининг энг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳри бўлмиш Истанбул ҳаво лиманига элтиб қўяди. Аэропортнинг ўзида бирор кимса сиздан қайси мамлакатдан келганингизни сўраса, фахр билан ўзбекистонлик эканлигингизни айтасиз. Шунда у албатта сизни “Оталаримиз юртидан хуш келдингиз!” дея қучоқ очиб қарши олади.

Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, XI аср бошларида Ўғиз қабилалари Буюк Византия Империясига қарашли бўлган Шарқий Онадўли ҳудудларига кириб келадилар. Олиб борилган режали ҳарбий ҳаракатлар натижасида бу қўшин мислсиз ғалабаларни қўлга киритади ва қисқа вақт ичида Мармара денгизи соҳилларини ҳам эгаллашга муваффақ бўлади. 1071 йилнинг 26 августида Султон Алпарслоннинг Византия қўшинлари устидан Малазгирт деган жойда қозонган ғалабаси Онадўли тақдирини ҳал этади. Натижада, бу ҳудудларда бир қатор бегликлар барпо бўлади. Булардан энг йириги мамлакатнинг ғарбий қисмида, Буюк Византия Империясининг у вақтлардаги пойтахти бўлмиш Истанбул яқинида жойлашган Изник шаҳрида бунёд этилади. Бироздан сўнг унинг замирида Буюк Салжуқийлар давлати қурилади.

1072 йилда Кайсери, 1073 йилда Пафлагоня, 1074 йилда эса Антакяда Византия қўшинлари тор-мор этилгач, Буюк Византия Империясининг мағлубияти муқаррарлиги маълум бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор йирик ғарб давлатларини ташвишга сола бошлайди. Ислом динининг кенг ҳудудларда ёйилишига тиш-тирноғи билан қарши бўлган давлатлар бундай ҳавфни бартараф қилиш мақсадида кучларини бирлаштириб, I, II ва III Салб (Ҳоч) юришларини ташкил этадилар. Аммо, бу тадбирлар ҳам турк қўшинларини тўхтатишга ожизлик қилади. Салжуқий Султон Мақсуд I Византия қўшинларини 1146 йилда Коняда, II Салб қўшинларини эса 1147 йилда Эскишаҳар яқинларида мағлуб этади. 1176 йилда Салжуқий Султон Қилич Арслон II Византия Императори Мануэль устидан ғалаба қозонганидан кейин Онадўлида турк ҳокимияти ўрнатилгани ҳақидаги хабарлар дунёга тарқалади. Орадан юз йилдан ортиқроқ вақт ўтганидан кейин эса жаҳон тарихида мавжуд бўлган энг қудратли давлатлардан бири – Усмонли Империяси вужудга келади ва олти юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида, умр кўради (1299-1920).

Йиллар ўтгач, авлодлар ўзгарди. Бугунга келиб, Туркия Жумҳурияти дунёнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган мамлакатларидан бирига айланди. Европа ва Осиё минтақаларида 779,452 квадрат километр майдонни эгаллаган бу мамлакатнинг 83 миллиондан ортиқ аҳолиси бор. Унинг қирғоқларини Мармара, Ўрта ер, Егей ва Қора денгиз сувлари ювиб туради. Шунинг учун, дунёнинг қайси нуқтасидан чиққан бўлмасин, кемалар албатта Туркия портларига кирмай ўтмайдилар. Бугунги кунда Туркиянинг энг йирик мегаполис-ларидан бўлган Истанбул шаҳрида 16 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Дунёнинг энг йирик порт, саёҳат ва савдо-сотиқ маркази бўлган бу шаҳарга ҳар куни уч-беш миллионга яқин меҳмон келиб-кетади. Истанбул шаҳрининг катталигига амин бўлиш учун Марказий Отогар (автобус станцияси)га келиб, “Ulusoy” ширкатининг тезюрар шаҳарлараро автобусига ўтира-

миз ва Эге вилояти сари йўл оламиз. Замонавий ва тезюрар “Mersedes” автобуси шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчисига қадар қарийб уч соат юрар экан, қадимий жоме ва осмонўпар бинолар гўзаллигига маҳлиё бўлиб борамиз. Шаҳар ортда қолгач, Мармара денгизи узра паром воситасида, сўнг тоғ ва ўрмон оралаб ўтган йўлдан катта тезликда борар эканмиз, сафарнинг охири йўқдай туюлади. Аммо, Туркиянинг тарихий пойтахти бўлмиш, бугунги кунда эса “Европанинг энг яшил шаҳри” номини олган Бурса, ундан кейин келадиган Балокесир, Маниса ҳудудлари ортда қолгач, қарийб ўн соатлик сафар сўнгида кўз ўнгимизда икки тоғ орасидан чиқиб келган гўзал манзара – денгизнинг мусаффо сувлари ювиб турган қирғоқ бўйлаб осмонга бўй чўзган қатор пальма дарахтлари ва уларга ҳамоҳанг тарзда қад кўтарган замонавий осмонўпар бинолар намоён бўлади. Бу қачонлардир Рум ҳукмдорининг қизи, гўзал малика Смирна шарафига номланиб, бугунги кунда Измир деб аталаётган шаҳар, Онадўлининг ҳақиқий дурдонасидир.

Измир Туркиянинг энг йирик саноат ва маданият марказларидан бири ҳисобланади. Туркиянинг учинчи шаҳри бўлган Измир шаҳри аҳолиси сони тўрт ярим миллиондан ортиб кетган бўлса-да, унда яшаётган одамларнинг ўртача ёши 25-30 ёшни ташкил этади. Шунинг учун бўлса керак, Измир Онадўлининг энг кўҳна ва шу билан бирга келажаги порлоқ шаҳарлари сирасига киради. Одамлар уни севишганлар шаҳри деб атайдилар, кимдир унга меҳр билан “Кичик Париж” деб ном қўйган, яна кимдир учун эса у Онадўли дурдонасидир.

Қачонлардир машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго бу афсонавий шаҳарни гўзал маликага қиёслаган эди. Дарҳақиқат, бу “гўзал малика”га соҳиб бўлиш учун не-не ўғлонлар ўз ҳаётларини таҳликага қўйишмаган. Тарих зирвасида Измир қиёфаси кўп ўзгарди. Фақатгина унинг иссиқ қуёш тафтида майин жилваланаётган денгиз сувлари ва дилкаш инсонлари ўзгармади, холос.

Онадўлининг ғарбий қисмида, яъни Эге денгизининг сўлим қирғоқларида жойлашган Измир ўзининг узоқ тарихига эга. Олимларнинг фикрича, шаҳар милоддан уч минг йил аввал бунёд бўлган. Ривоятларга кўра, унинг бунёдкори Филипнинг ўғли Буюк Искандар кунлардан бир кун Пагос тоғи этакларида кийик овлаб юрганида катта чинор дарахти остида ухлаб қолади ва туш кўради. Тушида осмондан келган маъбудлар унга ана шу тоғ ёнбағрларида шаҳар бунёд этиши кераклигини айтадилар. Шу тариқа, дастлаб Смирна, кейинчалик эса Измир деб номлана бошлаган шаҳар дунёга келади.

1390 йилда Усмонли Султон Боязид I Йилдирим Онадўлининг ғарбий қисмини, шу билан бир қаторда Измир шаҳрининг христиан кучлари бошқаруви остидаги айрим ҳудудларни забт этади. Аммо, денгиз йўли билан давомли равишда ҳарбий мадад олиб турган Кадифа қалъаси яна узоқ вақт мобайнида византияликлар бошқаруви остида қолади.

1402 йилда Анқара остидаги жангларда ғолиб чиққан Соҳибқирон Амир Темур Измирнинг бир қисми ҳамон христианлар назорати остида эканидан хабардор бўлиб, бу шаҳарга юриш қилади. 1402 йилнинг декабрь ойида қисқа муддатли жанглардан кейин Измир шаҳри ва Кадифа қалъасини ишғол қилади. Иккига бўлинган шаҳарни бирлаштириб, бироздан кейин унинг бошқарувини Ойдинўғиллари беклари қўлига топшириб, ортига қайтиб кетади.

Туркий халқ ва элатларни бирлаштириб, Чиндан то Измирга қадар узанган буюк бир Империяни барпо этган Соҳибқироннинг зиммасига нафақат Шарқ мамлакатлари ва халқлари тарихига, балки кўп жиҳатдан бутун башарият тарихига янги ва муҳим саҳифа битишдек шарафли вазифа юкланган эди.

Йиллар ўтгач, Соҳибқирон бобомизнинг бу хизматлари ўзининг муносиб баҳосини олди. Амир Темур таваллуд айёми нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида, шу билан бирга, туркий халқлар томонидан ҳам кенг нишонлана бошланди.

Жумладан, бундай шодиёна қутламалар Туркиянинг Измир шаҳрида ҳам бўлиб ўтганлигининг шоҳиди бўлдик.

1996 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ва Измир шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тантанали йиғилиш Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва тарихий Кадифа қалъаси Соҳиқирон томонидан озод этилганининг 594 йиллигига бағишланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар феодал тарқоқлик, вайроналиклар келтирувчи ўзаро урушлар оқибатини олдиндан кўра билган Амир Темур туркий халқлар бошини бирлаштириб, шарқда Ғарбий Олтойдан тортиб, ғарбда Ўрта ер денгизи соҳилларига қадар ҳудудда узаниб, пойтахти кўҳна Самарқанд бўлган йирик ва қудратли давлат барпо этишдек азалий орзуни амалга оширгани, илм-фан ва маданият ривожига ҳам ҳомийлик қилиб, тарихда ўчмас из қолдирганини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Йиллар ўтди, аммо бугун ҳам Измир ўзининг эътиборли ўрнини йўқотмади. Бугунги кунда у дунёнинг энг замонавий шаҳарларидан бўлиб, катта савдо-сотиқ маркази ва Туркиянинг “денгиз дарвоза”ларидан биридир. Шаҳар кўрфазидаги портларга ҳар кун дунёнинг тарли бурчакларидан ўнлаб кемалар келиб турибди. Осмонўпар бинолар, маданий муассасалар ва таълим даргоҳлари, кўм-кўк ва саришта боғу роғлар, тантанавор майдон ва осойишта хиёбонлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Туркиянинг энг гўзал гўшаларидан бири, Онадўлининг ҳақиқий дурдонаси бўлган Измир билан хайрлашар эканмиз, шаҳарнинг энг баланд нуқтаси бўлган Телеферикдан сўнгги бор унга назар ташлаймиз. Шаҳарнинг хиёбон ва майдонлари, соҳил бўйлаб қатор экилган пальма дарахтлари виқор билан осмонга бўй чўзади. Оқшом узра денгиз ортига бекинаётган қуёшга сўнгги бор назар ташлаш иштиёқида талпинаётган инсонни эслатади улар. Ҳудди қалбига орзу ва умидини жо этган одамлар каби...

ЎЗБЕКЛАР ТАКЯСИ

Туркиянинг “Yeni Yuzyil” газетаси 1996 йил 2 ноябрь сонида ушбу хабарни ўқидик: “Истанбулнинг Ускудорида 1850 йилда Нақшбандия тариқати мақсадлари йўлида қурилган ва “Ўзбеклар такяси” номи билан танилган тарихий бино Ҳовузбошидан чиққан ёнғин натижасида ёниб кул бўлди...”

Бу хабар эълон қилинган вақтда мен ҳудди шу Ускудордаги “Ўзбеклар такяси” ҳақида маълумот тўплаб, мақола устида ишлаётган эдим. Бу каби обидаларнинг Туркистон тарихи, халқимиз тақдири билан узвий равишда боғлиқ бўлган ришталари кўз олдимдан бирма-бир ўтаётган эди. Эски Бухоро кўчалари, саҳродан ўтиб келаётган узундан-узун карвонлар, биз учун азиз бўлган сиймолар хотираси, барча-барчаси, бугунги кунда кўпни кўрган мўйсафид каби қад ростлаб турган тарихий обидага келиб туташар эди. Энди эса қоғозга тушган жумлалар ҳозирги эмас, ўтган замонда берилиши керак эди. Тақдир ноҳақлик қилаётгандек бўлди ва мен ҳикоямни ўтган замонда эмас, ҳозирги замонда, яъни Ускудордаги “Ўзбеклар такяси” бугун ҳам қад ростлаб тургани каби баён қилишга аҳд қилдим.

АҚШда истиқомат қилаётган ўзбеклардан Ҳожи Ҳолид Туроннинг гувоҳлик беришича, Макка, Қоҳира, Қуддус ва Истанбул шаҳарларида бугунги кунда жами беш юзга яқин “Ўзбек такялари” бор экан. Улар ҳар хил вақтда қурилган бўлиб, кўриниши ва ҳажми бир-биридан фарқ қилса-да, асосан бир мақсадга хизмат қилиб келган – узоқ мамлакатлардан ҳаж сафари муносабати билан йўлга чиққан мусофирларни ўз паноҳига олган. Такяда қолиш вақт нуқтаи назаридан чекланмаган бўлиб, йўловчилар баъзан у ерда ойлаб қолиб ишлаганлар, маблағ тўплагач, йўлларида давом этганлар. Такянинг Пири Остона деб номланган қисмида дам олиш, овқатланиш, ибодат қилиш учун хоналар, Хонақоҳ деб номланган қисмида дарвешларнинг зикр маросимлари ўтказиладиган махсус завиялар мавжуд бўлган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, такялар азалдан, асосан, маълум бир тариқат (масалан, Мавлавия, Қодирия, Рифоия, Холватия, Бектошия, Желватия, Нақшбандия ва бошқалар) йўлини тутган дарвешлар йиғилиб, зикр маросимларини ўтказадиган ер сифатида вужудга келган. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг номи форсча “текйа” сўзидан олинган бўлиб, “суянмоқ, суянадиган жой” маъносини берган. Аммо, бундан ташқари “такя” сўзининг “бино” маъноси ҳам бордир.

Ҳар бир такянинг ўз шайхи бўлиб, унинг ёрдамчиси (накийби) барча ишларга, масалан, меҳмонларни кутиб олиш, тартиб ва тозаликка қараш, ҳисоб-китоб, хизматчиларни назорат қилиш ишларига жавобгар бўлган. Бундан ташқари қаҳвачи, фаррош, мозорбоши, чироқчи, ошпаз каби хизматчилар ҳам такяда давомли яшаб келганлар. Такяларнинг фаолияти учун лозим бўлган маблағлар махсус ташкил этилган вақфлардан олиб турилган.

Истанбулнинг Ускудоридаги “Ўзбеклар такяси” ҳам мана шундай даргоҳлардан бири сифатида дунёга келган.

Баъзи маълумотларга қараганда, азалдан Усмонийлар ўлкасидан ташқарида яшаган мусулмонлар ўзлари учун фарз бўлган ҳаж вазифасини адо этишдан аввал яна бир қанча шартларни бажаришлари лозим бўлган. Булардан биринчиси, яқин қариндошлар орасида бирорта ночор ва камбағал бўлмаслиги керак эди. Сўнгра Айюб Султонни (Истанбул марказида жойлашган муқаддас зиёратгоҳ) зиёрат қилиб, Халифадан руҳсат олишга мажбур эдилар. Ушбу маросимни адо этиш учун ўзбеклар Истанбулга келиб, қулай бир жойга чодир қурар эдилар. Бир неча кун дам олиб, Айюб Султонни зиёрат қилгач, подшоҳнинг жума намозида қатнашиб, фарзларини адо этгандан кейингина Маккаи Мукаррама сари йўлларида давом этар эдилар.

Ривоятларга қараганда, бу воқеа XVIII асрда бўлган экан. Бир кун ўзбеклар карвони яна шу ерга келиб, ўзига хос нақшли, ипакдан тайёрлаб чиройли безатилган чодирларини қурибдилар.

Сайрга чиққан Султон тасодифан у ердан отда ўтиб қолади. Қурилган чодирлар унинг эътиборини тортгани учун у бориб меҳмонлар билан суҳбат қуради. Карвон бошида келаётган катта илм соҳиби Нақшия Шайхи билан бўлиб ўтган суҳбат Султонда катта таассурот қолдириб, у ҳаж сафаридан қайтишда ҳаммаларига Истанбулда қолишни таклиф этади. Чодирлар қурилган ерни ўзбекларга ҳадя этиб, қайтгунларига қадар бу ерда бир такя қуришга сўз беради ва шундан кейингина ўзини таништиради. Ўзбеклар ҳам, Султон ҳам сўзларининг устидан чиқишади. Шу тариқа, Ускудордаги Султонтепада илк такя қурилади.

Такянинг жамоат йиғиладиган масжид хонаси деворида 54х12 см ҳажмда бўлган бир ёзувда маълумот берилишича, у Мараш Волийси (ҳокими) Абдулло Пошо томонидан 1752 йилда (ҳижрий 1166) қурилган бўлиб, самарқандлик Ўзбек шайхи Абдуллоҳ-ул Акбар унга Шайх этиб тайинланади. Шайхнинг номи “Ўзбек” бўлгани учун такяни ҳам “Ўзбеклар такяси” деб атай бошлайдилар. Шайх Абдуллоҳ-ул Акбар такя ёнидаги қабристонга кўмилагн бўлиб, бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Бундан ташқари, Исмоил Айвонсаройнинг “Ҳақиқат-ул Жавомие” номли асарида ҳам такянинг 1753 йилда мири-миронлик Садраъзам ва Мараш Волийси Абдулло Пошшо томонидан қурилгани ҳақида маълумот берилади. Истанбул Вақфлар Мудирлиги (Бошқармаси)да такя биноси Султон Мустафо III (1757-1774 йилларда ҳукмронлик қилган) Вақфи сифатида қайд этилган. Ускудор Она (Бош) тижорат дафтари ва Иншоот ишлари мудирлигида ҳам шундай қайд мавжуд (N H 17/119). Бу маълумотларга қараганда, “Ўзбеклар такяси” камида 243 йил аввал қурилган бинодир. Аммо, бир неча аср давомида унда бир неча марта таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилган бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида маълумот бериб ўтишни истардик:

1. Иброҳим Ҳаққи Коняли 1941 йилда такя ичида ўтказган тадқиқотлар давомида бир ёзувда Авни Пошшозода Мир

Аҳмаднинг 1780 йилда (ҳижрий 1194) такяни таъмир эттиргани ҳақидаги маълумотни ўқийди. Бу ёзув Сулаймон Руҳи Афанди томонидан 1780 йилда ёзилган бир манзума эди.

2. Боғдаги сўри устида 1804-1805 йилларда битилган ёзувдан Маҳмуд II ҳарамидаги бош хотин афандининг чашма қурдириб, йўлакларни таъмирлатгани ҳақидаги маълумотни ҳам ўқиш мумкин.

3. Такянинг кириш (саломлик) эшигининг юқори қисмида ҳам бир ёзув борки, унда “Ўзбек хонақоҳини эътибор билан сақлаган Султонга лутф ила миннатдорчилик” билдирилади (1844).

4. 1844 йилда ёзилган бошқа ёзувда такя ҳудудида яна бир чашма қурилгани ҳақида маълумот берилади.

5. Такянинг энг машҳур шайхларидан бўлган Шайх Иброҳим Афандининг подшоҳга мактуб ёзиб, ўзбек мусофирларининг бошпанаси бўлган такянинг таъмири учун ёрдам сўрагани ва Абдуҳамид II бу илтимосни қондиргани ҳақидаги маълумотлар ҳам бизгача етиб келган. Буни 1896 йилда (ҳижрий 1314) ёзилган бир ташаккур шеъри ҳам тасдиқлайди.

Қисқаси, “Ўзбеклар такяси” кўп йиллар давомида турли хил моддий ва маънавий ёрдам олиб турган, ҳамма вақт одам билан гавжум бўлгани учун, уларнинг меҳнати натижасида бугунги кунгача етиб келган тарихий бинодир.

Такя меъморчилик тарихи нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, у 200-300 йил аввал мавжуд бўлган халқ амалий санъатига хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттиради. Масалан, бино қурилишида фойдаланилган михлар камида 150 йил аввал Истанбулнинг Пайшанба бозоридаги “михчилар” маҳалласида тайёрланган михлардир. Ойналарнинг четларида эса эскидан мавжуд бўлган темир панжараларнинг қолдиқларини кўриш мумкин. Атишларича, Шайх Ота Афанди “Бу вақтда ҳам қафас бўлар эканми?” – деб, темир панжараларни олдириб ташлаган эканлар.

Ойналар ҳақида гап кетган экан, масжиднинг қабристонга қараган тўрт деразасини гапирмасдан иложимиз йўқ. Биринчи деразадан Шайх Иброҳим Адҳам, иккинчи деразадан Шайх Содиқ Афанди, Шайх Маҳмуд Ота ва Шайх Абдуллоҳ-ул Акбар қабрлари кўриниб туради. Учинчи ва тўртинчи дераза орасида кичик (22х34 см) ҳажмда бир лавҳа бўлиб, унда шундай сатрлар битилган:

Кел биродар Нақшбандий
Такясин айла макон.
Бил буни(нг) арбоби ҳийла
Ким удир Дар-ус салом.

(Сана 1768-69)

Унинг ёнида 40х63 см ҳажмда яна бир лавҳа бўлиб, унда ҳам шундай ёзув бор: “Лиллоҳул ҳам сабаб бўлди раҳмат билан... бу чашма марҳум ва мағфурунлайх Шайх Мехмет Ражаб Афанди маслаби кабилари Шайх Мехмет Содиқ Афанди ҳазратларининг руҳи шарафлари учун фотиҳа 1260” (1844).

Энди такянинг энг сирли ва муқаддас ери бўлмиш қабристонга йўл оламиз. Эшикдан киришимиз билан эски бир қабрга кўзимиз тушади. Қабр тошида “Мир Ризо” деган ёзув бор. Дафн этилган вақти 1829 йил (ҳижрий 1245). Айтишларига қараганда, қабрда ётган киши Ҳазрати Абу Бакир авлодидан бўлиб, ўрнатилган лавҳада Султон Абдулҳамид II 1891 йилда (ҳижрий 1309) қабр устини таъмир эттириб, атрофни ободонлаштиргани ҳақидаги маълумотни ўқишимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, такянинг биринчи шайхи Шайх Абдуллоҳ-ул Акбар ҳам шу ерга кўмилганлар. У кишининг қабр тошлари узра шундай ёзув битилган: “Аш Шайх Ас-Саййид Абдуллоҳ-ул Акбар Ибн Саййид Саъдуллоҳ Самарқандий. Сана 1202 (1787)”.

Айрим маълумотларга қараганда, Шайх Абдуллоҳ-ул Акбар “Ўзбек” номи билан бир қаторда халқ орасида “Ҳожи Хўжа” номи билан ҳам машҳур бўлганлар (Онадўли туркчасида “хўжа”

сўзи “домла, устоз” маъносини беради). Такянинг “Ҳожи Хўжа такяси” иккинчи номи ҳам шундан. Такянинг кейинги барча шайхлари шу кишининг авлодларидандир. Такянинг энг машҳур шайхлари Шайх Иброҳим Афанди, Шайх Маҳмуд Ота, Шайх Нажмиддин Ўзбеккангай қабрлари ҳам шу ердадир.

Қабристонни кезар эканмиз, Туркистон тарихининг яна бир саҳифаси очилади. Бу ерда Бухоро Халқ Жумҳурияти ҳукумати раиси Усмон Хўжа қабрини кўришимиз мумкин. Ўш шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топган Усмон Хўжа Бухоро мадрасалари ва кейинроқ Туркияда таҳсил олади. Бухорога қайтгач, жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бирига айланади. 1921 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган II Қурултойда Бухоро Халқ Жумҳурияти ҳукумати раиси этиб сайланади ва олти ой умр кўрган ҳукуматга раҳбарлик қилади. Миллий ҳаракат бостирилгач, аввало Афғонистонга, кейин Туркияга келади ва Истанбул шаҳрида яшайди. Усмон Хўжа 1968 йил 27 июнда 90 ёшида вафот этади ва “Ўзбеклар такяси” қабристонига дафн этилади. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг фаол аъзоси бўлган Мажидиддин Маҳмудхоннинг қабри ҳам шу ерда.

Дунёдаги ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби инсон умри ҳам боқий эмас. Тарихий обидалар ҳам бирин-кетин ер юзидан йўқ бўлиб боради. Ушбу мақоламизда биз биргина обида – “Ўзбеклар такяси”ни, унда яшаб ўтган бир қатор инсонларни, Ватанидан йироқда бўлса-да, ҳаётини “ўзбек” деган ном билан узвий боғлиқликда билган аждодларимизни ёдга олдик, холос. Ваҳоланки, тарихимизнинг айрим саҳифаларини очишга ёрдам бериши мумкин бўлган бу каби тақдирлар саноғига етиш қийин. Шунга қарамасдан, дунё бўйлаб “анор доналари каби сочилиб кетган” ўзбеклар тақдири, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Туркия, Измир шаҳри
1996 йил 12 декабрь

МАШҲУР ШАРҚШУНОС ОЛИМ ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОН

Истанбул университетининг Адабиёт факультети жойлашган бинода меъморий бир хона бор. Унда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган, аксарияти туркий халқлар тарихи ва маданиятига оид нодир қўлёзма ва китоблар тўпланган. Ҳар куни зиёратчилар билан гавжум бўладиган ушбу маскан “Заки Валидий Тўғон” хонаси деб аталади. Сабаби, унга машҳур шарқшунос олим, Европа ва бошқа бир қатор мамлакатлар академияларининг фаҳрий аъзоси, Истанбул университети профессори Аҳмад Заки Валидий Тўғон асос солган бўлиб, умрининг охирги йилларини шу ерда ўтказган. Олим ҳаёти билан боғлиқ бўлган манбалар ҳамда унинг туркий халқлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган кенг кўламли илмий мероси бугунги кунда ҳам шарқшуносларнинг диққат марказида бўлиб қолмоқда.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон 1890 йилда узоқ бир бошқирд қишлоғида дунёга келган. Жанубий Ўрол ёнбағирларида жойлашган бу қишлоқнинг бир томони тоғ ва ўрмонга, бир томони эса чўл ҳудудига туташган эди. Аҳмад Закининг бобоси (онаси томондан) Сатлиқ Қафи Хива ва Бухорода таҳсил олиб қайтган ўз даврининг етук зиёлиларидан бири эди. У араб ва форс тилларини мукаммал ўрганган, шарқ мумтоз адабиёти намуналари билан яқиндан таниш бўлиб, ўзидаги билимларни қизига беришга муваффақ бўлган. Йиллар ўтгач, Тўғон ўзининг “Хотиралар”ида шундай ёзади: “Болалик йилларимда онам менга ўз хотирасида сақлаб қолган кўплаб шеърий парчаларни ёд олдирарди. Бу парчалар кимнинг қаламига мансуб эканлигини онамнинг ўзи ҳам яхши билмасди. Аммо, йиллар ўтгач, мен Навоий ижодини ўрганар эканман, бу парчаларнинг аксарияти шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий қаламига мансуб эканлигини билдим. Онам хотирасида сақланиб қолган

бошқа шеърий парчалар Аттор, Румий, Яссавий, Сўфи Оллоёр каби табаррук зотлар ижодидан намуналар эди...

1957 йилда мен Покистонда яшаб, Лаҳор университетида форс тилидан дарс бераётган дўстим профессор Муҳаммад Бакир хонадонида меҳмон бўлдим. Унинг отаси бухоролик ўзбеклардан бўлиб, XIX асрда Ҳайдарободда ҳарбий қўмондонлардан бири бўлган экан. Суҳбатимиз чоғида ёшликда бир хил китоб ва шеърлар ўқиганимиз маълум бўлди. Туркий халқлар ўртасида уларнинг бу қадар кенг тарқалгани иккимизни ҳам ҳайрон қолдирди...”[1]

Бу мавзуни давом эттирар эканмиз, Аҳмад Заки оиласига, айниқса, отасига яқин бўлган одамлар Бухоро ва Хива маданиятининг кучли таъсири остида бўлганини айтиб ўтиш лозим. Ўз даврининг етук зиёлиси, нақшбандия тариқати тарғиботчиларидан бири бўлган Габдулла мулла ҳам Бухорода таҳсил олиб қайтган, ислом динини пухта эгаллаб, араб ва форс тилларида дилбар шеърлар ёзган экан. Бундай мисолларни келтиришимиздан мақсад, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаётган халқлар яратган маданият ва тариқатлар бошқа туркий халқлар орасида кенг ёйилиб, уларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан шаклланишига кучли таъсир кўрсатганини яна бир бор таъкидлаш, холос.

Аҳмад Заки етти ёшида ота-онаси ёрдамида араб, форс ва рус тилларини ўрганади. Шарқ мумтоз адабиёти намуналари билан танишади. Унинг туркий халқлар ўтмиши, маданияти тарихи, уларнинг жаҳон маданияти ривожида тутган ўрни борасидаги машҳур тадқиқотлари айни мана шу ҳаётбахш заминда униб-ўсган бўлса ажаб эмас.

1909 йилда Тўғон ҳаётида катта воқеа рўй беради – у Қосимия мадрасасида турк тарихи ва араб адабиёти фанларидан дарс бера бошлайди. Худди шу вақтда у ўзининг “Турклар тарихи” номли фундаментал тадқиқоти устида иш бошлайди. Ёш

[1] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 34-35 (таржима бизники).

олимнинг “Туркий қабилаларда халқ қўшиқлари (тўртликлар)” номли илк илмий тадқиқоти ҳам шу даврда ёзилиб, “Шўро” журналида босилиб чиқади. “Турклар тарихи” китобини ёзар эканман, - деб ёзади Тўғон, - мен Плеханов ва Бартольднинг иқтисодий дунёқараш назариясига асосландим. Кейинчалик, Туркистон тарихи ҳақидаги (“Бугунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи” китоби назарда тутилган – Р.Ш.), “Турклар умумий тарихига кириш” (Истанбул, 1946), “Тарих методологияси” (Истанбул, 1950) китоблари устида иш олиб борар эканман, худди мана шу тарихий жараёнда иқтисодий ривожланишнинг бирламчи ўрни ҳақидаги нуқтаи назарни сақлаб қолдим”[2].

1915 йилда Заки Валидий Уфадаги Усмония мадрасасида турк халқлари тарихидан дарс бера бошлайди ва маълум даражада сиёсий ҳаётга ҳам ўзининг илк қадамларини қўяди. Бу вақтларда Чор Мажлиси (Дума) таркибида мусулмон халқлари номидан қозон татарларидан бешта, озарбайжонлардан эса атиги битта вакил фаолият олиб борарди. Уларнинг халқ билан алоқаси анча узилиб қолган бўлиб, оддий меҳнат кишиларининг ўй ва истаклари олий бошқарув органига етиб бормайдиган бир шароит вужудга келган эди. Ана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида мусулмон жамоалари замирида шакллана бошлаган сиёсий кучлар ўзларининг бир гуруҳ вакилларини Петербургга юборишга қарор қилади. Мажлисдаги Мусулмон фракцияси аъзоларига ёрдам бериш учун Уфадан Заки Валидий сайланиб, 1915 йилда Петербургга келади ва шу тариқа унинг сиёсий фаолияти бошланади.

1915-1916 йиллар Заки Валидий учун тайёргарлик даври бўлган десак муболаға бўлмайди. У Петербургда фаолият олиб бораётган бир қатор мусулмон ҳамкасблари билан танишади, Русиянинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисоди ва маданияти тарихини атрофлича ўрганади. Бироздан кейин юз берган Февраль инқилобини эса у инқироз сари бораётган жамиятнинг

[2] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 97 (таржима бизники).

мантиқий интиҳоси сифатида қабул қилиб, унга катта умидлар боғлайди. Шарқ халқлари ҳаётида туб ўзгаришлар бўлишига ич-ичидан ишонади.

Тарихимизнинг энг зиддиятли ва туб бурилиш даври бўлган XX асрнинг илк чорагида юз берган воқелар ҳақида олим ўзининг бир қатор асарларида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган (масалан, "Қум остида қолган ўн етти шаҳар ва Садри Мақсудибей", Истанбул, 1934; Бугунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи", Истанбул, 1942-1947; "Туркэли харитаси ва унга оид изоҳлар", Истанбул, 1943; "Хотиралар", Истанбул, 1969). Уларда Шарқ халқлари тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам кенг ўрин эгаллайди. Масалан, Петербургда фаолият олиб борган Шарқ халқлари манфаатларини ҳимоя қилиши керак бўлган зиёлилар ўртасида кескин келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, улар икки асосий гуруҳга бўлинган эдилар. Биринчи гуруҳ инқилоб натижасида барпо бўладиган янги Русиянинг яхлит ва ажралмаслиги тарафдори бўлса, иккинчи гуруҳ Шарқ ўлкаларининг мухтор бошқаруви ва уларнинг мустақиллик йўлидан боришини ёқлаб чиқади. Заки Валидий иккинчи гуруҳга мансуб эди.

1917 йилнинг май ойида Москвада бўлиб ўтган Русия Мусулмонлари Кенгашида (Шарқ халқлари Кенгаши) узоқ давом этган мунозаралардан сўнг Шарқ халқлари учун мухтор бошқарув ғояси ёқлаб чиқилади. Халқларнинг мустақил ривожланиш йўлидан бориши ғоясига қарши чиққанлар орасида Садри Мақсуди бошчилигидаги бир гуруҳ қозонли зиёлилар ҳам бор эди. Кенгашда қабул қилинган қарорга биноан шу йилнинг май ойида Оренбург шаҳрида Заки Валидийнинг фаол иштирокида Бошқирд Марказий Шўроси тузилади. 1918 йил 29 ноябрда эса бу ташкилот замирида Бошқирд Мухторияти барпо бўлиб, унинг ҳукумати таркибига Заки Валидий Тўғон Ҳарбий ва Ички ишлар вазири сифатида киритилади.

Москвада бўлиб ўтган Шарқ халқлари Кенгашида қабул қилинган қарорлар миллий сиёсий кучлар фаолиятига ўзининг

таъсирини кўрсатади. Бошқирдлар билан олдинма-кетин Қрим, Озарбайжон, Қўқон ва Алаш Ўрда Мухториятлари эълон қилинади. Халқ ҳаракатларига раҳбарлик қилган зиёлилар мисли кўрилмаган курашлар ичида фаолият олиб бориб, тарихда ўчмас изларини қолдиришга муваффақ бўладилар. 1917 йил охири 1918 йил бошларида Бошқирд Мухториятининг III Қурултойи бўлиб ўтади. Унинг ўтказилишида Заки Валидий ҳам фаол иштирок этади. Аммо, 18 январда Оренбург шаҳри большевиклар томонидан ишғол этилгач, Тўғон қамоққа олинади (3 февраль) ва 4 апрелда у ердан қочишга муваффақ бўлади.

1918 йил 27 майда содир бўлган Чех легионларининг исёни Бошқирд ўлкасидаги шўролар ҳукмронлигига барҳам беради. Бундан фойдаланиб, чехлар ёрдамида Заки Валидий бошқирдлардан иборат бўлган ҳарбий қўшинни ташкил этишга киришади. 7 июндан эътиборан эса Бошқирд миллий ҳукумати ўз фаолиятини давом эттиради. 1918 йилнинг охирларига келиб, шароит мураккаблашади – бир томондан оқ гвардия генераллари, иккинчи томондан большевик қўшинлари Бошқирд ҳукумати аскарларига қарши ҳужумга ўтадилар. Икки ўт орасида қолган ёш ҳукумат бир қарорга келишга мажбур бўлади ва 1919 йилнинг 18 февралида шўролар ҳукумати билан сулҳ ҳақидаги шартнома имзоланади.

Шу тариқа Заки Валидийнинг ўн беш ой давом этган шўролар ҳукумати билан ҳакорлиги бошланади. Фаолияти давомида у бир қатор шўро мафкураси намояндалари билан ёнма-ён туриб ишлайди. Тўғон “Хотиралар”ининг “Шўролар билан ўн беш ойлик ҳамкорлик” номли бобида ўзининг миллий мустақиллик ғояси большевиклар сиёсатига зид эканлигини тушуниб етиши жараёнини қадам-бақадам очиб боради. Охир-оқибатда Тўғон бошқирд халқининг тақдири ва келажаги Туркистон халқлари олиб бораётган миллий озодлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ деган фикрга келади. Натижада, 1920 йилнинг 29 июнида у яширинча Туркистон сари йўлга чиқади.

1920-1922 йилларда Заки Валидий Тўғон Туркистон ўлкасидаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади, “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилоти раҳбарлари, жадидчилик ҳаракати раҳнамолари бўлмиш зиёлилар қаторидан ўрин эгаллайди. Босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этади. Уни гоҳ Бокудаги Шарқ халқлари Кенгашида, гоҳ Туркманистонда, бироздан сўнг Хива, Тошкент, Бухоро ёки Самарқандда учратиш мумкин эди. Заки Валидий жадид зиёлилари давраларини севарди. Туркистонга муросасиз кураш олиб бориш учун келган Анвар пошшо билан бўлиб ўтган бир нечта суҳбат эса бу икки инсон ўртасидаги дўстликка замин яратади.

1923 йилнинг 12 мартида у Машҳадга келиб, у ерда беш ҳафта қолади. Равза кутубхонасида олиб борган тадқиқотлари натижасида шарқшунослик илми учун янгилик бўлган Ибн Фадлан саёҳатномалари қўлёзмаси ва бир қатор бошқа нодир китобларни топишга муваффақ бўлади. Йиллар ўтгач, бу асарлар замирида йирик фундаментал тадқиқотлар дунёга келади.

Шу йилнинг 20 апрелида Машҳаддан Афғонистон сари йўлга чиққан Заки Валидий 26 апрелда Ҳиротга етиб келади ва бу ерда ҳам беш ойга яқин қолади. Бу ерда олим ўзининг деярли барча бўш вақтини Ҳирот ва Қобул кутубхоналарида ўтказади. Олимнинг дунё бўйлаб саёҳати энди бошланаётган эди. Ундан сўнг Ҳиндистон, Арабистон, Туркия, кейинроқ Европа, жумладан, Франция, Германия, Англия мамлакатларида ўзининг фаолиятини давом эттиради.

1925 йилнинг март ойи бошларида туркиялик олим ва жамоат арбоби доктор Ризо Нур Берлинга келиб, Заки Валидий билан учрашади. Суҳбат чоғида илмий фаолиятини давом эттириш учун олим Туркияга таклиф этилади. Бунга қадар Заки Валидий Англия ҳукуматидан ҳам худди шундай таклифни олган эди. Олим кўп ўйлаб ўтирмай, 1925 йилнинг 12 майида Берлиндан йўлга чиқиб, 20 май куни Истанбулга етиб келади. Шу вақтдан эътиборан умрининг сўнгги лаҳзасигача унинг учун Туркия иккинчи ватани бўлиб қолади.

Ўзининг узоқ ҳаёт йўли давомида, аввал айтиб ўтганимиздек, Тўғон ХХ асрда яшаб ижод қилган кўплаб машҳур кишилар билан мулоқотда бўлади. “Хотиралар”ида у сиёсатчилар ва ўз даврининг кўзга кўринган шарқшунос олимлари билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Аммо биз учун олимнинг бир неча бор Туркистонга келгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерда у халқимиз учун азиз бўлган сиймолар билан учрашиб, улар билан яқин мулоқотда бўлади. Ўзининг асарларида Тўғон ХХ аср бошларидаги Туркистон ҳудудларида ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳит ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар беради.

1913 йилда Тўғон илмий тадқиқотлар олиб бориш учун Тошкентга келади. Бу сафар олим учун жуда самарали ўтганини унинг ўзи ҳам шундай эътироф этади: “Аввалдан омад менга кулиб боқди, - деб ёзади у. – Тошкентга келган биринчи кунларимдаёқ Шайх Ҳованд Тоҳур (1380 йилда вафот этган) ҳаёти ва саёҳатларига оид қўлёзмаларни топишга муваффақ бўлдим. Улар илмда ҳанузгача номаълум қўлёзмалар эди. Қизиғи шундаки, Шайх Ҳованд Тоҳур отамнинг маънавий устозларидан бўлган тошкентлик Шайх Убайдилла Аҳрорнинг узоқ аждоди эди. Қўлёзмалардан олимнинг турк ва форс тилларида ёзилган гўзал шеърлари ҳам ўрин олган эди... Бу ерда мен XVI асрдан кейинги даврга мансуб бўлган тарих ва адабиётга оид кўплаб номаълум қўлёзмаларни ҳам излаб топишга муваффақ бўлдим...”

Заки Валидий Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухорога қилган сафарлари давомида кўплаб янги дўстлар орттиради. Гимназия талабаси қозоқ фарзанди Назир Тўрақулов, Петербург университетининг ҳуқуқшунослик факультети талабаси Мустафо Чўқаев, йиллар ўтгач ўзбек халқининг машҳур шоири бўлиб етишган андижонлик Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), тошкентлик тарихчи Пўлат Соли, Мунаввар Қори Абдурашид-хонов, Убайдулла Хўжа, самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий, бухоролик Аҳмаджон Маҳдум, бошланғич мактаб ўқитувчиси Жонузоқ Иброҳим ва бошқалар шулар жумласидандир. Тўғон,

айниқса, Назир Тўрақулов ва Абдулҳамид Сулаймон билан яқиндан дўстлашади. Чўлпоннинг Андижондаги уйида меҳмон бўлганини эслаб у шундай ёзади: “Вақти билан буюк ўзбек шоири бўлиб етишган Чўлпон унда ўн беш ёшли йигитча эди. Менга ёзган мактубида у китобимни катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини, кўп ўринларда мен билан ҳамфикр эканини айтиб, Андижонга таклиф этади. Аммо Назир (Тўрақулов – Р.Ш.) билан иккимиз уйига келганимизда унинг отаси Сулаймон оға бизни бироз совуқ қаршилади: “Ёш бола ҳам отасидан сўроқсиз уйга меҳмон таклиф этиши мумкинми?” – деди у. Абдуҳамид ёш бўлишига қарамай, биз уни катта одам сифатида қабул қилардик. Сулаймон оғанинг гапидан кейин мусофирхонага кетишга қарор қилган эдик, аммо унинг “Бирга овқатланамиз, кейин кетасизлар”, - деган сўзлари бизни тўхтатди.

Дастурхон устида мен Сулаймон оға билан, Абдуҳамид эса дўсти билан гаплашиб ўтидик. Бу ҳам отасига ёқмади, каттага ҳурматсизликдай туюлди ва ўғлига жаҳл қилди. Шунда мен форсчада Мавлавийнинг ушбу сатрларини эслатдим: “Булбул хушовоз қуш, аммо у хониш қилганида бошқа қушлар сайрашдан тўхтамайдилар”. Зукко Сулаймон оға айтилган сўзларнинг мағзини дарров чақди ва бир лаҳзада жаҳлдан тушди. “Энди сизлар ўғлимнинг эмас менинг меҳмонимсизлар”, - деб бизни уйида олиб қолди. Шунда бўлажак буюк турк шоири Чўлпоннинг отаси форс маданиятига чексиз ҳурмат билан қарашининг гувоҳи бўлганман...”[3]

Бу каби хотиралар Заки Валидий асарларида кўплаб учрайди. Баъзи ўринларда ўқувчи учун янгилик бўлган маълумотлар ҳам борки, улар илм нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Шундай мисоллардан бир нечтасини келтириб ўтишни истардик:

“Бухоро Амирининг собиқ бош вазири Авлиёқул Қушбеги у вақтларда ҳозирги Тожикистон пойтахти Душанбенинг генерал-губернатори эди. У “Ҳусайний” таҳаллуси билан дурустгина

[3] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 138-139 (таржима бизники).

шеърлар ҳам ёзар экан. Менинг бундан хабарим бўлмаганлиги сабабли учрашувимиз чоғида у менга ўзининг форсчада ёзилган шеърларидан намуналар ўқиб берган вақтида таажжубимни яширолмадим...”[4]

“Карачида мен яна бир неча кун қолиб, Бухоро ва Хуросоннинг XVII асрдан кейинги даври тарихига оид бир неча муҳим қўлёзма топишга муваффиқ бўлдим. Улардан бири XVII асрда яшаб ижод қилган ўзбек шоири Имомий қаламига мансуб бўлиб, Бухорода ёзилган эди. “Хонлар тарихи” ёки “Хоннома”деб аталувчи бу асарда қадимги туркий достонлар жамланган эди...”[5]

“Фарғона Генерал-губернаторининг ёрдамчиси Наливкин форс ва турк тилларини яхши билгани учун тарихни асл манбалардан ўрганар эди. Унинг Қўқон хонлиги тарихига оид тадқиқотлари Францияда чоп қилинган эди. 1908 йилда Наливкиннинг “Маҳаллий аҳоли (туркистонликлар – Р.Ш.) тарихи ва бугунги аҳволи ҳақида” номли ажойиб этюди ҳам эълон қилиниб, илм аҳли ўртасида анча шов-шувларга сабаб бўлганди...”[6]

“1913 йилда мен Қўқонда “Ғайрат” кутубхонасини ташкил этишда қатнашдим...”[7]

“Дўстим Ашурали Зоҳирий билан Қўқонда “Юрт” номли журнал чиқара бошладик. Унда менинг “Турк миллатининг маънавий маданияти” номли мақолам ҳам эълон қилинди...”[8]

“Русия ҳукуматининг бўлажак бош вазири А.Ф.Керенский Тошкентда маориф нозири оиласида туғилиб вояга етганди. 1958 йилнинг февраль ойида мен Александр Фёдорович билан Стамфорд (АҚШ)даги Гувер кутубхонасида учрашганимда у “Хотиралар”и устида ишлаётган эди. Бир куни биз кутубхона ошхонасида тушлик қилар эканмиз, у Тошкентдаги муаззиннинг

[4] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 149.
[5] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 153.
[6] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 158.
[7] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 159.
[8] Ўша бетда.

овозини айнан ўхшатиб кўрсатиб бериб мени лол қолдиргани ҳамон эсимда...”[9]

Заки Валидий Тўғоннинг биринчи “Турк ва татар тарихи” номли китоби 1912 йилда эълон қилинган бўлса-да, шарқшунослик оламидаги катта шуҳратни унга 1939 йилда чоп этилган Ибн Фадлан ҳақидаги асари олиб келган. Ундан кейин Беруний, Алишер Навоий, Амир Темур, Шайбонийхон, Маҳмуд Кошғарий, Чингизхон, Замаҳшарий, Вамбери, Шаҳобиддин Маржоний каби алломалар ҳаёти ва илмий-маданий мероси, Марказий Осиё тарихи, умумтурк тарихи ва услубиятига оид асарлари бирин-кетин дунё юзини кўрди.

Юқорида биз олимнинг айрим қирралари ҳақида сўз юритдик холос. Ваҳоланки, “Турк ва татар тарихи”, “Бугунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи”, “Турк тарихига кириш”, “Тарихда усул”, “Турк - Туркистон”, “Темур ва ўғиллари”, “Қорахонийлар”, “Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари” каби уч юздан зиёд фундаментал тадқиқотлар муаллифи сифатида у жаҳоннинг энг сермаҳсул олимлари сафидан ўрин олган.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳаёти ва илмий меросига қизиқиш мамлакатимизда нисбатан яқинда бошланган ва бугунги кунда тобора ўсиб бормоқда. Унинг шахсияти ва асарлари замирида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди. Туркиялик, бошқирд ва ўзбек олимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда олим асарларининг библиографияси мингдан ортди. Унинг эълон қилинган бошқа асарларини излаб топиш жараёни ҳанузгача давом этмоқда. Яна узоқ йиллар зиддиятли даврнинг зиддиятли фарзанди шахсияти ва илмий мероси шарқшунослик илмининг диққат-марказида бўлиб қолишига ишонч билдириб қоламиз.

[9] Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Уфа: Китап, 1994. - С. 164.

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОН БИБЛИОГРАФИЯСИ

Эътиборингизга ҳавола этилаётган библиография таниқли туркиялик олим, профессор Тунжар Бойқаронинг “Заки Валидий Тўғон” (Анқара, Маданият вазирлиги, 1989 йил, 1-нашр) (Tuncer Baykara. Zeki Velidi Togan. Ankara, Kultur Bakanligi, 1989, 1-baski) китобидан ўрин олган маълумотлар асосида тайёрланган бўлиб, унга асосан олимнинг ҳаётлиги даврида эълон қилинган асарлари киритилган. Ундан кейинги даврда бир қатор мамлакатларда қайта нашр этилган асарлари борасидаги тадқиқотларни давом эттириш ниятидамиз. Ушбу эътиборингизга ҳавола этилаётган библиография тарихчи, шарқшунос ва адабиётшунос олимлар билан бир қаторда мамлакатимиз ва миллатимиз ўтмиши, жумладан, жадидчилик даври билан қизиққан барча ўқувчилар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

1911

1. Туркча тўрт мисрали шеърий намуналар ҳақида. Оренбург, Шўро, 1911.

1912

2. Турк ва татар тарихи. Қозон, 1912.

1913

3. Буржон бошқирдлари этнографиясига доир. Шўро, 1913.

4. Қозон татар маликаси Суюмбекага доир тадқиқотларнинг таҳлили. Қозон, 1013.

5. Хожа Бедининг Қозон халқ адабиётига доир тадқиқоти таҳлили. Ибид, 1913.

6. Қозон гимназия ва дорилфунунларида муаллимлик қилган Халфинлар оиласининг илмий-маданий ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқот. Шўро, 1913.

7. Шоир Абдулла Тўқай шеърларининг таҳлили. Қозон, Мактаб, 1913.

8. Академик В.Бартольднинг илмий асарлари ҳақида. Оренбург, 1913.

9. Вамберининг ҳаёти ва асарлари. Қозон, Мактаб, 1913.

10. Ашмарин татар адабиёти ҳақида. Оренбург, 1913.

11. Инқилоб даврида ва чор Михаил Фёдорович ҳаётига суиқасд воқеасида мусулмонларнинг ўрни. Қозон, 1913.

12. Чиғатой шоири Лутфий ва унинг девони. Қозон, 1913.

1914

13. Туркман шоири Махтумқули ҳаёти ва асарлари. Шўро, 1914.

14. Қўқон хони Худоёрхоннинг сўнгги кунлари. Қозон, 1914.

15. “Ғурфат ал-ҳавоқин” ва унинг қорахонийлар тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Қозон, 1914.

16. Рус тарихий адабиётларда Шаҳобиддин Маржоний. Қозон, 1914.

17. Қаюм Нозирий Маржонийнинг бир асари ҳақида. Ибид, 1914.

18. Ислом оламининг инқирозга юз тутиши сабаблари ва Маржоний // Қозон, Юлдуз, 117-сон, 1914.

19. Петербург университети шарқ факультети лектори Ҳусайн Файзихонийнинг ҳаёти ва асарларига доир. Шўро, 1914.

20. Ибн Холдуннинг назарида ислом ҳукуматларининг истиқболи // Истанбул, Билги, 7-сон, 1914.

21. Туркистонлик этнограф олим Абубакир Диваевнинг ҳаёти ва асарлари. Уфа, Турмуш, 1914.

22. Шарқ ҳақидаги рус илмий нашрларнинг таҳлили. Шўро ва Юлдуз, 1914-1915.

1915

23. К 10-летию со дня рождения татарского учёного историка Марджани // Известия Археологического общества при Казанском университете. Т. XXXIX, 1915.

24. Филоненконинг бошқирд тарихига оид асари таҳлили. Турмуш, 1915.

25. Қисқа турк ва татар тарихи. Қозон, 1915.

26. Восточные рукописи Ферганской области // Записки восточного отделения императорского русского археологического общества. Т. XXII, 1915. С. 303-320.

27. Некоторые данные по истории Ферганы восемнадцатого века // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии, № 19. Ташкент, 1915.

1916

28. Отчёт о командировке в Бухарское ханство // Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Т. XXIII, 1916. С. 245-262.

1917

29. Туркистоннинг маънавий ва маданий бойлиги // Қўқон, Юрт, 1-сон, 1917.

1924

30. Валидийнинг Қобул ва Машҳад кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва китоблари таҳлили // Париж, Осиё журн., 1-сон, 1924. 149-151-бетлар.

31. Ибн ул-Фақиҳнинг янги қўлёзмаси // Анқара, Турк юрти, 4-сон, 1924, 297-304-бетлар.

32. Мешхедская рукопись Ибн-ул Факиха // Бюллетень академии наук России, Санкт-Петербург, 1924. С. 237-248.

1925

33. Туркестан. Знамья борьбы. Берлин, 1925.

34. Большевизм ҳақида. Истанбул, Вақит, 24.X.1925.

35. Турк афсоналарида миллий хусусиятлар // Турк юрти, 3-сон, 1925.

36. Жумҳуриятимизнинг герби қандай бўлиши керак? Истанбул, Вақит, 24.X.1925.

1926

37. Возникновение партии «Эрк». Истанбул, 1926.

1927

38. Озарбайжон этнографияси доир // Янги Кавказ, 10,11, 14, 19-сонлар, 1927.

39. Туркистон масаласи. Янги Туркистон, 1-сон, 1927, 2-8-бетлар.

40. Ўзбек Шайбонийхоннинг шеърлари ва девони. Ибид, 99-сон, 1927, 22-25 бетлар.

41. Большевикларнинг Шарқдаги мустамлакачилик сиёсати. Ибид, 2-3-сонлар, 1927.

42. Туркистон ва Идил ҳавзасининг маданий муносабатлари тарихидан. Ибид, 1927.

43. Туркистон иқтисодиётига маҳаллий ва рус тадқиқотчиларининг қарашлари // Ибид, 4-сон, 1927. 15-121- бетлар.

44. М. ва Ле Жогнинг янги асари. Ибид, 19127.

45. Бухоро Амири Туркистондаги озодлик ҳаракатига қарши // Ибид, 5-6-сонлар, 1927.

46. Туркистон номи, чегаралари ва майдони ҳақида. Ибид, 1927.

47. Шарқий Туркистонда қадимги халқлар маданияти. Ибид, 7-сон, 1927, 29-38-бетлар.

48. Ғарбий Осиёдаги Кабл ат-Турк маданияти ва турклар. Вақит, 23, 24. IV. 1927.

49. Туркларда маданий инқироз // Турк юрти, 24-сон, 1927, 495-509-бетлар.

50. Арабларнинг “Фиқҳ” асарида Хоразм мотивлари. Ислом Энциклопедияси, III жилд, 1927, 190-213-бетлар.

1928

51. Ўғизларнинг христианлиги масаласига доир. Туркиёт мажмуаси, II жилд, 1928. 61-74-бетлар.

52. Хоразмда яратилган эски туркча асарлар. Ибид, 1928.

53. Шайх Муҳсини Фонийнинг Махтумқули “Девон”и нашрига оид танқиди ҳақида. Ибид, 1928.

54. Рус инқилоби даврида Туркистондаги илмий нашрлар ҳақида мулоҳазалар. Ибид, 1928.

55. Рус муҳожират сиёсатининг янги даврида туркистонликларнинг вазифалари // Янги Туркистон, 8-сон, 1928, 1-7-бетлар.

56. Туркистонда аскарлик масаласи // Ибид, 9-сон, 1928, 1-6-бетлар.

57. Турк дунёсида алифбо масаласи // Ибид, 12-сон, 1928, 1-18-бетлар.

58. XVIII-XIX аср турк сиёсий ҳаётига оид икки асар: қримлик Иброҳим Ибн Али ва ҳиндистонлик Мир Иззатуллонинг асарлари // Ибид, 16-сон, 1928, 38-44-бетлар.

59. Туркистон ва Озарбайжон: тадқиқотчилар жамиятларининг фаолияти // Ибид, 1928.

60. Турк тарихи – исломиятдан аввалги даврга оид дарслар. Литография, Истанбул, 1928, 154-бет.

61. Турк тарихининг асосий босқичлари ҳақида. Литография, Истанбул, 1928, 40 бет.

62. Турк шаҳарларининг тарихий жуғрофиясига оид дарслар. Литография, Истанбул, 1928. 24-бет.

63. Қозоқбойга жавоб // Янги Туркистон, 16-сон, 1928, 1-7-бетлар.

64. Бугунги Туркистон ва яқин мозийси. Қоҳира, 1928-1940. 710-бет.

1930

65. Мавлоно Бекоий // Янги Туркистон, 27-сон, 1930. 18-21-бетлар.

66. Россиядаги мусулмонларнинг ҳозирги аҳволи. Будапешт, 1930.

67. Сибирдаги бошқирдлар (1918). Легионерски Туден. Прага, 1930.

68. Мўғуллар даврида Онадўлининг иқтисодий аҳволи. Турк ҳуқуқ ва иқтисод тарихи мажмуаси, 1-том, 1930. 1-42-бетлар.

69. Туркистон муаммоси. Дойч Рудшау, Берлин, 1930. 24-29-бетлар.

1931

70. Турк достонлари таснифи // Номсиз мажмуа, 1-3, 5-сонлар, 1931.

71. Шимоли-ғарбий Онадўлида саёҳат хотиралари // Номсиз мажмуа, 6-сон, 1931.

1932

72. Озарбайжоннинг тарихий жўғрофияси. Озарбайжон юрт билгиси, 1-том, 1932. 35-48, 69-83, 123-132, 145-156-бетлар.

73. Муборакшоҳ // Шарқшунослик бюллетени, 4-сон, 1932. 847-858-бетлар.

74. Амир Темурнинг исломиятга муносабати // Номсиз журнал, 13-сон, 1932. 7-11-бетлар.

75. “Девони луғотит турк”нинг яратилиш санаси ҳақида // Ибид, 16-сон, 1932. 77-78-бетлар.

76. Маҳмуд Кошғарийга мансуб қўлёзмалар // Ибид, 17-сон, 1932.

77. Заки Валидийнинг иддиолари. Жумҳурият, 18.VII.1932.

78. Ўрта Осиёдаги қурғоқчиликка доир // I Турк Тарих Кенгаши материаллари. Истанбул, 1932. 167-176 бетлар.

79. Ўрта Осиёдаги қум остидаги шаҳарлар ҳақида // Ибид, 1932.

1934

80. Ислом ва жўғрофия илми // Хётнернинг жуғрофия журнали, Хайделберг, 1934. 361-372-бетлар.

81. Ислом ва жўғрофия илми // Ислом маданияти, Ҳайдаробод, 1934. 511-527-бетлар.

82. Қум остидаги ўн етти шаҳар ва Садри Мақсудибей. Истанбул, 1934. 60 бет.

83. Обзор: Ж.Ричард. Форс шоири Жалолиддин Румий. Вена, 1934.

1935

84. Ҳинд-Эрон чегарадош вилоятларидаги қадимги тадқиқотлар ва туркология фани олдида турган вазифалар. Turkish Post, 27, 28. 11. 1935.

1936

85. Ал-Беруний шимолдаги халқлар ҳақида // Ибид, 1936.

86. Қадимги Хоразмда тил ва маданият // Ибид, 1936.

1937

87. Ҳайдар Мирзо Дуглатнинг туркча асари // BSOS, 8-сон, 1937.

88. Ибн Фадланнинг “Саёҳатнома”си // Ақлий меҳнат, 19-сон, 1937.

89. Ўрта асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг зичлиги ҳақида. Фон А. Допшнинг 70-йиллиги муносабати билан чоп этилган тўплам. Вена-Лейпциг, 1938.

90. Саодат Исҳоқий, Жўра Ботир // Лейпциг, Ориентал адабиёт, 2-сон, 1938. 114-118-бетлар.

1939

91. Ибн Фадлан. Лейпциг, 1939; Репринт: Лихтенштейн, 1966.

92. Қадимги туркларда чанғичилик // Аскарий мажмуа, 115-сон, 1939.

93. Гёте ижодида Шарқ мавзуси // Истанбул, Южел, 55-сон, 1939. 3-5-бетлар.

94. Қадимги турк ва мўғулларнинг хотиралари ва хотирачилик масаласига оид қайдлар // Истанбул, Копуз, 5-сон, 1939. 164-169-бетлар.

1940

95. Бугунги Туркистон ва яқин мозийси. Қоҳира, 1928-1940. 710 бет.

96. Умумий турк тарихига кириш. Истанбул, 1940. 80 бет.

97. Берунийнинг дунё ҳақидаги қарашлари. Нью-Деҳли, 1940.

98. Жаноб Денисон Росе ва унинг асарлари // Истанбул, Улку, 92-сон, 1940. 103-112-бетлар.

99. Профессор Йорга ва унинг буюк илмий хизматлари. Жумҳурият, 3.X.1940.

100. 1929-1940 йилларда Туркистондаги вазият. Истанбул, 1940. 43 бет.

101. Туркларда уруғлар // Бўзқурт, 5-сон, 1940.

1941

102. Турк тарихига кириш. Истанбул, 1941. 112 бет.

103. Усмонлиларнинг Ўрта Осиёдаги аждодлари. Вена, 1941.

104. Мўғуллар, Чингисхон ва турклик. Истунбул, 1941. 32 бет.

105. Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари. Тасвири Эфкар, 4.III.1941.

106. Доктор Ризо Нур билан Алишер Навоийга доир муноқашамиз // Ибид, 3, 15. V. 1941.

107. Охунд. Ислом Энциклопедияси (ИЭ), I жилд, 228-бет.

108. Оқмасжид. ИЭ, I жилд, 270-бет.

109. Оқсункур. ИЭ, I жилд, 275-276-бетлар.

110. Аламут. ИЭ, I жилд, 289-290-бетлар.

111. Али Акбар (Хитой). ИЭ, I жилд, 318-319-бетлар.

112. Алишер Навоий. ИЭ, I жилд, 349-357-бетлар.

113. Аллан. ИЭ, I жилд, 376-378-бетлар.

114. Амударё. ИЭ, I жилд, 419-426-бетлар.

115. Темурнинг мозори//Чиноролти (Чинор ости), 2-сон,1941.

116. Қрим тарихига бир назар // Ибид, 20-сон, 1941.

117. Тарихда усул. Истанбул, 1941, 48 бет.

118. X – XV аср Осиё харитаси. Истанбул, 1941.

1942

119. Волга-Дон муаммоси // Чиноролти, 61-сон, 1942.

120. Б.Спуллернинг “Эрондаги мўғуллар” китоби ҳақида // Бўзқурт, 1-сон, 1942.

121. Бойсунғур Мирзонинг ҳаёти ва асарлари // Гўкбўри, 1-2 – сонлар, 1942.

122. “Турк юрти” журналининг нашр техникасига доир // Турк юрти, 26-сон, 1942.

123. Хориждаги турклар ифода этган таъбирлар // Ибид, 1942.

124. Эски турк ёзуви // Ибид, 1942.

125. Арғин Хон фойдаланган “Ғарбий денгиз” харитасига доир // Ибид, 1942.

126. К. Отто-Дорннинг “Исломдаврида Изник шаҳри” китоби ҳақида // Ибид, 1942.

127. Турклар орасида миллий анъаналар ва турк миллий бирлиги // Ибид, 8-сон, 1942, 245-251 сонлар.

128. Бугунги туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул, 1942, 1947.

129. Арас. ИЭ, I жилд, 555-557 бетлар.

130. Арран. ИЭ, I жилд, 596-598 бетлар.

131. Озарбайжон. ИЭ, II жилд, 269 бет.

132. Боласоғун. ИЭ, II жилд, 272 бет.

133. Болқон. ИЭ, II жилд, 283-285 бетлар.

134. Бошқирд. ИЭ, II жилд, 328-332 бетлар.

135. Бойсунғур. ИЭ, II жилд, 428-430 бетлар.

136. Беруний. ИЭ, II жилд, 635-645 бетлар.

1943

137. Турк тарихида миллий бирлик қандай вужудга келган? // Турк юрти, 1-2 сонлар, 1943, 1-8 бетлар.

138. Тарихда турклар ва форслар // Тасвири Эфкар, 11, 21.IV.1943.

139. Туркэли харитаси ва унга оид изоҳлар. Истанбул, 1943, 32 бет, 1 харита.

140. Темурбекнинг уйғурча бир қўлёзмаси // Чиноролти, 117-сон, 1943.

141. Кўктурк ҳоқонлигининг сиёсий тарихи. Урхун, 10-15 сонлар, 1943.

142. Добружа туркларининг тарихи ҳақида янги назариялар // Тарихдан товушлар, 12-сон, 1943.

1944

143. Муҳаммад Амин Юрдақулни тўртликдан ташқарида ҳисоблаганлар. Зерим, 22.I.1944.

144. Марвлик Шарифуззамоннинг туркларга доир ёзувлари // Доғу (Шарқ), Зонғулдак, 11-сон, 1944.

145. Гўктурк пуллари // Чиноролти, 128-сон, 1944.

1946

146. Абулғозихон. ИЭ, IV жилд, 79-83 бетлар.

147. Умумий турк тарихига кириш. Истанбул, 1946, 486 бет.

1947

148. Бугунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул, 1942-1947.

1948

149. Ибн-ал-Фақиҳнинг туркларга оид хабарлари // Бюллетень, 45-сон, 1948, 11-16 бетлар.

150. Темур ва Йилдирим Боязид. Тасвири Эфкар, 24.V; 1, 7, 14, 18. VI. 1948.

151. Ҳамидулла Казвини Мустафий. ИЭ, V жилд, 186-188 бетлар.

152. Ханбалик. ИЭ, V жилд, 208-209 бетлар.

153. Хондамир. ИЭ, V жилд, 210-211 бетлар.

154. Хоразм. ИЭ, V жилд, 240-257 бетлар.

155. Ҳайдар Мирзо Дуғлат. ИЭ, V жилд, 388 бет.

156. Хазарлар. ИЭ, V жилд, 397-408 бетлар.

157. Хирот. ИЭ, V жилд, 429-442 бетлар.

158. Ибн Аъсемул Куфий. ИЭ, V жилд, 702 бет.

159. Ибн Фадлан. ИЭ, V жилд, 853 бет.

160. Ибн ул-Фақиҳ. ИЭ, V жилд, 853 бет.

161. Др. Олимжон Тўғон // Тасвири Эфкар, 24.VIII.1948.

162. Туркий тиллар борасида методологик тадқиқотлар // Тасвири Эфкар, 29.X.1948.

163. Миллий тарих ҳақидаги тушунчамизни рад этмоқдалар // Миллат, 121-сон, 1948.

1949

164. Буюк турк ҳукмдори Шоҳруҳ // Истанбул университети Адабиёт факультетининг “Турк тили ва адабиёти” журнали, 3-4 сонлар, 1949, 520-538 бетлар.

165. Қайсари ва Бурсадаги баъзи ёзувлар ҳақида // Тарих, 1-сон, 1949, 67-76 бетлар.

166. Гёте ва Шарқ. Тасвир, 28.VIII.1949.

167. Мусо Жаруллоҳ Бегининг маслаги ва шахсияти. Тасвир, 23, 24.IX.1949.

168. Мусо Жоруллоҳ Бегининг ҳаёти ва асарлари // Саломат, 37-сон, 1949.

1950

169. Тарихда усул. Истанбул, 1950, 373 бет.

170. Профессор Уолтер Райт // Тарих, 1-сон, 1950, 379-384 бетлар.

171. Турк маданиятига оид нашрлар. Миллият, 6.V.1950.

172. Турк ва шарқ маданиятига оид нашрлар. Миллият, 12.V.1950; 3.VI.1950.

173. Ислом шарқи билан Европа орасидаги илмий ҳамкорлик // Иш, 7, 9, 12-сонлар, 1950.

174. Университетимиз ва социалистлар. Коммунизмга қарши кураш, 1-сон, 1950.

175. Қадимги туркларда чанғичилик // Эржиес, 1950, 82-83 бетлар.

1951

176. “Муқаддимат ал-адаб”нинг хоразмча таржимаси. Истанбул, 1951, 576 бет.

177. Большевойлар нималарни режалаштирмоқда? // Урхун, 14-сон, 1951, 5-7 бетлар.

178. Шарқ ва ғарбдаги исломшуносларнинг илмий ҳамкорлиги. Истанбул, 1951, 26 бет.

179. Шарқшуносларнинг XXII Халқаро Кенгаши. Зафар, 6.XI.1951.

180. Исломни тадқиқ этаётган махсус институтлар. Зафар, 19, 21.VII. 1951.

181.Коммунистлар Русияси ва унинг исломий қўшинлари // Коммунизмга қарши кураш, 13-сон, 1951.

1952

182. Большевойларнинг тактикаси // Коммунизмга қарши кураш, 36-сон, 1952.

183. Туркистонликларнинг бирлашиш ҳақидаги даъвоси // Серденгечди, 15-16 сонлар, 1952.

184. Ризо ва Турк империяси. Нью-Йорк, 1952.

1953

185. Истанбул забт этилишининг 500 йиллиги муносабати билан мулоҳазалар. Истанбул, 1953, 8 бет.

186. Обзор. Жашкенинг “Туркиядаги ислом” асари ҳақида // Шарқшунос кутубхонаси, 6-сон, 1953, 247-бет.

187. Исломият, шарқиёт ва турк маданияти. Завар, 31.X.1953; 3.XI.1953.

188. Таҳқиқа насаби Амир Темур. Лаҳор, 1953.

189. XXII Халқаро Шарқшунослар Кенгаши. Истанбул, 1953.

190. XXII Халқаро Шарқшунослар Кенгашининг ютуқ ва камчиликлари. Истанбул, 1953.

191. Яссавийга доир баъзи янги маълумотлар. Фуат Кўпрулу Армуғоний. Истанбул, 1953, 523-527 бетлар.

192. Сўзбоши // Ислом тадқиқотлари институти журнали // ITED, 1-4 сонлар,

1954

193. XXII Халқаро Шарқшунослар Кенгаши фаолияти ва ислом тадқиқотлари // ITED, 4-сон, 1954, 1-38 бетлар.

194. Ўрта аср ислом оламида тарихга танқидий қараш. Ибид, 1954.

195. Тўпкапи саройидаги тўрт қўлёзма. Ибид, 1954.

196. Ал-Беруний ва ҳаракати арз. Ибид, 1954.

197. Дунёда ислом тадқиқотлари. Ибид, 1954.

198. Профессор Гуллиам маърузалари муносабати билан. Ибид, 1954.

199. Обзор: Течнер “Хроника”си ҳақида. Ибид, 1954.

200. Обзор: Жешкенинг “Туркиядаги ислом” асари ҳақида. Ибид, 1954.

201. Обзор: Киркнинг “Ўрта Шарқда уруш” асари ҳақида. Ибид, 2954.

202. Обзор: Мажмуалар. Ибид, 1954.

203. Таъзиянома: Мирза Муҳаммад Казвиний. Ибид, 1954.

204: Таъзиянома: Ж.Х.Крамер. Ибид, 1954.

205. Таъзиянома: А. Шад. Ибид, 1954.

206. Ал-Берунийнинг “Ҳикоят тариқ аҳл ал-Ҳинд фи истирож ал-умр” номли рисоласи. Ибид, 1954.

1955

207. Шўролар Туркистонда олиб борган сиёсатнинг сўнгги саҳифалари // Дерги, Мюнхен, 1955.

208. Ислом олими М.Ҳамидуллоҳ Бей Истанбулда // Иш, 163-сон, 1955, 39-41 бетлар.

209. Рашидиддин мактубларида Онадўлининг иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қайдлар // Истанбул университетининг иқтисод факультети мажмуаси, 1-4 сонлар, 1953-1954.

210. Ўзбекларнинг Шоҳнома эпоси // Ўрта Осиё, 2-сон, 1955, 144-156 бетлар.

211. Кембриждаги Шарқшунослар Кенгашида ислом ва турк бирлиги // Турк юрти, 242-сон, 1955, 660-664 бетлар.

1956

212. Шарқдаги турклар учун маданиятдаги бирлик ҳақидаги фикрнинг аҳамияти // Мужоҳид, 6-сон, 1956, 1-8 бетлар.

213. Муҳим бир кенгаш // Чақмоқ, 30-сон, 1956.

214. Эрзурум университет шаҳарчаси сифатида // Эрзурум, 1-сон, 1956, 8-29 бетлар.

215. Ғарбий Олмониядаги Майнц Фанлар академиясида тайёрланаётган “Турк тили ва маданияти тарихи” китоби ҳақида // Турк юрти, 257-сон, 1956, 890-894 бетлар.

1957

216. Покистоннинг Лаҳор шаҳрида бўлиб ўтган илмий кенгашлар. Хавадис, 17.1.1957.

217. Туркия кутубхоналаридаги баъзи қўлёзмалар // ITED, 1-сон, 1956-1957, 59-89 бетлар.

218. Индонезиядаги Туркистонни озод этиш ҳаракати // Очак (Январь) журн., 34-сон, 1957, 2-бет.

219. Ўлик денгиз яқинларида топилган қадимги бир диний ҳужжат қаршисида христианлик ва исломият // Ислом, 11-сон, 1957, 25-26-бетлар.

220. Бошқирд. ИЭ, II жилд, 1075-1077-бетлар.

221. XXI Халқаро Шарқшунослар Кенгаши ҳақида. Лейден, 1957.

222. Илк турк хонликлари ва Византия ўртасидаги маданий алоқаларга оид ҳужжатлар // X Халқаро Византия Кенгаши материаллари, Истанбул, 1957, 25 бет.

223. Мажмуаи рисолаи риёзийе дар китобхонаи Магинса. Ёдномаи Хожа Насириддин Тусий // “Теҳрон” журн., 1-сон, 1957, 1-18-бетлар.

1958

224. Темурнинг Шарқий Европадаги сиёсати // ЗДМГ, 108-сон, 1958.

225. Темурнинг 1395 йилда Украинага юриши // Украина Фанлар ва санъат академияси бюллетени, 3-4-сонлар, 1958, 1358-1371-бетлар.

1959

226. Шўроларнинг Осиё халқларига нисбатан сиёсати // Турк юрти, 8-сон, 1959, 19-21-бетлар.

227. Бир мактуб // Турк юрти, 9-сон, 1959.

1960

228. Лондон ва Теҳрондаги баъзи ислом қўлёзмаларига доир // ITED, 2-4-сонлар, 1960, 133-168-бетлар.

229. Обзор: Б.Спулер. Эрондаги панисломизм. Ибид, 1960, 257-258-бетлар.

230. Обзор: Кавказ тарихига оид янги асарлар. Ибид, 1960, 258-260-бетлар.

231. Обзор: С.Тагидзе “Мани ул-дин”. Ибид, 1960, 268-270-бетлар.

232. Профессор М.Шафи асарлари ҳақида. Ибид, 1960, 270-273-бетлар.

233. Теҳрон кутубхоналарида сақланаётган Ҳиндистондан келтирилган асарларда Чиғатой тили ва Темур даври обидалари ҳақида // Бюллетень, XXIV/95, 1960, 441-445-бетлар.

234. Осиё тақдими // Турк юрти, 5-сон, 1960, 40-44-бетлар.

235. Турк – Туркистон. Истанбул, 1960, 49 бет.

1961

236. Жалолиддин Ванг-Зин-Шоҳ. Хавадис, 23.I.1961.

237. Истанбул университетида қилиниши керак бўлган ишлардан бири // Турк юрти, 10-сон, 1961.

238. Темур. Урду Ислом Энциклопедияси, Ivжилд, 1961, 919-943-бетлар.

1962

239. Чингисхон турк эди // Буюк Турк эли, Измир, 2-сон, 1962, 4-5-бетлар.

240. Шарқдаги туркларнинг қандай алами бор? // Яқин тарихимиз, Истанбул, 8-сон, 1962, 242-243-бетлар.

241. Пертев Боратовнинг асоссиз фикрлари. Янги Истанбул, 25.III.1962.

242. Боратовга жавобим. Ватан, 19.V.1062.

243. Профессор Гўкбилгинга жавобим. Ватан, 4.X.1962.

244. Рашид ад-Диннинг мўғуллар тарихига бағишланган асари // Ўрта Осиё, 1-сон, 1962, 60-72-бетлар.

245. XIX ва XX асрларда Ўрта ва Олди Осиёда фикр ва маданий ҳаёт. Литография, Истамбул, 1962, 66 бет.

1963

246. Турк қавмлари тарихига оид миллатлараро бир ташаббусга нисбатан кўрсатилаётган янглиш муносабат // Турк юрти, 6-сон, 1963, 171-192-бетлар.

247. Истанбул кутубхоналаридаги миниатюралар. Истанбул, 1963, 68 бет.

248. X-XII асрларда Ўрта Осиёдаги қабилалар. Литография, Истанбул, 1963, 96 бет.

249. Ўрта Осиёдаги турк адабиёти ва ислом // Туркология, Лейден, 1963, 229-249-бетлар.

250. Турк тили ва тарихининг таъмал китобини бузиб кўрсатиш ташаббусига доир уч мактуб. Истанбул, 1963. 16 бет.

251. Францияда Русия томонидан маҳкум этилган туркларнинг нашрларини ўрганиш йўлидаги яхши бир ташаббус // Турк юрти, 6-сон, 1963.

252. Амударё. Урду Ислом Энциклопедияси, I жалд, 1963, 236-248-бетлар.

1964

253. Қуръоннинг туркча таржимаси // ITED, 1-2-сонлар, 1964, 1-19-бетлар.

254. Эфталит ва Бермакиларнинг келиб чиқиши масаласи. Ибид, 1964.

255. X-XII асрларда Ўрта Осиё этнографияси ва ислом. Ибид, 1964.

256. Деҳлидаги Шарқшунослар Кенгаши. Ибид, 1964.

257. XXVI Шарқшунослар Кенгашида турк иштирокчиларининг ютуқлари. Ибид, 1964.

258. Рашидиддин Табиб. ИЭ, VII жилд, 705-712-бетлар.

259. Қозоқ турк адабиёти ва ундаги кўзга ташланадиган ўзгаришлар. Улус, 21.XI.1964.

260. Қозоқ турк адабиётига доир мақолам фақат меники бўлмай қолди // Турк маданияти, 26-сон, 1964, 129-130-бетлар.

261. Қозоқ хони Ҳалил ва Хожа Баҳовиддин Нақшбанд // Шарқшунослик, Лаҳор (Покистон), 1964, 191-199-бетлар.

1965

262. Замаҳшарийнинг шарқ туркчаси ва “Муқаддимат ул-адаб”и // Туркиёт мажмуаси, 14-сон, 1965, 81-92-бетлар.

263. Гаспирали Исмоил. ИЭ, II жилд, 1001-1003-бетлар.

264. Ғафурий Мажид. ИЭ, II жилд, 1018-бет.

265. Социализм пардаси ортида фаолият олиб бораётган сўлчиларга доир. Янги Истанбул, 8.X.1965.

266. Илханли – Византия маданий муносабатларига доир ёзувлар // ITED, 4-сон, 1965.

267. Темур ва ўғиллари. Литография, Истанбул, 1965. 220 бет.

1966

268. Истанбул кутубхоналаридаги миниатюралар. Наполи, 1966.

269. Қозон хонлигида ислом-турк маданияти // ITED, 3-4-сонлар, 1966, 180-204-бетлар.

270. Обзор: Ал-Рашид бин ал-Зубаҳр. “Китоб ал-Заҳайр ва ал-Туҳаф”. Ибид, 1966.

271. Обзор: Ф.Розенталь. “Ибн Халдун”. Ибид, 1966.

272. Обзор: Дорфер. “Турклар ва мўғуллар”. Ибид, 1966.

273. Обзор: Шайх Нодим ал-Жиср. Қиссаи ал-Имон. Ибид, 1966.

274. Бибилиография. ИБИД, 1966.

275. Ислом тадқиқотлари институти ва умумий турк тарихи курслари тадқиқотлари, Ибид, 1966.

276. Тарихда Кибрис (Кипр) ва турк муносабатлари. Таржимон, 3.I.1966.

277. Румча семт ва шаҳар отлари нима учун ўзгармади? Таржимон, 4.I.1966.

278. Миллий маданиятимизда воқеа бўлган муҳим бир асар ва бизнинг лоқайдлигимиз. Таржимон, 29.IV.1966.

279. Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланиши йўлида Американинг ёрдами. Сабоҳ, 2.VI.1966.

280. Жануби-Шарқий Осиёда исломият, буддизм, большевистик ғоя ва Америка. Сабоҳ, 3.VI.1966.

281. XVI асрдан бугунга қадар мустамлака даврида . Осиё тарихи. Литография, Истанбул, 1966, 100 бет.

282. “Кўруғли” достонининг баъзи эски ривоятларига доир // Турк юрти, 325-сон, 1966, 10-13-бетлар.

283. Турк тилини ҳимоя қилиш. Дунё, 10, 12, 13.VII.1966.

284. Салур Қозон ва Баяндирлар. Литография, Истанбул, 1966, 7-бет.

285. “Фундамент” китобининг иккинчи жилди ҳақида // Турк маданияти, 47-сон, 1966, 138-143-бетлар.

286. Эроннинг Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Маданият Кенгаши. Сабоҳ, 23.IX.1966.

287. Турк маданияти билан боғлиқ Халқаро Кенгаш. Сабоҳ, 12.X.1966.

288. Қорахонийлар тарихига оид баъзи қайдлар // Турк юрти, 11-сон, 1966, 7-10-бетлар.

289. Ассистентлар масаласи. Сўнг Хавадис, 28.XII.1966.

1967

290. Турк маданияти билан боғлиқ бўлган Халқаро Кенгашлар // Турк юрти, 1-сон, 1967, 3-6-бетлар.

291. “Турк маданияти” китобининг дастури ва иш режаси. Истанбул, 1967.

292. Ҳамидулла Субҳибейга оид баъзи хотиралар // Турк юрти, 2-сон, 1967. 27-29-бетлар.

293. Турк миллатининг тақдири билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар. Сўнг Хавадис, 6.II.1967.

294. Руслаштириш сиёсати. Ибид, 1967.

295. Русиянинг тил ва маданият борасидаги сиёсати. Ибид, 1967.

296. Бир қавмнинг этногенезиси. Ибид, 1967.

297. Шўролар даврида колхоз ҳаёти. Ибид, 1967.

298. Қорахонийлар. Литография, Истанбул, 1967, 114 бет.

1968

299. Туюхуннлар ва бошқирдлар. Литография, Истанбул, 1968, 56 бет.

300. Шўролар зулми остидаги туркларда адабий тил масалалари // Туркэли, Измир, 3-сон, 1968, 131-134-бетлар.

1969

301. Хотиралар, Истанбул, 1969, 643 бет.

302. Тарихда усул (2-нашр). Истанбул, 1969, 350 бет.

303. Бўзқурт афсонаси. Бўзқурт, 1969.

304. Боласоғун. Урду Ислом Энциклопедияси, IV жилд, 725-730-бетлар.

305. Балҳ. Ибид, 1969.

306. Қозон хони Ҳалил ва Ҳожа Баҳовиддин Нақшбанд // Нажоти Лугал Армуғони, Анқара, 1969, 775-784-бетлар.

307. Осиё тарихи. Литография, Истанбул, 1969, 67 бет.

308. Гур. Турк Энциклопедяси, XVIII жилд, 115-бет.

309. Гуз. Турк Энциклопедяси, XVIII жилд, 125-бет.

1970

310. Византия тарихи Турк Тарих жамиятининг асосий тадқиқот мавзуси эмас // "Ажанс-Турк" журнали, 86-сон, 1970.

311. Чингизхон. Литография, Истанбул, 1970, 66 бет.

312. Умумий турк тарихига кириш (2-нашр). Истанбул, 1970, 537 бет.

313. Туркликнинг тақдири ҳақида. Истанбул, 1970, 240 бет.

314. XVIII асрдаги Балх типографияси // Ўрта Осиё, 4-сон, 1970, 277-288-бетлар.

315. Қуръон ва турклар. Халқаро Ислом Кенгаши материаллари, 1-жилд, Исломобод, 1970, 36-39-бетлар.

1971

316. Чингизхон. Урду Ислом Энциклопедияси, VII жилд, 1970, 705-717-бетлар.

317. Қуръон ва турклар. Истанбул, 1971, 62 бет.

1972

318. "Ўғиз" достони. Истанбул, 1972, 164 бет.

319. Турк санъат тарихи тадқиқотларининг бош масалалари // Турк маданияти, 11-сон, Истанбул, 1972, 1-6-бетлар.

АФСОНАВИЙ САРКАРДА АНВАР ПОШО ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

АНВАР ПОШОНИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ

Şevket Süreyya Akdemir. Makedonya'dan Orta Asya'ya. Enver Paşa. (1914-1922). Cilt 3, Remzi Kitabevi, Ankara Çaddası, İstanbul, 1993.

Азизам Нажия,

Суюкли рафиқам, шодлигим ва бахтим булоғи бўлган қадрдоним Нажия. Қодир Оллоҳ сенинг ҳимоячингдир. Охирги йўллаган мактубингга айни пайтда тикилиб ўтирибман. Ишонгинки, сенинг бу мактубинг юрагимга ҳар доим яқин бўлади. Чеҳрангни кўра олмайман, аммо мактубингдаги сатрлар ва сўзлар орасида қоронғу чодир ичида сочларимни силайдиган чиройли бармоқларингни кўраман, гоҳида сенинг суратинг кўз ўнгимда намоён бўлади.

Афсуски, сен унутиб юборганим ва сенинг севгинг ҳақида қайғурмаслигим ҳақида ёзибсан.

Айтибсанки, мен сенинг севгига тўла қалбингни вайрон этибман. Узоқ ўлкаларда олов ва қон билан ўйнашиб юрар эканман ва тунларни хавотир билан юлдузлар санаб бедор ўтказадиган аёлга нисбатан беэътибор эмишман.

Сен яна айтибсанки, мен уруш ва қилични яхши кўрар эканман. Самимий ҳамда менга нисбатан чуқур севги ва муҳаббат билан битилган бу сўзларинг юрагимни қанчалар қонга тўлдиришини билсанг эди.

Мени сендан нима ажратди ўзи? Оҳ, қалбим қувончи! Сен ҳақли равишда шундай савол сўрашинг мумкин. Қулоқ тут! Менинг сендан узоқ бўлишим боиси на моддий ўлжаларга бўлган иштиёқ ва на душманларим очиқчасига яқин келиб қолганликлари туфайли уларни енгиб ўзимга қироллик ёки подшоҳлик ўрнатиш истагидир. Мени бу жанггоҳга олиб келган Оллоҳ амри сендан узоқ бўлишимнинг ягона сабабидир. Оллоҳ йўлида жанг қилишдан ўзга улуғроқ фарз йўқ. Бу Оллоҳнинг буйруғи ва уни адо қилиш истаги бандани Жаннат томон етаклайди.

Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, мен нафақат уни адо этиш истагига эгаман, балки жанггоҳда уни шижоат билан адо ҳам этмоқдадирман.

Орамиздаги жудолик ҳар лаҳзада қалбимни ханжар каби бўлакларга бўлмоқда. Шунга қарамасдан, мен бу айриликдан бахтлиман. Чунки сенга бўлган муҳаббатим Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг йўлида жанг қилишга бўлган ниятим ва аҳдимда энг катта синов бўлди ва уни шараф билан енгиб чиқдим.

Оллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинким, мен бу имтиҳонда ғолибман. Оллоҳнинг муҳаббатини ва амрини ўз ҳаётим, севгим ва нафсим хоҳишларидан устун қўя олишда зафар қозондим. Сен ҳам, азизам, Оллоҳ таолога шукр қилишинг ва хурсанд бўлишинг керакки, сенинг эринг шундай кучли иймон эгаси ва у сенга бўлган муҳаббатини Оллоҳга бўлган муҳаббати йўлида қурбон қилишга ҳам тайёр.

Қилич билан жиҳод қилиш сенинг зиммангда мажбурий эмаслигига қарамасдан, севгилим, сен бундан холи эмассан. Ҳеч бир мусулмон эркак ёхуд мусулмон аёл жиҳод қилиш мажбуриятидан холи эмас.

Илтимос, ҳеч қачон севимли эринг жанг майдонидан қучоғингга соғ ва саломат қайтиб келишини сўраб дуо қилма. Бу дуо худбинликдандир ва Оллоҳ бундан рози бўлмайди. Ундан кўра дуоларингда Оллоҳ эрингнинг жиҳоди қабул қилишини ва у музаффар ҳолда қайтишини, бунинг акси бўлса, унинг лаблари шаҳидлик қонини сипқаришини сўра. Азизам, сен билганингдек, бу лаблар ҳеч қачон шароб татимаган ва у билан ифлосланмаган, аммо ҳар доим Қуръони Каримни қироат қилиш билан ва Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг мадҳи ва ҳамди билан банд бўлган.

Азизам Нажия! Сен меҳр билан чиройли деб атайдиган бу бош Аллоҳ йўлида сен учун севимли бўлган бу танадан ажратиладиган он нақадар шарафлидир.

Анварнинг энг катта орзуси шаҳид бўлиб, Қиёмат кунида Ҳазрат Холид бин Валид (розияллоҳу анҳу) билан бирга сўроқ қилинишдир. Бу дунё ўткинчи, ўлимнинг келиши нақд, шундай

экан, нима учун ўлимдан қўрқиш керак? Ўлим ҳақ экан, унда нега эркак киши тўшагида ётганча ўлиши керак? Оллоҳ йўлидаги ўлим ўлим эмас, балким боқий дунё учун қадамдир.

Нажия, менинг васиятимга қулоқ тут! Агар мен шаҳид бўлсам, сен укам Нури Пошога турмушга чиқишинг керак. Сендан кейин менга энг қадрли инсон бу Нуридир. Бу менинг ўлимимдан кейинги васиятим бўлиб, у шубҳасиз сенинг ҳаётинг давомида сен ҳақингда ғамхўрлик қилади. Менинг кейинги васиятим шуки, сен дунёга келтирган ҳар бир болага мен ҳақимда сўзлаб бер ва уларни ҳам Ислом учун Жиҳод жанггоҳига жўнат. Менинг учинчи васиятим шуки, сен ҳар доим Мустафо Камол Пошшога содиқ бўлишинг керак (Бу Мустафо Камол Отатурк Туркия Республикаси Президенти бўлиб, Исломга қарши сиёсат юритишидан анча олдинги тарихий вазият ҳақида) ҳамда имкон қадар ҳар лаҳзада унга ёрдам беришинг керак. Чунки Оллоҳ уни (Мустафони) мамлакатга нажот қилиб танлади.

Алвидо, азизам! Нима сабабдан, билмадиму, аммо менинг ички ҳиссиётларим ушбу мактубдан сўнг мен сенга ҳеч қачон бошқа мактуб ёза олмаслигимни айтаяпти. Эртага шаҳид қилинсам, ажабмас.

Илтимос, сабрли бўл. Менинг ўлимимдан хурсанд бўл ва нолима. Чунки менинг Оллоҳ йўлида ўлишим сен учун шарафдир.

Нажия! Мен сендан розилик сўрайман ва хаёлан сени қучаман.

Сенинг Анваринг.

АНВАР ПОШО КИМ ЭДИ?

Анвар Пошо 1881 йилнинг июн ойида Истанбулда таваллуд топди. Ҳарбий билим юртида, кейинроқ Истанбул Бош Штаб академиясида таҳсил олган. 1909-1911 йилларда Берлинда Ҳарбий атташе лавозимида хизмат килган. Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия ҳамда ҳаётининг сўнгида Туркистон-даги сиёсий жараёнларда қатнашган. Ёш турклар инқилобий уюшмаси ташкилотчиларидан бири, «Иттоҳод ва Тараққий» партияси асосчиси ва раҳбарларидан бири сифатида машҳур. 1908 йилда Туркияда давлат тўнтарилишига раҳбарлик қилиб, Султон Абдулҳамид II ҳокимиятини ағдарган ҳамда мамлакатда конституцион монархия тузумини ўрнатган. Ёш турклар ҳокимиятни қўлга олгач, Анвар Пошонинг нуфузи, обрўси, таъсир доираси ўсиб боради. Чет эл империализми томонидан пухта режалаштирилган, Туркияни тиз чўктириш ва бўлиб юборишга қаратилган ҳаракатини барбод этган буюк шахслардан бири сифатида тарихга кирди. 1913 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг Анвар Пошо Ҳарбий министр лавозимини эгаллайди. Биринчи жаҳон урушида Германия билан иттифоқ тузиб, урушда Турк қуролли кучларига қўмондонлик қилади. Урушда Германия ва Туркия енгилгач, Ёш турклар ҳокимиятига чек қўйилади. Анвар Пошо Жамол Пошо, Талъат Пошо ва бошқа сафдошлари билан Германияга кетади. Анвар Пошо сиймосида монархияга қарши оташин курашчини кўрган Россия ҳукумати ундан Туркистонда инқилобий харакатларни кучайтириш ҳамда аксилшўровий кучларни бостириш йўлида фойдаланмоқчи бўлиб, унга сиёсий бошпана беради. Болшевойлар ундан қандай разил мақсадлар йўлида фойдаланмоқчи бўлганлигини Анвар Пошо тез фурсатдаёқ тушуниб етади. Зеро у русларнинг Туркистондаги қилгуликларини, халқни, дини исломни оёқости қилаётганларини ўз кўзи билан кўради. Ҳамда ота юртни, ўз қардошларини муҳофаза қилишдек оғир, шу билан бирга, шарафли ишга ўз ҳаётини бахшида этади.

1920 йил сентябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ халқлари қурултойида иштирок этади ва ўз Баёнотини эълон қилади. 1921 йил февралда эса Москвада «Мусулмонларнинг инқилобий жамияти Иттифоқи» қурултойини ўтказади. Туркистондаги аҳволнинг ўта оғирлигини сезган Анвар Пошо ўзининг Хожи Сомийбек, Набибек, Ҳамибек ва бошқа сафдошлари билан Бухорога келиб, Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати билан яқиндан танишади. Анвар Пошо бутун Туркистон халқига Мурожаатнома эълон қилиб, уни қуйидаги сўзлар билан бошлайди: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен ҳам қўшилгани келдим…» Ҳа, у буюк курашчи эди. У шўролар билан тўқнашувларда буюклик исбот этган зотдир. Бир қанча жангларда стратегик салоҳияти билан ғалаба қозонди. Жумладан, 1922 йил 22 январда Душанбада саккиз минг нафарлик шўро армиясига қарши бир минг беш юз йигити билан жанг қилиб, ғалаба қозонганининг ўзиёқ унинг нақадар буюк салоҳиятга эга эканлигидан нишонадир. 1922 йил 28 март куни Амир Олимхондан барча қўшинларга Бош қўмондон этиб тайинлангани ҳақида иноятнома олади. 15 апрелда эса қўрбошилар Анвар Пошони қўрбошиларга сиёсий раҳбар ва қўмондон этиб сайлайдилар. Афғонистон ҳукмдори Омонуллохон ҳам уч юз кишилик сарбозлар ҳамроҳлигида яроғ совға этиб юборади. Шундан сўнг Анвар Пошо Бош қўмондон сифатида Россия болшевойлар ҳукуматига Шўро қўшинларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисида ультиматум юборади. Болшевойлар Анвар Пошони бу талабига қарама-қарши ҳар хил ташвиқот тарғибот ишларини олиб боришни асосий вазифа қилиб қўяди. РКБ(б) Марказий комитети Бухоро ва Фарғона бўйича И.В.Сталин, Чичерин, Куйбишев ва Файзулла Хўжаевлар томонидан ишлаб чиқилган қарорни қабул қилади. Бу қарорга кўра Бухоро ва Фарғонада истиқлолчиларга қарши курашаётган фронтлар бирлаштирилиб, мусулмон аҳолиси орасида сиёсий иш олиб бориш, маҳаллий аҳолига ён бериш, тавба қилган

«Босмачилик ҳаракати» йигитларини озод этиш, қўрбошилар орасида нифоқ чиқариш, турли иғволар тарқатиб истиқлолчилар сафини бўлиб ташлаш каби масалаларни асосий вазифа қилиб олдилар. Бунга эришдилар ҳам. Иброҳимбек билан Анвар Пошо ўртасидаги таранглашган мураккаб вазият бунинг исботидир. Қизил армия катта куч билан қилган ҳужуми пайтида Иброҳимбек қарийб 10 минглик саралanган қўшинини Бойсундан олиб чиқиб кетиши ҳамда Анвар Пошога бўйсунмаслигини билдириб, исён кўтариши изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Анвар Пошо истиқлолчилар курашига раҳбарлик қилар экан - у дипломатия воситаларидан тўлиқ фойдаланар, большевой раҳбарлар билан музокара олиб бориш, қизил аскарларни Туркистондан олиб чиқиб кетишга бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Бу Файзулла Хўжаевнинг “Танланган асарлар”ида айнан қуйидагича келтиради: Иброҳимбек ва бошқа қўрбошилар номидан Анвар Пошо қизил аскар раҳбарлари номига жўнатилган мактубида шундай дейилган: «Ҳақиқий мустақил Бухоро тупроғидаги аҳоли вакиллари бўлган бизлар сизларга маълум қиламизки, сизлар мамлакатимиздан чиқиб кетмагунингизча жангни давом эттираверамиз» - деб бир қарорга келдик. Ҳозирги вақтда беҳуда қон тўкилмасин деб ва одамгарчилик қилиб сизларга мамлакатимиздан чиқиб кетишни таклиф қилаётирмиз. Шундай қилсангиз, сизнинг дўстларингиз бўлиб қоламиз ва ўзимиз ёрдам бериб сизларни очликдан сақлаб қоламиз, акс ҳолда сизлар Ватанингизда очарчиликдан ўлаётган оилаларингиз каби маҳв этиласиз. Ҳозир биз гуноҳкор бўлмайлик деб одам қони тўкишни истамаётирмиз. Лекин, халқимизнинг истагига хилоф равишда Ватанимизга бостириб кирган сизлар билан жанг қилишни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Бизлар хурсандлик билан бу йўлда қонимизни тўкиб, шаҳид бўлишдан қайтмаймиз». Бундан кўриниб турибдики бундай талаб ва унинг сиёсат, ҳарбий соҳасидаги ғалабалари болыпевиклар ҳукуматини саросимага солиб қўйди. Шўро ҳукумати 19 апрелда сулҳ тузишни таклиф этади. Россия Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигининг 10 кишидан

иборат делегацияси Бойсунга келади. Агар Анвар Пошо сулҳга рози бўлса, «Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Душанбе ва Ҳисор каби вилоятларни бирлаштириб, мустақил бир давлат тузиб олиши мумкинлиги таъкидланади. Улар бунинг эвазига Туркистон ишларига аралашмаслик масаласини қўядилар. Анвар Пошо эса русларга «Сулҳ битими фақат Туркистон тупроқларидан бутун рус аскарларини олиб чиқиб кетилгандан кейингина гап мавзу бўлиши мумкин», деб кескин жавоб беради. 1922 йил 18 майда РКП (б) МК «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида» махсус қарор қабул қилади. Мазкур қарорда истиқлолчиларга қарши ҳарбий ҳаракатларни кучайтириш, шунингдек, «Анвар Пошонинг Шарқ халқлари душмани, инглизлар жосуси сифатида халқ онгида фош этиш лозим»лиги қайд этилади. Кураш қизиган 1922 йилда Лениннинг топшириғи, ҳукуматнинг махсус қарори билан Россия Қуролли кучлари Бош қўмондони С.Каменев, қизил армиянинг отлиқ кучлари қўмондони С.Будёний, А.Тодоровский, В.Куйбишевлар катта микдорда қўшин, қўшимча қурол-яроғ билан Туркистонга сафарбар этилади. Анвар Пошо билан шуғулланиш учун Шўро разведкаси Шарқ бўлими бошлиғи арман миллатига мансуб Агабеков махсус гуруҳ билан юборилади. 1922 йил 24 июнга ўтар кечаси Анвар Пошонинг уч минг йигити қўмондон Какуриннинг саккиз ярим минг нафарлик тиш-тирноғигача қуролланган қўшинини ер тишлатади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бутун бошли бир дивизияни йўқ қилиб ташлайди. Хуллас, Анвар Пошо ундан кейин ҳам кўп марта қизил аскарларга қарши муваффақиятли жанглар олиб боради. Бирор марта панд емайди. Рус қўмондонлиги унинг стратегияси, тактикаси олдида гандираклаб қолади. Бироқ разиллик ўз ишини адо этишга шошар эди. 1922 йил 4 август жума, Қурбон ҳайити куни эди. Қурбон ҳайити номози ўқилгандан сўнг, Анвар Пошо ўзининг содиқ сафдошларига қисқача қуйидаги ваъзни қилади «Мен сизларга ҳозир ҳайитлик тарқата олмайман. Агар бизларнинг қардошлигимиз ҳақида бир неча оғиз сўзлар битилса, мен унга ўз муҳримни қўйиб, бажонидил имзо чекардим. Мен

ўйлайманки, бу сўзлар бизнинг озодлик учун олиб бораётган миллий курашимиздаги ҳарбий қардошлик ҳақида бир ажойиб хотира бўлиб қоларди». Бу унинг истиқлол курашчиларига карата қилган охирги сиёсий васияти бўлиб қолади.

Анвар Пошо ўз орқадошлари билан Балжувон тепалигида суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Кутилмаганда қизилларнинг 3 та отлиқ полки, 3 та эскадрони ҳужумга ўтади. Ўртада қиличбозлик жангги қизиб кетади. Орқага чекиниш имконияти бўлсада, Анвар Пошо чекинишни ўзига ор билади. Бир ўзи ўн бир душманни чопиб ташлайди. Қизил аскарларни архивларида сақланган бир маълумотда Анвар Пошо ўзининг, 100 та саралганган жангчиси билан 18 чи отлиқлар полкининг, 1 эскадрони устига ташланиб, янчиб ташлайди. Кутилмаганда орқадан урилган қилич зарби моҳир қўмондонни қулатади. Қилич урган кимса Анвар Пошо қўлида Муҳаммад Ғозий номи билан хизмат қилиб юрган қизил жосус Георгий Каспарян эди. Анвар Пошонинг шаҳодат суви билан йўғрилган жасади Душанбадан 200 километр узоқликда жойлашган Балжувон кентининг Четан деган жойига дафн этилади. Анвар Пошо Туркистон мустақиллиги учун курашда шаҳид кетди.

Анвар Пошо ўлимидан бир неча кун олдин қизил аскарларнинг бошлиғи О.Акчурингa ёзган мактубида Туркистон унга бегона эмаслигини, унинг аждодлари Туркистондан бориб, Туркияда салтанат курганликларини, аксинча, бошқалар учун бу юрт бегона эканлигини қуйидагича таъкидлаган эди: «Бу инсонларнинг томирида оқаётган қон худди меники каби соф туркий қондур. Бу ер русларники эмас, балки туркий халқларнинг асл юртидир».

1996 йил 3 августда Туркия ҳукуматининг қарори билан Анвар Пошо ҳоки солинган тобут Истанбулга олиб кетилди. Ҳа, Анвар Пошо ўзининг ота юрти учун курашган, Туркистонни оёқости қилдирмаслик, унинг мустақиллиги ва озодлигини кўриш йўлида ўз жонини тиккан буюк зот эди. Анвар Пошо нафақат турк миллатининг, балки, айни пайтда Туркистон, Ўрта Осиё

ўлкаларининг ҳам мард фарзанди десак муболаға бўлмайди. Шаҳобиддин Яссавий унга ўзининг «Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари» китобида «Анвар Пошо Ғозий - Буюк қўмондон» деб баҳо беради. Абдулҳамид Чўлпон Анвар Пошонинг шаҳид кетганлигини эшитиб, қуйидаги шеърни битган эди:

Энг сўнгги умидни қонга бўяган,
Ох, қандай хайрсиз замонлар келган.
Фарёдим дунёни бўғиб ўлдирсин,
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин.

Унинг сиёсий фаолияти ўта бир буюк илоҳий мақсадлар йўлига қаратилганлигини севикли хотини - Султоннинг гўзал қизи Нажибахонимга ёзган охирги мактубидан билса ҳам бўлади. Биз уни муҳтарам китобхонларимизга ҳам илиндик: «Сен мактубингда қилич ва жангни севганим қадар ҳеч нарсани севмаслигимни ёзибсан. Аммо бирор-бир нарса тўғрисида «фақат ишни севаман» деб ҳам айта олмайман (айтсам ёлғон бўлади). Сен билурсанким, маним ҳақимда туҳмат ташвиқотлар юритган бадбахт кимсаларнинг иддао этганларидек, мен бу олис диёрларга мол-дунё ахтариб бой бўлмоқ, ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ учун келганим йўқ. Мени сендан узоқлаштириб, бу жойларга келтирган Жаноби Ҳақнинг зиммамга юкланган муқаддас бир вазифасидир. Бу жиҳод вазифаси эрур. «Жиҳод» — исломда ғайридинларга қарши «муқаддас уруш». Қуръони Каримда жангга қобилиятли ҳар бир мусулмон муқаддас урушда иштирок этиши шарт деб кўрсатилган. У шундай улуғ ишдурки, уни ҳатто сидқ ила ният қилганлар илоҳий жаннатга кирмоқ ҳуқуқини олурлар. Ҳар қадар Сендан айру қолмоқ, Сенинг севгингла масрур қалбимни вайрон этмакда эса ҳамки, ушбу йўлда буюк бир имтиҳон бермакдан кўп бахтиёрман….»

Ҳа, Анвар Пошо Жаноби Хақ йўлида Буюк имтиҳондан шак-шубҳасиз аъло даражада ўтди.

Мансурхўжа Хўжаевнинг
«Шермуҳаммад қўрбоши» китобидан
(Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 2008).

НАБИЖОН БОҚИЙНИНГ “АНВАР ПОШОНИНГ ВАСИЯТИ” (ЧИНГИЗ АФАНДИГА МАКТУБЛАР) ҲУЖЖАТЛИ РОМАНИ ҲАҚИДА

ХУРШИД ДАВРОН
Ўзбекистон халқ шоири

Анвар пошонинг номи турк халқлари тарихида алоҳида урғу билан ёзиладиган исмлар қаторидан ўрин олган. Унинг ҳаёт йўли билан боғлиқ баҳсу мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Шўро тарихи мактаби тузини еган ва аксилтурк кучлар тарафдорлари бўлмиш олимлару сиёсатдонлар Анвар Пошони «саргузашт излаган» ва «Туркистон заминига адашиб бориб қолган одам» сифатида кўрсатишга уринадилар. Дарҳақиқат, бу тараф далил учун келтирган ҳужжатларга кўз ташласангиз, уларнинг шундай дейишга асоси бордек туюлади. Аммо, салкам юз йилдан буён фақат қора рангларда тасвир этилган Анвар пошо ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш бошланган XX аср охири-XXI аср бошларидагина тарихнинг қоронғи саҳифалари ёриша бошлади. Ана шу ҳақиқат нури билан ёришган саҳифаларда Анвар пошонинг асл қиёфаси, унинг ҳаракатларининг асл моҳияти равшан кўрина бошлади.

Набижон Боқийнинг «Анвар пошонинг васияти» номли ҳужжатли романи айни шу тарихий ҳақиқатни ойдинлаштириш йўлидаги жиддий уринишлардан биридир. Набижон Боқий асари Анвар пошо шахсиятига бир нигоҳдир. Бу нигоҳ ҳали ўз қаҳрамони билан боғлиқ улкан ҳаётни ҳар томонлама қамраб ололгани йўқ. Қолаверса, бир асар ёки бир адиб ўзи эга бўлган имконият доирасида буни амаллаш беҳад мураккабдир. Шунинг учун биз «уриниш» сўзига урғу бериб ўтдик. Илло, бу уриниш катта меҳнат ва улкан муҳаббат мевасидир.

Асар Туркияда қайта-қайта нашр этилди ва катта қизиқиш уйғотди. Китобнинг ўзбек тилидаги нашри ҳам яқин келажакда амалга ошади,деб умид қиламиз (Ўзбек нашри 1920 йилда чоп этилди).

Анвар пошо шахсияти ва фаолияти унинг киндик қони томган Туркияда ва шаҳидий қони оққан Туркистонда ҳали саноқсиз бадиий асарлар ва илмий тадқиқотларга ўлмас мавзу бўлажагига ишониб қоламиз.

2017

“ТАРИХНИНГ МОҲИЯТИ ВАТАН ВА ОЗОДЛИКДИР…”

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони

Қўлингиздаги китоб на роман, на қисса, на ҳикоя, на ривоят. У тарихий асар, илмий асар, аммо ҳикоядай завқ-шавқ билан ўқилади. Унинг биринчи саҳифаларини ўқиб чиқишингиз билан жуда ажойиб бир романга дуч келгандек охиригача қўлдан қўймайсиз. Негаки, бу китоб чинакам истеъдод билан, чинакам дард билан ёзилган. Унда фикр кўп, эҳтирос кўп, самимият кўп. Шунинг учун китобдаги мазмун дарҳол юрагингизга бориб етади, вужудингизни қамраб олади, сиз унинг энг теран, энг нозик пучмоқларигача етиб бормоқ учун ва шу туфайли бизга маълум деб ҳисобланган тарихимизни янгидан кашф қилмоқ учун талпинасиз. Ва китоб сўнгида муаллиф билан бирга “тарихнинг моҳияти Ватан ва Озодликдир” деган доно хулосага келасиз.

Китоб муаллифи Набижон Боқийнинг адабиётга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо у биринчи мақолалари ва илк китоблари биланоқ ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. Негаки, у мустақиллик адабиётининг элчиларидан бири сифатида адабиётга кириб келганди. У ҳозирга қадар шу маромини қўлдан бермай маҳкам ушлаб келмоқда.

Қўлингиздаги китоб “Чингиз афандига мактублар” деб аталади. Чингиз афанди туркиялик, Анвар Пошонинг ўғли. У ҳаёт бўлса, ҳозир камида саксонга кирган бўлмоғи керак. Муаллиф уни танимайди, лекин атоқли миллий-озодлик курашчисининг

ўғли сифатида унга мактублар билан мурожаат қилади. Демак, бу бир адабий усул, холос. Китоб ўн саккиз мактубдан иборат. Бу мактублар бизни йигирманчи йилларнинг бошига, инқилоб даврига, фуқаролар уруши даврига қайтаради, кўз ўнгимиздан бизнинг онгимизга "босмачилик ҳаракати" деган тавқи лаънат билан муҳрланиб қолган миллий-озодлик ҳаракатининг жонли манзаралари бирин-бирин ўта бошлайди. Ҳа, Шўролар замонида шўро тарихчилари бу давр ҳақида кўп ёзишган эди. Ўнлаб катта-катта китоблар, минглаб мақола ва рисолалар эълон қилинганди. Уларнинг ҳаммаси ҳайрон қоладиган якдиллик билан "большевиклар бизга бахт олиб келди, кимда ким уларга қарши бўлган бўлса, улар босқинчи, миллатчи, халқ душмани" деган сохта ҳақиқатни миямизга михдай қоқиб қўйганди. Жуда кўпчилик ўша коммунистик сафсатага чиппа-чин ишонган ва ўзининг фикрлаш тарзини шунга қараб бичган эди. Ўзбекни менсимаслик, унга паст назар билан қараш, унинг тарихини ёритишда ҳар қандай ҳақиқатдан чекиниш шу даражага етдики, халқнинг кўп асрлик тарихида йилт этган бирон саҳифа қолмади. Хуллас, Аллоҳнинг иноятн билан Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг тарихини бутунлай янгидан ёзиб чиқиш зарурияти кўндаланг бўлди. Кўп йиллар мобайнида поймол қилинган миллий ғуруримизни тиклаш учун, онгимизни коммунистик хурофотлар асоратидан холи қилмоқ учун тарихимизни ҳақиқат кўзи билан қайтадан кўриб, адолат нуқтаи назаридан қайта баҳолаб чиқмоқ талаб қилинар эди. Набижон Боқий ана шу улуғвор ва қийин вазифанинг ўз маҳрига тушган қисмини бажаришга жазм қилипти ва бу ишни ҳавас қилса арзийдиган катта бир жасорат билан амалга оширипти.

Китобнинг бош қаҳрамони - Анвар пошо. Биз аввалларн ҳам бу турк зобитининг номини кўп эшитган эдик. Аммо уни саргузаштталаб бир одам деб, инглиз разведкасининг жосуси деб, шахсий манфаатлари йўлида катта жонбозлик кўрсатган одам деб эшитган эдик. Набижон Боқий бу "анъанавий" қарашларни бутунлай рад этади ва Анвар пошони истеъдодли саркарда

сифатида кўрсатади. Набижоннинг кўрсатишича, Анвар Пошо Туркистонга “Иттиҳод ва тараққий” партиясининг топшириғи билан келган ва большевикларга қарши кураш олиб бораётган миллий кучларни бирлаштириш мақсадини кўзлаган. Шу ниятда у Бухорога келган, Шарқий Бухорода ҳаракат қилган, Иброҳим-бек билан музокаралар олиб борган, дастлаб ўз мақсади йўлида анча муваффақиятларга ҳам эришган. Бироқ Туркистондаги курашчиларнинг миллий онг даражаси ҳали пишиб етилмагани туфайли уларни ягона Ғоя атрофига бирлаштириш жуда қийин кечади: тарқоқлик эса ўз навбатида мағлубиятга замин бўлади. Охир-пировардида Анвар Пошо собит сафдошлари билан бирга Болжувон депарасидаги тенгсиз жангда шаҳид бўлади ва қутлуғ қони тўкилган жойга, яқин қирга дафн этилади (дарвоқе, орадан етмиш тўрт йил ўтгач - 1996 йилнинг 4 август куни Туркия ҳукуматининг ташаббуси билан Анвар Пошонинг хоки Болжувондан Истанбулга элтиб қайта дафн қилинди).

Хуллас, шу тарзда Набижон Боқий Анвар пошони Туркистон озодлиги учун курашган, бу ердаги миллий-озодлик ҳаракатига раҳнамолик қилган халқ қаҳрамони сифатида кўрсатади. Бизнинг онгимиз коммунистик оғулар асоратидан бутунлай холи бўлиб улгурмагани учунмикан, бундай хулосани дабдурустдан қабул қилишга қийналамиз. Мен ўйлайманки, Анвар Пошо ҳақидаги ҳақиқат, эҳтимол, юқорида зикр этилган бир-бирига зид икки фикр оралиғидадир. Ҳар ҳолда, ҳақиқат фикрлар тўқнашувида туғилса, таққослар ва қиёсларда майдонга келса, фақат бир қутбдаги фикрни такрорлайвермасдан, кимдир иккинчи қутбдаги фикрни ҳам айтиши керак. Демоқчиманки, менга ёхуд бошқа бировга манзур бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Набижон Боқий ўз қаҳрамонларига баҳо беришда ўз концепциясига, ўз нуқтаи назарига эга бўлишга бутунлай ҳақли! Бунинг устига, китобни ўқиш жараёнида сиз беихтиёр муаллиф томонга ўтиб бораётганингизни сезмай қоласиз — унинг фикрлари, баҳолари, қарашлари сизни ўз жозибасига чулғаб олади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу ўринда китобга жозиба бахш

этган нарса фақат унинг замиридаги эҳтирос ва самимиятгина эмас. Китоб жуда бақувват фактик материал асосига қурилган. Набижон бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон Давлат архивида, Тожикистон давлат архивида, Тожикистон Компартияси архивида, Ўзбекистон КГБ архивида, бир қатор шахсий архивларда иш олиб борди: биздаги миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган Абдулла Ражаб Бойсуний - Туркистонийнинг "Туркистонда миллий мужодала" деган ғоят ноёб китоби материалларидан, Анвар Пошонинг Токиода нашр этилган мактубларидан фойдаланган. Буларнинг бари китобга бақувват ишонтириш кучини бахш этган. Ҳар ҳолда, муаллиф айтган мулоҳазалар ёхуд келтирилган дилиллар гоҳо маъқул келмаса, уларни рад этиш унча осон эмас.

Фактик материалнинг сероблиги муаллифга воқеаларни кенг кўламда кўрсатиш, тарихий рангларни анча ҳаққоний тасвирлаш имконини берган. Биз китобда Қўқон мухторияти атрофидаги воқеалар билан ҳам, Ҳисордаги одамларнинг турмуш шароитлари билан ҳам, лақайларнинг этник таркиби билан ҳам батафсил танишамиз. Айни чоқда, китобда Иброҳимбекнинг сиёсий портретини чизишгагина эмас, характер белгиларини кўрсатишга ҳам катта аҳамият берилган. Унинг ўзига хос мағрур сиймоси, тоғликларга хос букилмас қадди-қомати, ўткир нигоҳи кўз ўнгимизда яққол кўринади.

Шундай қилиб, Набижоннинг китобида бизга яқин тарихимизнинг муайян манзаралари - фуқаролар урушининг қонли саҳифалари намоён бўлади. Ҳа, ўша воқеалар, ўша таниш фожиалар. Фақат талқин бошқа, баҳо бошқа, улардан чиқариладиган хулосалар бошқа. Кўрамизки, ўзбеклар Октябр инқилобини қучоқ очиб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олган эмас экан. Кўрамизки, ўзбеклар ҳам баъзилар айтганчалик, у қадар анойи бўлмаган эканлар - улар большевиклар салтанатига подага ҳайдалган молдай кириб кетавермаган эканлар. Ўзбеклар большевикларга қўл қовуштириб, қуллуқ қилиб, "осадиган бўлсаларинг, арқонни биз олиб келайликми ё ўзларингдан

бўладими?” деб мутеликларини намоён қилишмаган экан. Аксинча, уларнинг инсоний ғурури юксак бўлган, юракларида мардлик жўш урган. Улар учун эътиқоду иймонни, номусу виждонни, эрку ихтиёрни сотиб тирик юргандан кўра, қўлда қурол билан курашиб, тик туриб ўлган яхшироқ эди.

Ҳа, Набижоннинг китоби бизга боболаримизнинг мардлигини, шижоатини ибрат қилиб кўрсатадиган китобдир. Айни шу сифати унинг энг қимматли томонидир.

“Чингиз афандига мактублар” кечаги кун манзараларини ҳаққоний тарзда қайта тиклаган. Лекин, унинг қиммати фақат шунда эмас. Тарих Набижон учун бир бўлиб ўтиб кетган олис ўтмиш эмас, балки бугун ҳам давом этаётган, юракларга ўт солиб, ҳаракатга ундаётган жонли жараёндир. Тарихни англаш, идрок этиш керак. Бугунги кунларимиз учун жонларини фидо қилган боболаримизнинг покиза руҳи ҳозир ҳам одамларнинг виждонига тўғридан-тўғри мурожаат қилади:

“Биз ўз Ватанимизни биламизми?

Биз Озодликни биламизми?

Биз ота-боболаримизни биламизми?”

Тарихни билмак - ана шу саволларга жавоб топмоқ, наинки жавоб топмоқ, балки жавоб топиб, хулосалар чиқариб, фақат сўзларимизда эмас, амалий ишларимизда, кундалик фаолиятимизда муқаддас мустақиллигимизни бақадри имкон мустаҳкамламоқдир.

1997

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА АНВАР ПОШО

Чўлпоннинг дин ва миллат ҳурриятига умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далиллардан бири – унинг 1922 йил 4 августида шаҳид кетган Анвар Пошога бағишланган «Балживон» номли шеъри ҳисобланади. Хориждаги олимлар ушбу шеър ҳақида тез-тез фикр айтган бўлсалар-да, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи ҳам деярли тилга олинмай келинган. Ҳолбуки, «Балживон» Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», «Гўзал Фарғона» шеърлари сингари қўлдан қўлга ўтиб, «турку каби» севиб ўқилган.

«ҚУТУЛИШ ЮЛДУЗИ» ЙЎҚЛИККА КИРМАС…

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ
филология фанлари доктори,
профессор

Кет, йўқол кўзимдан ҳақиқат, йўқол…
Абдулҳамид Чўлпон

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Туркистоннинг буюк мужоҳид шоири эди. Шунинг учун унинг шеърларида Ватан истиқлоли учун кураш дин ва имон ҳуррияти учун курашдан ажралмагандир. Чўлпон мусулмонликнинг хароб аҳволига қаттиқ куйингани туфайли ҳам бир шеърида «Мўминларнинг оқ виждони, имони, Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?», деган саволга эътиборни қаратган эди.

Чўлпоннинг дин ва миллат ҳурриятига умид боғлаганлигини исботловчи энг характерли далиллардан бири – унинг «Балживон» номли шеъри ҳисобланади. Хориждаги олимлар ушбу шеър ҳақида тез-тез фикр айтган бўлсалар-да, ўзбек адабиётшунослигида унинг номи ҳам деярли тилга олинмай келинган. Ҳолбуки, «Балживон» Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон»,

«Гўзал Фарғона» шеърлари сингари қўлдан қўлга ўтиб, «турку каби» севиб ўқилган. Қолаверса, ўзбек шеърияти тарихида мазмун-моҳияти жиҳатидан «Балживон»га ўхшаш ёки унга яқин келадиган иккинчи бир шеър йўқдир.

Чўлпон шеъриятининг Туркиядаги тадқиқотчиси Ҳусайн Ўзбойнинг таъкидлашича, шоирнинг «Бузилган ўлкага», «Ёнғин», «Қўзғалиш», «Бас энди» сингари 1920 йилдан кейин ёзилган шеърлари қатори «Балживон» шеърини ҳам эътиборга олмасдан, Чўлпон адабий шахсияти ва ижодиётига тўғри баҳо бериш мумкин эмас. Бу таъкидда жон бор, албатта. Чунки, биринчидан: «Чўлпоннинг асл адабий фаолияти 1920 йилдан бошланган ва у 1920-1926 йиллар орасида янги ўзбек адабиётининг мукаммал шеърларини яратган. Иккинчидан, мазкур шеърларни назардан соқит қилиб, нима учун Чўлпон кўнглида ИСЁН («Мен кучли, мен-да исён, Мен тўлқун: мен-да туғён, Кўпирурман: тошарман. Чегарамдан ошарман…», ҚАСОС «йиқитгувчи, ағдаргувчи қўзғалиш. Яқиндаги зўр курашнинг бошидир…») туйғулари бу қадар кенг ўрин ишғол қилганлиги ва у нега собит эътиқодда «буюк қўзғалиш руҳи» билан қалам тебратганлигини чуқур англаб ҳам, ҳаққоний изоҳлаб ҳам бўлмайди.

«Балживон» - жами йигирма олти мисрали бир шеър. Аммо унинг бағрига яширинган тарихий маъно, очиқ фарёд ва толесизлик аламини ўнлаб достонлар таркибига ҳам сиғдириб бўлмайди. Ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатр оралаб АЙРИЛИҚ ва ЖУДОЛИК изтироби мавж уради. Ундаги ОҲАНГ ўз улуғворлиги, теранлиги ва таъсирчанлиги билан қадимги туркларнинг фиғону фарёдга тўлиқ марсия оҳангларини эсга солади.

Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин,

Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!

Шеър «дунёнинг борлиғин» бўғиб, «умиднинг энг сўнгги ипларин» узишга йўналтирилган ана шундай кучли фарёд билан

бошланади. Бу ФАРЁДнинг сабаби нима? Сабаби: «ғазабдан титраган ёш бир йигит»нинг дунёдан бемаҳал кўз юмиши:

Ғазабдан титраган ёш бир йигитнинг
Тошдан сийнасига ўқлар ўрнашмиш.

Аслида бу «ўқлар» – ЭРК ва ОЗОДЛИК, ДИЁНАТ ва ФИДОЙИЛИК сийнасига санчилган ғаним ўқлари эди. Шу боис ҳатто:

Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг
Қора кўзларига мотамлар кирмиш.

Гап шундаки, «тоғларда эрк учун юрган кийик» – бу айни пайтда ўша марҳум йигитнинг тимсолидир. Чунки, уни олис диёрларда бўй чўзган азим тоғлар бағрига ЭРК ва ҲУРРИЯТ маслаги бошлаб келганди. Бироқ, қисмат унга кулиб боқмади. Дарёлар ва тўлқинларни титратган бу ЭР парокандалик, ожизлик, сотқинлик ва қўрқоқлик қурбони бўлди. Натижада:

Дарёлар, тўлқинлар титратган бир Эр,
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш, толмиш!
Қутулиш юлдузи йўқликка кирмиш,
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.

Худди шу ўринда табиий савол туғилади: шоир «қутулиш юлдузи»нинг сўнишини унинг тақдири билан боғлаган у жасур, у ёвқур нажот дарғасининг ўзи ким? Бу халоскор кимни кимдан ёки нимадан халос қилишга қасд қилган эди?

Бундай саволларга шеърда очиқ жавоб йўқ, лекин бошдан-охир очиқ ишоратлар бор. Ва уларнинг ҳар бири алғов-далғовли, қонга беланган муросасиз тарихий воқелик, шу воқелик марказида қўлида қилич ўйнаган қудратли тарихий бир ШАХС қисматига эътиборни жалб этади.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам Чўлпон номини Анвар Пошо номи билан ёнма-ён қўйиш, камида, ари уясига чўп суқиш билан теппа-тенг эди. Мустақиллик мафкураси чўчимасдан оқни оқ, қорани қора дейиш ҳуқуқини берди. Жумладан, Анвар Пошога ҳам муносабат ижобий томонга ўзгарди, жумҳуриятимиз матбуотида унга бағишланган ва ҳақиқатни ёритишга хизмат

этувчи бир неча мақолалар чиқди. Йигирманчи йилларда Анвар Пошонинг Туркистонга келиши ва сиёсий фаолиятининг тарихий аҳамиятини ҳаққоний баҳолаш учун эса бошни кундага қўйишдан ҳам қўрқмаслик керак эди. Чўлпон шундай журъат ва шижоат соҳиби бўлганлиги учун ҳам Анвар Пошо ўлими муносабати билан «Балживон» шеърини ёзганди. Бу шеър Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърий бир ҳайкал деса асло муболаға бўлмайди.

Дарвоқе, Анвар Пошонинг кимлигини Чўлпон билмасмиди? Наҳотки, у бу ҳарбий зотнинг «инглиз империалистларининг жосуси», Шарқ халқларининг «ашаддий душмани» эканлигини била туриб, унинг ўлими учун шу қадар қайғурган бўлса? Ҳа, Чўлпоннинг англатгани, узоқ йиллар биз алданган ёлғон ва бўҳтон эмас, балки ҳақиқат эди. Демак. «Балживон» шеърини таҳлил қилишдаги дастлабки талаб ва зарурият – Анвар Пошо маънавий сиймоси ва сиёсий ҳаракатини улкан ёлғон, туҳмат ҳамда уйдирмалардан ажратиб, мухтасар тарзда бўлса ҳамки, ҳақиқатни сўзлашдан иборатдир. Унга тегишли чин ҳақиқат эса мана бундай эди: «Анвар Пошо Турк дунёсида бўлганидек, Ислом оламида ҳам кенг танилган мард ва фидойи бир инсондир». Биринчи жаҳон урушигача у Туркиянинг нуфузли сиёсий ва ҳарбий арбобларидан бўлиб, курашнинг энг қалтис ва машаққатли йўлларини босиб ўтди. Тарихдан маълумки, Анвар Пошо 1920 йилнинг бошларида Москвага келган. Ленин билан учрашган. Кейинроқ Москвада бир партия тузиб, уни «Мусулмонлар Интернационали» деб эълон қилган.

Анвар Пошо 1921 йилнинг кузида Бухорога келган. Бу ҳақда Бухоро жумҳурияти Марказий Ижроия қўмитаси раиси Усмон Хўжа шундай дейди: «Анвар Пошо Москвадан бошланган узоқ бир сафарнинг сўнгида – 1921 йил октябрь ойининг охирларида Бухорога келди. Шунда мен Шарқий Бухорода эдим… Бокуда ўтказилган Шарқ миллатлари қурултойида катта бир нутқ ирод этган Анвар Пошо Бухорода ҳароратли тазаҳуррот-ла кутиб олиниб, кўп ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлгандир» (Усмон

Хўжа. Анвар Пошо Бухорода қолса эди… «Яқин тарихимиз», 78-бет).

Анвар Пошо ва бир неча сафдошлари шаҳардан сал ташқаридаги муҳташам «Дилкушо» қасрига жойлаштирилади, Файзулла Хўжаев эса Усмон Хўжага сим қоқиб, «Бағоят буюк, бағоят муҳтарам Анвар Пошо»нинг келганлиги, унга барча шарт-шароитлар яратилганлигини маълум қилади…

Рожи Чақирўз, Анвар Пошонинг Бухорога келганлиги хабари «халқ орасида тарқалгач, одамлар уни кўрмоқ учун тўпланишди. Пошо кўп халойиқ йиғилган майдонга келди ва у ерда бир нутқ сўзлади…– дейди («Турк дунёси тарихи» журнали, 1982, 9-сон). Анвар Пошо Бухоро заминида туриб, Туркистон элига мурожаат қилар экан, жумладан, бундай фикрларни баён қилган эди: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас даъвоси йўлида олиб бораётган мужодалага мен ҳам қўшилгали келдим. Ичингизда биз билан бирга курашмоқни хоҳловчилар бўлса, таклиф этаман, онт ичишсин! Лекин орангизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганлигини ўйлаб, андиша ва тараддуд қилувчилар бўлса, очиқчасига айтишсин…». Йиғилган мужоҳидлар Туркистон озодлиги учун баробар мужодала этмакка онт ичадилар. Кўп ўтмай бу «онт» асоси сустлиги ҳам равшанланиб қолади.

Анвар Пошонинг Бухорога келиши Москов ҳукумати раҳбарияти учун маъқул эмасди. Аксинча, Пошонинг ташрифи унинг сиёсий мақсад ва фаолиятига мутлақо зид эди. Шунинг учун рус элчихонаси Анвар Пошо Бухорода бўлган дастлабки кунларданоқ унга қарши ҳийла ва найранг ишларини бошлаган. Шу маънода Анвар Пошонинг 1921 йил 2 ноябрда хотини Нажиба Султонга йўллаган хатидаги қуйидаги сўзлари эътиборга моликдир: «…Эрталаб рус элчихонасининг таржимони келди. Жамол Пошодан бир телеграмма келтирди. Унда менинг Московга қайтишим талаб қилинарди. Лекин ундаги тарих туҳоф-ғалат эди. Телеграмма Московдан тунда жўнатилган. Ҳолбуки, Бухорога келиш қайди икки кун аввални кўрсатарди… Руслар Бухоро ва Хивада сарбаст қолмоқ шарти ила Афғон ва

Ҳиндни инглизларга бермоқчилар… Ўзлари бутун ҳирслари ила Туркистон ва Кафказияга ёпишганлар» (Шавкат Сурайё Ойдемир. Македониядан Ўрта Осиёга. Анвар Пошо. 3-жилд, 639-640-бетлар).

Орадан бир кун ўтиб рус элчихонасининг таржимони яна Пошо ҳузурига келади. Жамол Пошодан келган иккита, Чичериндан олинган битта телеграммани кўрсатиб, зудлик билан унинг Москвага жўнашини талаб қилади. «Яқин кунларда, албатта, кетаман», дейди унга Пошо. Бунгача у «Когонда рус консули Юренов билан учрашган. Жамол Пошонинг Афғонистонга қачон келишини сўраган, элчи унга: «Жамолга йўл бериш у ёқда турсин, Сизнинг ҳам бу ерда нима ишлар билан шуғулланишингизни жуда яхши биламиз», деб жавоб берган. Пошо буни тўғридан-тўғри қўрқитув чораси деб тушунган. Хуллас, у ўйлаб-ўйлаб, «Бухородан кетиш керак!» - деган қарорга келади. Ва Шарқий Бухорога томон йўлга ҳозирланади. Пошо Бухородан кетаётиб, бир гуруҳ мужоҳидларни йиғиб кўрсатмалар беради, уларни истиқлол йўлида жон фидо айлашга даъват этиб дейди: «Туркистон учун курашмоқ керак. Ҳақ иши учун ўлимдан қўрқсанг, ўзингни ҳам ит ҳолида яшашга маҳкум қиласан. Агар бу ишга қатъий киришмасак, келажак авлодларнинг лаънати оғир бўлур. Қутулиш йўлини излаб, ўлсак ҳам ўзимиздан кейин келадиган авлодларга озодлик ва истиқбол йўлини таъминлаган бўламиз».

Анвар Пошо Бухоро шаҳри билан мангуга хайрлашган кун - 1921 йилнинг 8 ноябри. Шу куни «Аввало, амирнинг шаҳар ташқарисидаги саройи яқинидаги милиция биносига бордик, - дейди Пошо. – Бир рус милтиғи ва юзта ўқ олдим. Йўлга тушдик. Ниҳоят чўлга чиқиб, асл йўлга етишдик». Анвар Пошо учун бу йўл – роҳатсизлик, азоб ва руҳий қийноқлар йўли эди. Бу йўлдан у мағлубият ва шаҳидликка томон бораётганди. Унинг учун бу кунлар – бағоят зиддиятли, ўйловли, кўнгилни гоҳо тушкунлик қуюни қуршаб олган армонли кунлар эди. Бухорога у жуда улуғ ният, юксак орзу-умидлар билан кириб келганди. Қондош ва

диндош қардошларини бир байроқ остида бирлаштириш, уларга бош бўлиб, шон ва зафарлар қучиш, бу табаррук заминни босқинчилар қўлидан халос айлаб, асрий эркинлигини қайта тиклаш истаги уни Бухоройи Шарифга чорлаганди. Бухорони Пошо кўрди: бузилган, қарийб бир вайронага айлантирилган шаҳар жуда маҳзун ва чалажон бир аҳволда эди. Пошо бухороликларнинг аҳвол-руҳияти ва сиёсий-ижтимоий ҳаракатларини ҳам яқиндан кузатди. Тўғри, халқ орасида юрт истиқлоли учун жон тиккан идроки ойдин, имони бутун кишилар ҳам кўп эди. Шундай кишиларнинг йўлбошчилари маҳаллий ҳукумат номига: «Сизлар ўз биродарларингиз бўлган рус большевиклари билан Бухоро тупроғига кириб, миллат қонини тўкдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва ғаллани йўқ қилиб ташладингиз, хуллас, халқнинг барча зарур мулкини йўқотдингиз, мачит ва мадрасалар каби табаррук жойларни оёқ ости қилдингиз… Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолди, ҳақиқатда ундан дарак йўқ…

Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ қонини тўкиб, қўлига қилич олиб, миллат хоинлари билан жанг қилаётганлигини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги ва равнақи учун сиз, коммунистларга қарши курашаверамиз. Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз. Душманларимиз бўлган русларни ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз…», деган эътирозномалар битган.

Лекин омма орасида большевикларнинг макри ва пуч ваъдаларига учиб сиёсий хурофотдан мияси ғовлаган кимсалар кўпайиб қолганлиги ва кўпаяётганлиги Анвар Пошони барибир ҳайрон қолдирди. Нега бундай? Бу нечук маслаксизлик? Одамлар руҳан нечук бунчалик майдалашган? Наҳотки, «исломий мутелик» халқ онгида шу қадар кенг томир ёзган бўлса? Иродаси темир, юраги арслон Турон ўғлонлари қани? Пошо бу саволларга дафъатан жавоб тополмасди. Дунёда кўп нарса ўзгаришга маҳкум

бўлганидек, ўша замонларда кўпдан-кўп бухороликларнинг руҳи ва қонида аждодларидан қолган меросий хислатлар – ватаний ахлоқ, жасурлик, жанговорлик, ғурур, маъруфий ҳурлик сингари ҳиссиётлар анча сусайган эди. Пошо охири ана шуни аниқ билди. У Бухородан жўнаб кетар экан, «Сиз туркистонликларнинг миллий курашга тайёргарлигингиз йўқ, яқин вақтларда ҳам тайёрлана олмаяжаксизлар», - дея кўнглидагини яширмасдан, очиқ айтганди. Ахир у илк баҳоргача Бухорода қолмоқчи, бу қадим шаҳарда Туркистон мужоҳидларидан вакиллар тўплаб, улкан бир анжуман ташкил қилмоқчи эди. Бу ҳам ниятлигича қолди.

«Анвар Пошо Бухорода қолиб ишларимиз билан шуғулланганда эди, - дейди Усмон Хўжа, - бутун Туркистон миллий қувватларини ислоҳ қилиб ва янгидан оёқлантириб, ҳақиқий бир армияни яратган бўлурди. Чунки ўша кунларда у ердаги турклар орасида Анвар Пошо даражасида лаёқатли, тажрибали ва шуҳратли бир қўмондон ҳатто, Афғонистон, Ироқ, хуллас бутун ислом оламида ҳам йўқ эди. Масалан, 1921 йил декабрида руслар билан орамиз бузилганда, «Оҳ, ҳозир Анвар ёнимизда бўлсайди, бизга улуғ маънавий қувват бўлиб қолмасдан, биз уни дарҳол бош қўмондон этиб сайлардик, деб куйинган эдик».

Ҳақиқатда ҳам Анвар Пошо ўша давр ва мураккаб шароитда Туркистон аскарий ишлари учун зарур Шахс эди. Аммо унинг Туркистонга келиши фақат совет маъмурлари, муаррихлари томонидан эмас, бошқа ғанимлари томонидан ҳам нотўғри талқин этилиб, бу борада жуда кўп туҳмат ва ёлғонлар тўқилгандир. У Балживондан хотинига ёзган охирги хатида шу тўғрида ҳам тўхталган: «Сен билурсанки, маним ҳақимда туҳмат ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт кимсаларнинг иддао этганларидек, бу олис диёрга (яъни Туркистонга – И.Ҳ.) мол-дунё ахтариб, бой бўлмоқ ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ учун келганим йўқ. Мени сендан узоқлаштириб, бу жойларга келтирган Жаноби Ҳақнинг зиммамга юклагани бир вазифадир…».

Рус-совет босқинчилари зулмидан туркистонлик қон-қариндошларини халос айлашдек муқаддас курашга ўз ҳиссасини қўшиш Анвар Пошо учун Виждон амри эди. У Фарғона, Шарқий Бухоро, Хива қўрбошиларини ягона бир жабҳада бирлаштирмак ва большевикларга қарши умумий, кучли ҳаракатни ташкил қилмоқ мақсадида Туркистонга юз бурганди. Шу учун ҳам «Анвар Пошонинг Бухорода Туркистон тупроғига қадам қўйиши, Туркистоннинг ҳар томонида бўлганидек, Фарғонада ҳам қўрбошилар ва халқ орасида қизғин меҳр билан қаршиланди, истиқлол мақсадини буюк мақсад ҳаракатига айлантирди» (Али Бодомчи, 1917-1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо, 1-жилд, 380-бет.)

Пошо Шарқий Бухорога келгач, Фарғонада бўлган турк зобитларидан Исмоил Ҳаққибейни ёнига чақиради. Унгача Пошонинг Бухорога келганлигини Афғонистон почта ходимлари орқали эшитган Фарғона қўрбошиларининг бош қўмондони, Амири лашкар Шерматбек Исмоил Ҳаққи билан биргаликда Анвар Пошога ўз эҳтироми ва боғлиқлигини билдирмоқ учун Музаффархон мингбоши раҳбарлигида бир ҳайъатни Шарқий Бухорога юборади. Анвар Пошо ундан Фарғона миллий мужодаласи ҳақида барча маълумотларни олгач, уни Кўлоб қўрбошиси Давлатмандбек ҳузурига жўнатади. Шу тарзда, унинг ташаббуси билан Бухоро ва Фарғона қўрбошилари ўртасида илк яқинлашув ва учрашув бошланади.

1922 йил февраль ойида Анвар Пошо Шерматбекка махсус мактуб жўнатади. Хатда шундай сўзлар битилган эди:

«Муҳатарам фидокор мужоҳид орқадошлар!

Жаноби Оллоҳнинг ёрдами билан дину имон душмани бўлмиш большевикларни Душанбе, Шўрчи, Сариосиё, Денов ва Қабодиёндан қувиб чиқардик… Большевик қўшинларининг катта қисми Бойсун гарнизонида ўрнашиб олган. Бунга қарши Дарбоз, Боботоғ, Денов, Қоратоғ аскарларидан таркиб топган қўшинларимиз Бойсунни муҳофаза этишга тайёрланмоқдалар. Бойсунда мухораба давом этаётир. Иншооллоҳ, яқин орада бу

туманни ҳам озод этажакмиз…» (Али Бодомчи, ўша асар, 384-бет).

Бундай зафарли юришлар совет ҳокимиятини, албатта, саросимага солиши табиий эди. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Анвар Пошонинг Туркистон мужодала майдонига дадил ҳаракатга киришиши давлатининг Шарқ ва Туркистонда юритаётган сиёсати таназзулининг бошланғичи эди. 1922 йилнинг апрель ойига келиб, совет ҳокимияти Анвар Пошога сулҳ тузишни таклиф этади. Бу сулҳга биноан Анвар Пошо Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Душанбе, Ҳисор сингари шаҳар ва туманларни бирлаштириб, ўз хоҳишига мувофиқ шаклда бир давлат барпо қила олиши эътироф этилганди. Фақат битта шарт – Пошо Туркистон масаласига бошқа аралашмаслиги керак эди. Анвар Пошо совет элчисига «Бутун рус аскарлари Туркистон тупроғидан чиқиб кетгандан сўнг сулҳ хусусида гап бўлиши мумкин», деб жавоб қайтаради.

У 1922 йил 19 майда совет давлатига Озарбайжон совет жумҳуриятининг раиси Наримон Наримонов орқали ультиматум юборади. Унда ҳам Туркистондан рус армияси зудлик билан олиб чиқиб кетилиши талаб қилинади. Аммо совет Иттифоқи Коммунистик партияси марказий комитети бир кун олдин, яъни 1922 йил 18 майда Туркистон ва Бухоро масалалари тўғрисида янги бир қарор қабул қилади. Унда миллий истиқлол курашига қарши ҳарбий тадбирлар билан бирга, аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш, шунингдек, Анвар Пошони инглизларнинг жосуси, Шарқ халқларининг душмани сифатида тарғиб қилишга кўрсатма берилади. Лекин бу ёлғон ва бўҳтон тарғиботлардан кўра, Иброҳим лақайнинг бадгумонлиги, субутсизлиги ҳамда Фарғонадаги фидойи кучларнинг вақтида етиб кела олмаганлиги фақат Анвар Пошонинг эмас, умуман, Туркистон миллий озодлик кураши тақдирига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Шерматбек укаси Нурмуҳаммадбек бошчилигида икки минг кишилик қўшинни Анвар Пошога ёрдам учун Шарқий Бухорога юборади. Аммо шу воқеадан ўн икки кун

ўтгандан кейин Шерматбекка укасидан хабар келади. Бу хабар қўрбошиларни ғам-ғуссага чўктирадиган бир машъум хабар бўлиб, унда Анвар Пошонинг Балживонда шаҳид бўлганлиги айтилган эди.

Ушбу воқеа Шерматбек хотираларида бундай ҳикоя қилинади: «Шарқий Бухоро бизга 8 кунлик масофа эди. Нурмуҳаммад Шарқий Бухоронинг Лахши қишлоғидан йўллаган хабардан Анвар Пошонинг шаҳид бўлганлигини билдик. Лекин мен ишонмасдим. Чунки бундан аввал ҳам 14 маротаба айни шундай гап тарқалган эди. Лекин бир мунча фурсат ўтгач, Бухоро ила Фарғона ҳудудида Нурмуҳаммад билан кўришгач, бу машъум хабар ҳақиқат эканлигига ишондим. Аччиқ Олма деган жойда хатми Қуръон этиб, фотиҳалар ўқиб, катта-кичик ўртасида Пошонинг хотирасига ҳурмат бажо айладик. Ғам-кулфат наинки бизни, тошу тупроғни ҳам қуршаб олганди. Йигитларимизнинг фиғони кўкларга юксалди. Негаки, бизнинг раҳнамомиз ўлиб, умид юлдузимиз сўнганди. Толесизлигимизнинг аччиғидан кимни дуоибад этишимизни, кимнинг бағрига ўзимизни ташлашни билмасдик…

Толесиз ватаннинг, толесиз Туркистоннинг изтироблари не замон тинажак, юзи не замон кулажак, тўккан қонлари не замон қурияжак?…

Туркистоннинг озодлиги Анвар Пошо билан баробар Балживонда кўмилди…»

Ана шу жойдан «Балживон» шеъринининг юқорида бошланган таҳлилини энди давом эттирса бўлади.

1922 йил 4 август Қурбон байрамининг иккинчи куни Анвар Пошонинг Балживонда шаҳид бўлиши фақат Шерматбекка ўхшаш қўрбошилар ёки «босмачилик» курашига бош қўшган мужоҳидларни зор қақшатганмиди? Истиқлол учун жангу жадал майдонларида от сурган кишиларгина унинг ўлимини умид ва озодлик юлдузининг сўниши сифатида қабул қилганмидилар? Йўқ, албатта. Рус-совет империяси зулмидан халос бўлишни орзу қилган ҳар бир виждони уйғоқ миллатпарвар ва эрксевар

туркистонлик Анвар Пошони «XX аср Туркистон тарихида битилажак «Истиқлол ишқи»нинг рамзи» деб билган ва тан олгандир. Халқнинг илғор қисми онгида айни шундай ишонч пайдо бўлмаганида Чўлпон ҳеч қачон Анвар Пошонинг шаҳидлигини назарда тутиб, «Қонлар йиғлатди бизни бу хабар» демасди. Ва Балживонда тўкилган қонларни - «Тарихнинг рангини» ўзгартирган қон дея ҳукм чиқармасди:


Тарихнинг рангини кўп қонлар билан
Қарайтган, тўлдирган бироқ Балживон
Энг сўнгги умидни қонга бўяган,
Оҳ, қандай хайрсиз замонлар келган!

«Энг сўнгги умид» – бу нимага дахлдор умид? Ҳеч шак-шубҳа йўққи, бу – Чўлпон нигоҳида қонга бўялган, унинг учун АРМОН бўлган «хайрсиз замонлар» ортда қолиб, бизнинг кўз ўнгимизда реал ҳақиқатга айланган ИСТИҚЛОЛ ва МУСТАҚИЛЛИК умиди эди. Тарих чиндан ҳам ИСТИҚЛОЛ орзуси ва МУСТАҚИЛЛИК умидини қонга белаганди. Лекин шу муқаддас орзу, шу буюк умид ўлмаслиги учун ўзбекнинг минг-минглаб жасур фарзандлари қонидан, жонидан кечди.

Хуллас, «Шаҳидлар юзига томғувчи нурлар» қанча замон ўтса ҳамки, кўнгилга илоҳий бир ёруғлик ато этади. Хотирада наинки жафокаш Балживон, балки йироқ «Мармара бўйлари, эдирна йўли… Карпат чўққилари, Траблус чўли, Берлин кўчалари» ҳам.

“Бухоро ҳақиқати”, 1995 йил, 27 декабрь.

Т А Р Ж И М А Л А Р



ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Zeki Velidi Togan
"Türkili (Türkistan) ve yakın tarihi"
(İstanbul, 1981, 2-baski, Cild 1, Ss. 501-506)

Европа ва рус маданиятлари таъсирида ривожланган янги ўзбек адабиёти (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари адабиёти назарда тутилмоқда - *тарж.*) ҳануз жуда ёшдир. У ҳақда бироз фикр юритиш учун “Туркистон вилоятининг газети” (“Туземная газета” номи билан ҳам машҳур) саҳифаларига назар ташлашни истардик.

Газетанинг илк муҳаррирлари (қозонлик таржимонлардан Шоймардон Иброҳимов ва Муҳаммад Хасан Чанишев) фақат расмий хабарлар ва “Минг бир кеча” таржималари билан қаноат қилган бўлсалар, 1883-1917 йилларда, ўттиз беш йил давомида муҳаррирлик қилган миссионер Микола (Николай - *тарж.*) Остроумов эса газета атрофида ўз тушунчасига кўра, “Сарт адабий муҳити”ни вужудга келтиришга ҳаракат қилди. Бунинг учун у вақтда қулай шароит ҳам мавжуд эди. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон ва Хивада (Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврида) Алишер Навоий ижодини намуна деб билиб, унга эргашган шоирлар муҳити мавжуд экани ҳақида бир неча бор ёзган эдик. Бу адабий ҳаёт (муҳит – *тарж.*) рус ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолди. Қўқонда Мавлоно

Муҳйи, Муқимий, Завқий, марғилонлик Зокиржон Фурқат ва бошқалар 1890 йилда ҳам фаол ижод этар эдилар. Булардан шоир Фурқатни Остроумов ўз газетасига жалб этишга муваффақ бўлди. 1890 йилда шоир Тошкентга келганида уни бир рус зодагонининг тантанали кечасига таклиф этиб, эрталабгача давом этган бу йиғин ҳақида шеърлар ёздириб, газетасида нашр этди (1890 йил, 28-сон).

Осторумов Россия ва Европага саёҳат қилган ўзбекларнинг саёҳатномалари ва руслар билан яқин алоқада бўлган маҳаллий халқ вакилларининг таржимаи ҳолларини ҳам вақти-вақти билан нашр этишга аҳамият берди.

Масалан, 1887 йилда Харьковда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этиб қайтган савдогар Мирза Бухариннинг Баку, Харьков, Москва ва Петербургга қилган саёҳати хотиралари (1888 йил, 4-7-сонлар), тошкентлик савдогар Тожимуҳаммад Исамуҳамедовнинг 1900 йилда Баку-Истанбул йўли билан Парижга қилган саёҳати (1900 йил 44-45-сонлар), газетанинг муҳаррирларидан бўлган Сатторхон Абдуғаффоров (1890 йил), шоир Зокиржон Фурқат (1891 йил, 2-3-сонлар), Худоёрхоннинг кичик ўғли Ибн Яминбек (1893 йил, 22-28, 32-сонлар), тошкентлик савдогар Орифхўжа (1894 йил, 28-сон) хотира ва саёҳатномалари эълон қилинди.

Нашр этилаётган бундай саёҳатномалар таҳририда Остроумов, албатта, рус маданияти тарғиботига алоҳида эътибор берар, ҳатто Европа билан боғлиқ бўлган матнларни ҳам ўз сиёсатига кўра таҳрир қилар эди. Бунинг ичида баъзи аҳамиятли фикрлар ҳам мавжуд эди. Масалан, шоир Фурқатнинг таржимаи ҳолида Алишер Навоий ижодий анъаналарининг Қўқон адабий муҳитига нақадар кучли таъсир кўрсатгани ва янги маданият куртаклари ҳақида самимий тарзда сўз юритилади.

Сатторхон Абдуғаффоров 1876 йилнинг август ойида Петербургда бўлиб ўтган Халқаро Шарқшунослар Конгрессидаги иштироки ҳақида ҳикоя қилиб, бу йиғинда сўзга чиққан Григорьевнинг нутқи ҳақида атрофлича маълумот беради. Мирза

Бухарин эса Петербургда “Асори атиқа” жамиятининг Шарқ шўъбаси йиғилишида иштирок этгани ва унда Радлов ўзининг (бироздан кейин эълон қилинган) “Тўхтамиш ва Темурнинг қутлуғ ёрлиқлари” номли маърузасини ўқигани ҳақида хабар беради. Мажлисдан сўнг Мирза Бухарин йиғилганлар шарафига зиёфат бергани ва унда шарқшунос олим Н.Веселовский, у вақтда Петербургда бўлган Шайх Жамолиддин Афғоний, Охунд Отоуллоҳ Боязидлар иштирок этгани ҳақида маълумот беради.

Кейинроқ, янги ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бир қатори Остроумов газетасида иштирок эта бошлайдилар. Жумладан, асрдош шоиримиз Фитратнинг Истанбулда форс тилида нашр этилган “Мунозара” номли рисоласи Ҳожи Муйин Шукрулло томонидан ўзбекчага ўгирилиб, 1912 йилда бу газетада эълон қилинади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам русча (европача) таълим тизимининг илғор томонлари ҳақида бир қатор мақолалар ёзиб беради.

Остроумов ва унинг дўстлари ўттиз беш йил давомида маълум бир муҳит яратган бўлсалар-да, ғоят маҳдуд бир доирада чекланиб қолган эдилар. Мусулмон бўлган маъмурлар учун бу газетани ўқиш мажбурий қилиб қўйилган бўлса-да, у жуда кам ўқилар эди. 1890 йилда газета тиражи 600 нусха бўлган бўлса, 1896 йилга келиб у 700 нусхани ташкил этган. Осторумов газетаси бузуқ ва сунъий бир шевада чиқарилар эди. Бунда “сартча” деб аталган тилни татарча ва қозоқчадан узоқлаштириш учун махсус усуллардан фойдаланилар эди. Масалан, мақолалардаги “келган”, “тоқтайдурган”, “тилеган”, “буюк”, “нек”, “гўзал”, “балиқ”, “эт сотар” каби сўзлар учраса, булар татарча ёки қозоқча деб муҳаррирнинг жаҳли чиқар ва “килган”, “тохтайтурган”, “хохлеган”, “катта”, “жуда”, “чиройли”, “белиг”, “гўштфурушлуқ қилур” каби сўзлар билан ўзгартирилар эди. Бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлардаги “о” товуши ўрнига араб ёзувидаги “а” дан фойдаланилди (масалан, “вагон”, “поезд” ўрнига “ваган”, “файис” каби). Тошкент шевасини бузиб қўллаш хусусияти ҳам Остроумов даврида айниқса кенг тус олди. Шунга

қарамасдан, Қўқон ва Хива адиб ва муҳаррирлари асарларидаги тил эски чиғатой тили анъаналари ва унинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун хизмат қилди.

Янги ўзбек адабиётини Остроумов ғоялари таъсиридан муҳофаза этган бир қатор зиёлилар номини тилга олишни истардик. Булар тошкентлик Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, самарқандлик муҳаррир Маҳмудхўжа Беҳбудий, шоир Аҳмад Васлий, Баҳромбек Давлатшоев, Ҳожи Муйин Шукрулло, қўқонлик Ашурали Зоҳирий ва бошқалардир. Бу ўзбек зиёлилари, қозоқлардан фарқли ўлароқ, рус мактаби тарбиясини олмай, фақат миллий муҳитда шаклландилар. Улар илгари сурган янги ғоялар озарбайжон, усмонли ва татар манбаларидан, шу жумладан, Гаспирали Исмоилбек асарларидан қайноқланди. Уларнинг асарлари янги усули алифбо, қироат, жуғрофия, ҳисоб, ва ислом тарихи каби у вақтларда Туркистон учун янги бўлган дарс китоблари ва эски маҳаллий ҳаётни танқид қилиб ёзилган баъзи театр ва ҳикоя китобларидан иборат эди.

Саййид Расулхўжанинг 1900 йилда Тошкентда нашр этилган “Устози аввал”, Мунаввар Қорининг 1901 йилда нашр этилган “Адиби аввал” асарлари янги усулдаги илк ўзбек алифболари сифатида дунёга келди. Юқорида номи тилга олинган адиблардан баъзилари форсчада ҳам асар ёзадилар. Самарқандда Беҳбудий, Саййид Аҳмад Васлий, Ҳожи Муйин, Садриддин Айний, бухоролик Фитрат шулар жумласидандир. 1925 йилда вафот этган Саййид Аҳмад Васлий озарий турк шевасида ҳам ижод қилиб, Фузулий ва Собирий шеърларига гўзал назиралар битди. Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Самарқанд ва Бухорода яшаб ижод этиб, форс тилида асарлар битган шоирларнинг ўзбекчаси бироз заиф эди.

Ўзбек театри Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари билан бошланди. Мазкур асар биринчи марта 1913 йилда Тошкентдаги Колизей театрида саҳнага қўйилди. Шу билан бирга, Ҳожи Муйиннинг “Тўй”, фарғоналик Ҳакимзода Ниёзийнинг “Ишқ қурбонлари”, Абдулла Бадрийнинг “Жувонмарг” асарлари ҳам

дунёга келди. Шеърий ва насрий асарлардан Саййид Аҳмад Васлийнинг “Генжинеи ҳикмат”, “Адаб уд-дин”, Баҳромбек Давлатшоевнинг “Миллий таржимон” китоблари ва Абдулла Авлонийнинг халқни ҳаракатга даъват этган шеърлари дунёга келди. Яна бир рус мактаби таҳсилини олган зиёлий, самарқандлик Қўқонбой Абдухолиқовнинг 1904 йилда “Гул” ва “Аричилик” номли амалий мавзуга оид асарлари эълон қилинди.

Ижтимоий мавзудаги асарлардан Абдурауф Фитратнинг “Нажот” ва “Оила” номли диний руҳдаги асарлари, “Мунозара” ва “Сайёҳи ҳинди” (“Ҳинд сайёҳи”) ҳажвий ва танқидий асарлари Туркистонда бўлгани каби Афғонистонда ҳам шуҳрат қозонди (форсчада ёзилган бу охирги асар рус тилига ҳам таржима қилинди).

Қозондан ҳам бир қатор зиёлилар келиб жуда катта ишларни амалга оширдилар. Улардан айримлари газета нашр эттириб, бадиий асарлар яратдилар. Бектемир ўғли Аҳмаджон, муаллим Шокир Мухторий, Шокир Сулаймон ва муаллим Мухтор Бекир, қори Абдураҳим Тожи, Исмоил Обидов, Ғози Олим Юнуслар шулар жумласидандир.

Шокир Сулаймон тўрт қисмдан ибоарт “Ислом тарихи”, ўз вақтида Хива хони Исфандиёрхон ҳузурида муаллимлик қилган Мухтор Бекир “Муфассал Туркистон жуғрофияси” номли асарларини ёздилар (охирги асар инқилобдан сўнггина нашр этилди). Абдураҳим Тожи (адабий таҳаллуси “Тикан”)нинг ҳам равон ўзбекчада ёзилган бир қатор гўзал шеърлари мавжуд.

Бу асарлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, 1905 йил инқилобидан кейинги даврда маҳаллий вақтли матбуот ҳам ривожланди, бир қанча янги нашрлар дунёга келди. “Тараққий” (1906-07, Тошкент, муҳаррири Исмоил Обидов), “Хуршид” (1906-07, Тошкент, муҳаррири Мунаввар қори), “Шуҳрат” (1907-08, Тошкент, муҳаррири Абдулла Авлоний), “Осиё” (1908, Тошкент, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), “Бухорои Шариф” (1912-13, Бухоро, Бухоро, муҳаррири Мирзо Жалол Юсуфзода, ноширн Мирбадалов), “Самарқанд” (1914, Самарқанд, муҳаррири

Маҳмудхўжа Беҳбудий), “Садои Фарғона” (1914-15, Қўқон, ноширн Обиджон Маҳдум, муҳаррири Ашурали Зоҳирий), “Садои Туркистон” (1914-15, Тошкент, муҳаррирлари Мунаввар қори ва Убайдулла Хўжа) газеталари шулар жумласидандир.

Булардан “Бухорои Шариф” форсчада, “Самарқанд” эса туркча ва форсчада чиқарилган. Янги нашрлардан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1913-1915 йилларда Самарқандда икки ҳафтада бир марта чиққан “Ойина” мажмуаси, Мулла Абдураҳмон Содиқ ўғли томонидан Тошкентда 1915 йилдан бошлаб чиқа бошлаган “Ислоҳ” мажмуаси, Ашурали Зоҳирийнинг 1916 йилнинг охиридан, шу сатрлар муаллифи (Заки Валидий Тўғон – *тарж.*)нинг яқин иштирокида Қўқонда нашр эта бошлаган “Юрт” мажмуаси, Тошкентда Новиков деган бир рус тарафидан 1915 йилдан чиқара бошланган “Дихкан” номли зироатга оид ойлик нашрни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бироз вақтдан кейин “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Осиё” газеталари ҳукумат томонидан ёпилди. Энди зиёлиларнинг кўпи Самарқандда чиқадиган “Ойина” мажмуаси ва Тошкентда чиқадиган “Садои Туркистон” газетаси атрофида тўпландилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, “Садои Туркистон” русча таҳсил олиб, хусусий адвокатлик ишини очган Убайдулла Хўжаев иштирокида нашр этиларди. У социал-революционер дўсти Вадим Чайкин билан бирга Андижонда бу газетанинг рус тилидаги “Голос Узбекистана” номли вариантини ҳам нашр эттирган.

Тошкент ва Бухорода бу вақтга келиб мусулмон матбаалари дунёга кела бошлади. Тошкентлик бойлардан Ғулом Ҳасан Орифхонов матбаасида бир қатор форсча ва туркча асарлар литография усулида чоп этилди. Мусулмон асарларини нашр эта бошлаган Тошкентдаги Борзов ва Бухородаги Ливнин матбаалари тарих ва адабиётга оид бир қатор асарларни, шу жумладан, Навоийнинг “Хамса” асари, Аҳмад Яссавийнинг “Девон”и, “Тарихи Салим”, “Қандиййа”, “Наршахий” тарихлари, Або

Муслим ривоятлари, “Темурнома”, “Шоҳнома” таржимаси каби асарларни чоп этди.

Туркистонда турк ва ислом матбуоти ҳам тез суръатда ривож топди. Тошкентда янги асарларни нашр этиш учун “Туркистон” номли нашриёт ширкати таъсис этилди.

1917 йилда бўлиб ўтган инқилобдан кейин ўтган ҳар бир йил Туркистон учун бир босқич даври бўлди. Большевиклар ҳукумати мақсад ва ғояларига хизмат қилмайдиган ва цензурага тобе бўлмаган барча нашрлар бирин-кетин ёпила бошлади. Аммо унга қадар, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли бурчакларида сиёсий ғояларни илгари сурувчи газета ва мажмуалар эълон қилинди. Оренбургда “Қозоқ” газетаси 1917 йил инқилобидан кейин ҳам чиқиб турди. Қозоқ зиёлиларидан Алихон Букейхон ва унинг дўстлари фикрига қўшилмаганлардан бир гуруҳ “Уч жуз” номли социалистлар фирқасини ташкил этиб, Тошкентда ҳафталик “Уч юз” газетасини нашр эта бошладилар (муҳаррири Колбай Тугусов). Қозоқ миллатчилари Тошкентда “Бирлик туви” (муҳаррирлари Хожан ўғли Султонбек, Чўқай ўғли Мустафо, Балғинбой ўғли Хайриддин), Семипалат (Семипалатинск)да “Сари арка” (муҳаррирлари қозоқларнинг энг етакчи зиёлиларидан бўлган Аббос ўғли Халил, Марсик ўғли Райимжон), Хон Ўрдасида “Уран” (муҳаррири Истанбулда таҳсил олган Абдулазиз Муса) каби газеталарни ташкил этдилар.

Тошкентда “Нажот” (муҳаррири Мунаввар қори), “Кинеш” (Туркистон мусулмонлари маркази нашри, муҳаррири Аҳмад Заки Валидий), “Турон” (муҳаррири Муҳаммадамин Афандизода), “Улуғ Туркистон” (муҳаррири Кабир Бакир), Қўқонда “Тирик сўз” (муҳаррири Обиджон), “Эл байроғи” (муҳаррири тарихчи Соли ўғли Пўлат), Самарқандда “Ҳуррият” (муҳаррири Маҳмуд Акобиршоҳ Мансурзода ва Абдурауф Фитрат) газеталари нашр этилди. Ҳар бир газета ўз атрофига ижодкорлар гуруҳини тўплаб, адабий бир муҳит ташкил этган эди. Бу фаолиятлар натижасида бир қатор истеъдодли шоирлар майдонга чиқа бошлади. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, қозоқлардан

Жомбой ўғли Мағжон, Айамлут ўғли Юсуф кабилар инқилоб жараёнида элга танилган миллий шоирлар даражасига етдилар. 1917 йилда нашр этилган адабий ва ижтимоий асарларда, шеърий тўпламларда жуда табиий равишда истисносиз бир нажот ва умид бор эди.

ТУРКИСТОН САҲИФАСИ

СЎЗБОШИ

Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш жараёнида ўтган асрнинг биринчи чорагида мамлакатимиз сарҳадларида юз берган айрим ҳодисалар эътиборимизни ўзига тортди. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар бундан қарийб юз йил аввал Туркистонда бўлиб ўтган. Улар Биринчи жаҳон уруши иштирокчиси, Кавказорти жангларида яраланиб асирга тушган, сўнгра Красноярскдаги тутқунлар лагеридан қочиб Туркистонга келган ва бу ерда узоқ вақт мобайнида ўқитувчилик қилган турк субайи Рожи Чакирўз хотираларидир.

Чор Россияси томонидан босиб олинган Туркистонга турк субайлари кичик-кичик гуруҳлар бўлиб тўрт марта келгани ҳақида тарих гувоҳлик беради. Султон Абдулазиз ҳукмронлиги вақтида Россия истилосига қарши ҳарбий ҳаракатларга ёрдам бериш мақсадида биринчи марта бир гуруҳ ҳарбий мутахассис ва муаллимлар юборилган эди. Султон Абдулҳамид II тахтдан ағдарилиб, “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти майдонга чиққанидан кейин Туркистон билан яқин алоқалар ўрнатилади. Бунинг натижасида иккинчи марта турк зобитлари Туркистон ўлкасига келадилар. Анвар пошшо Ҳарбий ишлар вазири этиб тайинланганидан кейин унинг илк фармони билан учинчи марта усмоний зобитлар Туркистон ўлкасига ҳарбий ёрдам кўрсатиш мақсадида юбориладилар.

Туркистонга келган тўртинчи гуруҳ эса Биринчи жаҳон уруши йилларида Кавказортида асир тушган турк субайлари эди. Рожи Чакирўзнинг “Хотиралар”ида саксонга яқин асир турк субайи Туркистонда бошидан кечирган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

1914 йилнинг 21 октябридан усмоний қўшинларининг субайи Рожи Чакирўз Ардахон остоналаридаги жанглардан бирида яраланиб, асрга тушади. У бир гуруҳ турк асирлари

қаторида дастлаб Кавказдаги турли лагерларда бўлади, сўнгра Сибирга сургун қилинади. 1918 йил бошларида бир неча турк субайи ҳамроҳлигида Красноярскдаги асирлар лагеридан қочишга муваффақ бўлган Рожи Чақирўз ва дўстлари Петропавловскда татар миллатига мансуб бўлган бир кишининг уйида бекиниб ётишади. Бироздан кейин, улар қозоқлар карвонига қўшилиб, тоғ ва чўллардан ошиб Оқмасжидга, у ердан эса поезд билан Тошкентга келадилар. Яна бироздан кейин уларга етмишга яқин асир турк субайи келиб қўшилади.

Рожи Чакирўз ўз “Хотиралар”ида XX аср бошларидаги Туркистон манзараларини чизиб, у вақтдаги Тошкент, Бухоро, Чоржўй каби шаҳарларда мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ўзи ўқитувчилик қилган “Турон”, “Намуна”, “Ирфон”, “Мухторият” мактабларининг фаолияти ҳақида, Туркистондаги жадидчилик ҳаракати бошида турган зиёлилар ва Бухоро Мухтор Жумҳурияти раҳбарлари билан бўлган мулоқотлар, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сайёр труппасида олиб борган фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Аммо, айрим ўринларда “Хотиралар” муаллифи воқеаларга баҳо берар экан, ўзининг “мусофир кузатувчи” эканини аён қилиб қўяди. Масалан, муаллифнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолияти ва ўлими ҳамда Тошкентнинг янги ва эски қисмлари ҳақидаги айрим фикрлари мунозарали деб ўйлаймиз. Бошқа миллат вакиллари (чех, венгр, руслар)га бўлган муносабат ҳам бирёқламадай туюлади. Лекин шунга қарамасдан “Хотиралар” ўзининг турли хил маълумотларга бойлиги ва равон тили билан ўқувчилар эътиборини ўзига тортиши шубҳасиз.

Рожи Чакирўзнинг ушбу “Хотиралар”и 1971 йилда туркиялик тарихчи олим Темур Хўжаўғли (ўз вақтида Бухоро Мухтор Жумҳурияти раиси бўлган Усмон Хўжанинг ўғли) томонидан ёзиб олинган бўлиб, “Турк дунёси тарихи” журналининг 1987 йил 1-11 – сонларида эълон қилинган. Мазкур таржима ушбу нашр асосида амалган оширилди. Рожи Чакирўзнинг “Хотиралар”и ўзбек тилида илк бор устоз олим

Озод Шарафиддинов ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг 1997 йил 5-сонида эълон қилинган эди.

“Хотиралар”дан аввал Темур Хўжаўғли Туркиянинг Эгей университети Турк дунёси тадқиқотлар инситути томонидан “Усмоний давлати ва турк дунёси” мавзусида ўтказилган конференцияга тақдим этган мақоласини ҳам ўқувчилар эътиборига хавола этишни лозим топдик.

ТУРКИСТОНДА УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ЗОБИТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ (1914-1923)[10]

Темур Хўжаўғли

Усмонийлар империясида 1861-1876 йилларда ҳукмронлик қилган Султон Абдулазизхоннинг фармони билан мудофаа қўшини зобити Миралай Али Кузунбей, пиёда қўшин зобити Меҳмет Юсуфбей, отлиқ қўшин зобити черкес Юсуфбей, тўпчи қўшин зобити Исмоил Ҳаққибей ва яна тўрт нафақадаги зобитлар 1874 йилда (ҳижрий 1291) Кошғар амири Ёқубхон ихтиёрига юборилади. Юқорида номлари келтириб ўтилган усмоний ҳарбийлари Туркистон хонликларига юборилган биринчи жиддий маънодаги аскарий бўлинма таркибидан жой олган. Тарихчи олим, профессор Меҳмет Сарой усмоний зобитларининг Шарқий Туркистонга юборилишларини Туркия ва Англия давлатлари архивларига таянган ҳолда батафсил баён етган.[11] Меҳмет Сарой, 1863-1873 йиллар орасида Туркистоннинг жанубий ҳудудларига Чор Россиясининг босқинига қарши Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлиги Усмонийлар давлатидан ёрдам сўрагани, аммо саройдаги ички келишмовчиликлар ва ташқи низолар туфайли

[10] Бу мақола 1999 йил 27 апрелда Туркиянинг Эгей университети Турк дунёси тадқиқотлар инситути томонидан ташкил этилган “Усмоний давлати ва турк дунёси” мавзусидаги конфренцияга тақдим қилинган.

[11] Mehmet Saray, *Doğu Türkistan Türkleri Tarihi I (Шарқий Туркистон туркlари тарихи I) : Başlangıçtan 1878'e Kadar,* İstanbul: Kitabevi, 1997, s. 165-172 ve -'Ekler[1] bölümündeki arşiv belgeleri, s. 253-295. *A.g.e.,* s. 254-255.

Усмонийлар давлати уларга ёрдам бера олмаганлигини ҳам айтиб ўтади.

Султон Абдулазизхоннинг ҳукумронлик даврида Кошғарга юборилган турк зобитлари Туркияга қайтиб, юзбоши Али Козим бошчилигида Султон Абдулҳамидхонга тақдим этган маълумотларни Меҳмет Сарой нашр эттирган. Али Козимбейнинг Султонга тақдим қилган маълумотида у Ёқубхон томонидан Ёркент волийси Мулла Юнуснинг хизматига жўнатилгани ва унинг қўл остидаги тўпчиларга таълим бергани қайд этилади. Ушбу маълумотда, шунингдек, Ёркентдаги тўпчиларнинг ҳудди Истанбулдаги аскарлар каби моҳир жангчи бўлиб етишганлари алоҳида мамнуният билан қайд этилади. Али Козимбей бундан ташқари Ёркентда 3000 ҳарбийга Туркиядаги "Низоми Жадид" тизими асосида ҳарбий маҳорат машқлари ўтилгани ҳақида ҳам маълумот берган. Шарқий Туркистоннинг етакчиларидан бири Исо Юсуфхон келтирган маълумотга кўра, Ёқубхон Туркиядан келган зобитларнинг кўмагида 80 минг кишилик қўшин тузганлиги маълум.

Исо Юсуф Алптегин бу ҳақда жуда қизиқарли маълумот келтириб ўтади: "Бобом Қосим ҳожи Муҳаммад Али ўғли (турк зобитларидан таълим олган) қўшин таркибида хизмат қилиб, жангларда қатнашган аскар бўлган. Танасининг бир қанча жойида яралар кўргандим. Беш ёшлигимизда чамаси у бизга ўз хотираларини айтиб берар, ҳаяжонланган вақтида бизни оёққа турғазиб, "Текислан, рослан, қадам бос, бир-икки, бир-икки.." деб буйруқ берар, шу тариқа ўтган кунларини эсларди. Марҳум 85 ёшида вафот этганлар."[12]

Раҳматли Исо Юсуф Алптегинбейнинг бобоси ҳақидаги айтган бу кичик хотира парчаси 1874-1876 йиллар оралиғида турк зобитлари томонидан ҳарбий маҳорат жиҳатидан тайёрланган туркистонлик аскарлар ўз хотираларини бизгача қолдирганлари ниҳоятда аҳамиятлидир.

[12] İsa Alptekin, *Doğu Türkistan Davası. (Шарқий Туркистон даъвоси)* İstanbul: Otağ Yayınlan, 1973 (2. Baskî 1975); s. 129.

Усмоний зобитларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи 70-йилларида Шарқий Туркистонга катта муваффаққият билан амалга оширган бу сафаридан кейин, Туркистоннинг бирор бир ҳудудига турк зобитлари расмий шаклда юборилмаган бўлсада, Усмонийлар давлатининг сўнгги кунларида, яъни 1918-1923 йиллар оралиғида бир гуруҳ турк зобитлари Ғарбий Туркистонга борганлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

1914 йилда Усмонийлар ва Чор Россияси ўртасида бўлиб ўтган Кавказдаги жангларда, хусусан Ардаханда кўп сонли усмоний аскар ва зобитлари рус қўшинига асир тушади. Олдинига Кавказдаги турли хил ҳарбий лагерларда ушлаб турилган Усмоний аскарлари ва зобитларининг бир қисми кейинчалик Сибирдаги Красноярск шаҳрида жойлашган ҳарбий лагерга юборилади. У ердан қочишга муваффақ бўлган турк зобитлари турли гуруҳларга бўлинган ҳолда, қозоқларнинг карвонларига қўшилиб олиб, бугунги Қозоғистон ҳудудларидан Тошкентга етиб боришади. Улардан бир гуруҳи бир муддат Тошкентда қолиб, маорифни ташкил этиш ишларида иштирок этишади. Бошқа бир гуруҳ усмонийлар 1920 йилда янги ташкил этилган Бухоро Халқ Республикаси фаолиятида иштирок этадилар. 1922-1923 йиллар орасида эса усмоний зобитларнинг катта қисми Туркияга қайтган. Афсуски, улардан жуда озчилиги ўз хотираларини чоп этишган.[13]

Ғарбий Туркистон ва Бухоро Халқ Республикасида бўлиб, у ерларда ҳам таълим, ҳам ҳарбий соҳада жуда катта хизматлар қилган усмоний зобитларидан Рожи Чакирўз билан танишиш ва ўз тилидан хотираларини ёзиб олишга муваффақ бўлдим. Раҳматли Рожибейнинг хотираларини 1971 йилда ёзиб олган бўлсам ҳам, бу хотиротлар 1987 йилда “Турк дунёси тарихи” журналининг 1- ва 11-сонларида чоп этилди.[14]

[13] Tahsili îybar, *Sibirya'dan Serendib'e, (Сибирдан Серандибга*) İstanbul, 1950.
[14] "Türkistan'da Türk Subayları (1914-1923)" (*Туркистонда турк зобитлари)* Anlatan: Raci Çakıröz, Yazan: Timur Kocaoğlu. *Tfirk Dünyası Tarih Dergisi* (İstanbul), Sayılar: 1-11 (1987).

Рожи Чакирўз каби Усмоний давлати зобитларининг жуда оз қисми ўз хотиротларини чоп эттирганлари учун, бу мавзуда турли хил манбаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Чоп этилган манбалар орасида, таниқли тарихчи проф. Заки Валидий Тўғоннинг 1969 йилда нашр этилган хотиралари, Туркистонлик Абдуллоҳ Ражаб Бойсуннинг 1945 йилда Истанбулда нашр этилган "Туркистон миллий ҳаракатлари" номли асари ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, Тўғон ва Бойсун ўша даврларда, яъни 1920-1922 йиллар оралиғида Ғарбий Туркистонда усмоний зобитлари билан яқин алоқада бўлган икки муҳим шахс ҳисобланишади. Усмоний зобитларининг Ғарбий Туркистондаги фаолиятлари ҳақидаги энг муҳим ҳужжатлар ҳануз маълум бўлгани йўқ.[15]

1922-1923 йиллардан кейин Туркияга қайтган усмоний давлати зобитлари таҳминимизча бу мавзуда расмий идораларга ўзларининг шахсий маълумотларини тақдим қилган бўлишлари керак. Вазирлик ва Туркия Буюк Миллат Мажлиси (Олий Мажлис) архивларида сақланаётган бу ҳужжатларни кўришга бўлган таъқиқнинг тезроқ олиб ташланишига умид қилиб қоламиз. Иккинчи муҳим архив ҳужжатлари эса, ҳозирда Ўзбекистон ва Россияда сақланади. Рус болшевикларининг махфий полицияси ЧК (Фавқулотда комиссия) Тошкентдаги усмоний зобитларини яқиндан таъқиб қилганларидан келиб чиқсак, уларнинг маълумотларидан ўта муҳим жиҳатлар аён бўлиши мумкин. Шунингдек, Бухоро Халқ Республикасида 1920-1923 йиллар оралиғида кўп сонли усмоний зобитларининг таълим ва ҳарбий жиҳатдан юқори мансабларда фаолият олиб борганлари маълум.

Шу ўринда, айрим ёзувчилар архив маълумотларига суянган ҳолда бир қатор адабий асарлар яратишганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Улар орасида тожик ёзувчиси Жалол Икромнинг 1979 йилда Душанбеда нашр этилган "Гарнизон таслим намешавад" ("Гарнизон таслим бўлмайди") номли пьесаси, ўзбек ёзувчиси

[15] Zeki Velidi Togan, *Hatıralar (Хотиралар),* İstanbul. 1969 (Dizinli yeni baskı: Türkiye Diyanet Vaklî Yayınları. 1999); Türkistanlı Abdullah Receb Baysun, *Türkistan Millî Hareketleri*. İstanbul, 1945.

Холмирза Шукуровнинг *(мақолада ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг номи нотўғри келтирилган)* 1982 йилда Тошкенда нашр этилган “Қил кўприк” номли романи, татар ёзувчиларидан Тавфиқ Ойдиннинг 1991 йилда Қозонда нашр этилган “Илан уви” (“Илон заҳри”) номли романини айтиб ўтиш лозим.[16] Бу пьеса ва романлардаги характерлар орасида усмонли турк зобитларига ҳам алоҳида урғу берилганини кўришимиз мумкин. Уларнинг шахсияти ва фаолиятлари тожик ёзувчилари томонидан жуда салбий шаклда талқин қилинаркан, ўзбек ва татар ёзувчилари томонидан ижобий характер сифатида берилиши эътиборимизни тортди.

Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин Ўрта Осиёда бешта мустақил давлат пайдо бўлиши билан, Туркия ва Туркистон ўртасидаги алоқаларни баён этишдаги тўсиқлар олиб ташланди. Бунга бир мисол келтирмоқчиман: менинг 1987 йилда Истанбулда нашр қилинган Рожи Чакирўзнинг хотиралари ўн бир йил ўтиб, 1998 йилда ўзбек олими ва таржимони Рустам Шарипов томонидан таржима қилиниб, Тошкентда чиқадиган “Жаҳон адабиёти” журналида “Туркистонда турк субайлари” номи остида баъзи қисқартиришлар билан нашр этилди.[17]

1918-1923 йиллар оралиғида Ғарбий Туркистонда фақатгина усмоний зобитлари эмас, балки 1920-1922 йилларда юқори мартабали Усмоний пошшолари (вазирлари)нинг ҳам асир тушганларини кўриш мумкин. Усмоний генераллари орасида биринчи бўлиб, 1921 йилда Баку орқали Туркистонга Анвар пошшо, кейинчалик Жамол Пошо йўл олади. Улардан ташқари “Teskilat-I Mahsusa”нинг фаол аъзоларидан бўлган Ҳожи Салим Сами, Амруллоҳбей, Адил Ҳикметбей, Ҳусайинбей, бурсалик Иброҳимбей ҳам Туркистонга боришади ва улар “Беш турк” номи билан машҳур бўлишади. Кўпчиликнинг ҳурматига сазовор

[16]Celal İkrama "Garnizon Taşlını Nemişeved” (Туркистон таслим бўлмайди) F, *Edebiyatı Soveti* (Düşenbe). No. (1979), s. 1746; Şükür Halmirzayev "Kıl Köprik", *Şark Yulduzı* (Taşkent), No. 9-12 (1982) ve daha sonra kitap olarak yayınlandı: Şükür Halinirzayev, *Kıl Köprik,* Taşkent: Gafur Gulaın, 1984; Tevfik Eydi, *İlan Uvı.* Kazan: Tatarstan Kitap Neşriyatı, 1991.

[17] *Cihan Edebiyatı (Жаҳон адабиёти)*(Taşkent), No. 6 (1998).

тарихчи Жамол Кулай “Она ватанда сўнгги беш усмоний турки” номи билан 1964 йилда нашр этган асарида, уларнинг Туркистондаги фаолиятлари ҳақида ўз оғизларидан эшитган жуда қизиқарли воқеаларни баён етади.[18]

Шу ўринда, Анқара ҳукумати ва Мустафо Камол Отатуркнинг махсус топшириғи билан 1921 йилда Туркистонга юборилган Субҳи Исмоилбейнинг Тошкентдаги туркистонлик зиёлилар орасидаги фаолияти, хусусан унинг “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотини ташкил этишга қўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Анвар Пошонинг Туркистонда 1920 йил октябрь ойидан 1922 йилнинг август ойи оралиғида салкам икки йил давомида фаолият олиб боргани маълум. Афсуски, бу ҳақдаги маълумотлар бизгача етиб келмаган. Текин Ерер каби баъзи ёзувчиларнинг Анвар пошшо ҳақида 1970 йилда нашр этилган, фикримизча ҳақиқатга асосланмаган, “уйдирма” китобларидан фойдаланишга эҳтиёж деярли йўқ.[19] Шавкат Сурайё Айдемир бўлса, Анвар Пошо ҳақидаги уч жилдлик асарида, Туркистон ҳақидаги бобини жуда қисқа ва юзаки қилиб ўтиб кетган.[20] Анвар Пошо ҳақида биз билган энг яхши тадқиқот Япон олими проф. Масаюки Ямаучи томонидан 1991 йилда Токиода нашр этилган.[21] Масаюки Ямаучи ўзининг бу асарида Анқарада жойлашган “Turk Tarih Kurumu” (“Турк тарих академияси”)да сақланаётган Анвар Пошога оид 21 та архив ҳужжат ичидаги махсус ҳужжат ва мактубларни лотин ҳарфлари билан турк тилида нашр қилдирган. Ямаучининг нашр эттирган мактублари орасида Анвар Пошонинг 1922 йил 28 январда Бухоронинг шарқидаги Аҳжар қишлоғидан Берлиндаги дўсти Комилбейга жўнатган мактубидан, Анвар Пошонинг Туркистонда бир томондан руслар билан жанг қилаётгани, бошқа

[18] Cemal Kulay, *Aııa-Vatan'da Son Beş Osmanlı Türkü,* (Она ватанда сўнги беш усмоний турки) İstanbul: Tarih yayınları, 1964.
[19] Tekin Erer, *Enver Paşa'nin Türkistan Kurtuluş Savaşı, (Анвар пошшонинг Туркистондаги жанглари* İstanbul: Maytaş Yayınevi, 1973.
[20] Şevket Süreyya Aydemir, *Makedonya'dan Orta Asya'ya Enver Paşa, (Македониядан Ўрта Осиёга Анвар пошшо)* İ-Ill. İstanbul: Remzi Kitabevi. 1970-1972.
[21] *Musayıuki Yamauchi,* The Green Crescent Uncler the Red Star: Enver Pasha in Soviet Russkt 1919-1922, *Tokyo, 1991.*

томондан қўшин ҳаракатланиши учун ҳарбий режалар тайёрлаётгани аён бўлади:

“Бу ерда, Бухоронинг шарқида, Дарваз вилоятида тоғ ичида ва далаларда халқ томонидан эски усуллар билан олинаётган олтин маъданлари бор. Бундан ташқари, темир, кўмир, нефть, ёқут, қўрғошин конлари ҳам мавжуд. Германиядан бу ерга маъдан муҳандисини юборишнинг иложи борми? Агар бу ишда ёрдам берилса, жуда яхши бўларди. Ҳеч бўлмаганда, 10 дона катта Паребеллум тўппончаларидан юборишни унутма. Қизиқ, Зеппелин (ҳаво шари) билан алоқа қилишнинг иложи бормикин ва бу қанчага тушаркин? Бу ердан пулини беришимиз мумкин. У ердагиларга саломимни етказ. Отангнинг қўлларидан ўпиб қоламан. Анвар”.[22]

Масаюки Ямаучининг Анвар Пошо ҳақида ёзган бошқа бир асари “Hoşnud Olmayan Insan: Enver Paşa” номи билан ўтган йили Истанбулда нашр этилди.[23]

Бугун қўлимиздаги манбаларга асосланиб, хусусан мен нашр эттирган Ражи Чакирўзнинг хотираларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, зобит ва аскарлар аввал русларга асир тушиб Сибирдаги Красноярск лагерига юборилади ва кейинчалик турли гуруҳларга бўлиниб у ердан қочишади. Сўнг Тошкент ва Бухорога етиб келган 300 га яқин усмоний зобитлари Туркистонда ўз фаолиятларини асосан икки соҳада давом еттирганларини кўришимиз мумкин. Булардан биринчиси таълим соҳаси, иккинчиси эса Бухоро Халқ Республикаси қўшинларининг асосини барпо этиш учун аскарларга ҳарбий сабоқ беришдан иборат бўлди. Усмоний зобитлари Тошкент шаҳри ва Бухорода олдиндан мавжуд бўлган жадид мактабларида ишлаганлар. Янги усули жадид мактабларини очишган, Усмоний давлатида кўрган сўнгги замонавий ўқитиш ва тарбия бериш усулларини Туркистонда татбиқ қилишга ҳаракат қилишган.

[22] Masayuki Yamauchi, *cug.e.*, s. 293-294.
[23] Masayuki Yamauchi, *Hoşnud Olmayan İnsan: Enver Paşa* (Хушнуд бўлмаган инсон-Анвар пошшо), İstanbul: Bağlam Yayınlan. 1998.

Иккинчи соҳа бўлган ҳарбий соҳада, усмоний зобитлари хусусан ёш Бухоро Халқ Республикасининг миллий қўшинини ташкил этишга катта ҳисса қўшганлар.

Шу ўринда Туркистонда фаолият олиб борган усмоний зобитлари номини эслаб ўтиш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз. Ражи Чакирўзнинг хотираларида қуйидаги турк зобитларининг номлари санаб ўтилади:[24] Полковник Ориф (Ченгелкўй)[25], подполковник Зиёбей[26], бўлинма майори Нурибей, мингбоши Усмонбей (Ҳарпут), мингбоши Рифат, мингбоши Ҳусни, юзбоши Фаик (Эдирна), юзбоши Ғолиб, юзбоши Шукру, юзбоши Жемал, капитан Саит Баҳри, юзбоши Эмин, Талат (Эдирна), лейтенант Юнус (Мосул)[27], лейтенант Зиёбей, отлиқ қўшин лейтенанти Жавитбей, лейтенант Меҳмет Содиқ (Самсундан), Лейтенант Нафи (Манастир)[28], тўпчилар бошлиғи Ҳайдар Шавқи, Козимбей, Ҳилми (Оқсарой), катта мулозим Сулаймон Сами, офицер Саид Аҳрорий[29], офицер Ҳалил (Бартин), Меҳмет (Ағистос), Исмоил Ҳаққи (Кайсери), ўқчи Ориф, Саит Жемал, Матаражи Рифа.

[24] Türkistan'da Türk Subayları (Туркистонда турк зобитлари) (1914-1923)", a.g.k.

[25] Орифбей Туркияга қайтгандан сўнг Байтинг фамилиясини олади. Бир муддат Анталияда волийлик қилади. Кейинчалик, Али Четинкая даврида унинг ёрдамчиси бўлади.

[26] Ziya Bey 1915'te 9. Kolordu 83. Alay komutanıydı.

[27] Лейтенант Юнус (Мусулдан) янги ташкил этилган БХР қўшинларининг қўмондонларидан бўлган.

[28] Лейтенант Нафибей Туркистонда Анвар пошшонинг ёрдамчиси бўлган. Кейинроқ Туркияга қайтиши билан Атуф фамилясини олади.

[29] Саид Аҳрорий асил Туркистоннинг Хўжанд шаҳридан бўлиб, Туркияда ўқиб Усмонийлар қўшинида зобит бўлган.

РОЖИ ЧАКИРЎЗ

ЮРАГИМГА ЯҚИН ГЎШАЛАР

Турк субайининг Туркистон хотиралари
(1914 – 1923 йиллар)


DERGİSİ

TÜRKİSTAN' DA

TÜRK SUBAYLARI
(1914—1923)

Anlatan:
Rıfat ÇAKIROĞ

Yazan:
Doç. Dr. Timur KOCAOĞLU

Birinci Bölüm:
İstanbul'dan Sibirya'ya

Ardahan Muharebesi

Ruslara esir oluyorum

Esaret ayluğum

Topsakallı Tahir Ağa

1918 йилнинг январь ойи бошларида Тошкент вокзалига келдик. Поезддан тушишимиз билан икки ҳамроҳимизни “Улуғ Туркистон” газетаси идорасига жўнатдик. У вақтларда газетанинг соҳиби Мухтор Бекир биздан бироз аввал Тошкентга келган турк субайларининг манзилгоҳларини топишга ёрдам берди. Булар Зиёбек (Бойбурт қаймақоми – ижроқўм раиси), тўпчи Ҳайдар Шавқий, юзбоши Ғолиб, юзбоши Шукри, Сулаймон Сомий, ассубай (кичик зобит) Сайид Аҳрорий (асли Туркистоннинг Хўжанд шаҳридан) каби дўстларимиз эдилар.

Биз кўплашиб улар турган “Ирфон” мактабига йўл олдик. Дўстларимиз билан кўришганимиздан сўнг, бизни яқиндаги бир ҳаммомга олиб бордилар. Ҳаммом Истамбул ёки Онадўлидаги ҳаммомлардан деярли фарқ қилмас эди. Вагонларда узоқ вақт қилинган саёҳатдан кейин янгидан дунёга келгандек бўлдик. Дўстларимиз берган янги кийимларни кийиб олдигу эскиларини эса ёқиб юбордик. Ўсган соч-соқол ва эски кийимларда хотира учун расмга тушмаганимизга хали-ҳанузгача афсусланаман.

Аввал “Изҳор-ул Ҳақ идорахонаси” бўлган хонага етти киши жойлашдик. Қолган икки дўстимизга бошқа ер топдик. Йўлда оғир касалликка дучор бўлган Мехметни эса Эски шаҳардаги касалхонага ётқиздик.

* * *

Тошкент шаҳри икки алоҳида қисмдан иборат экан. Бири “Эски шаҳар” деб ном олган тарихий қисми бўлса, иккинчиси руслар келганидан кейинги даврда қурилган “Янги шаҳар” эди. “Эски шаҳар”да туркистонликлар “Янги шаҳар”да эса асосан руслар яшар эдилар. “Эски шаҳар” кўчаларида ариқлар, қатор бўлиб ўсаётган тераклар ва боғлар Онадўли шаҳарларини эслатарди. Уйлари баланд пахса деворлар билан ўралган ва кўчадан деярли кўринмас эди.

Ҳукумат идоралари, банклар, рус-тузем мактаблари ва клублар “Янги шаҳар”да жойлашган бўлиб, бу ерда кўчалар анча кенглиги билан ажралиб турарди. Туркистон шаҳарларининг бундай икки қисмга бўлиниши руслар келганидан кейин вужудга келганини мен кейинроқ билдим. Бу манзара Европа таъсиридан яққол далолат бериб турарди.

* * *

Мехметбей зотилжам бўлган экан. Соғайиб касалхонадан чиқиши билан йўлимизда давом этмоқчи бўлдик, аммо Ашхобод йўли ёпилгани ҳақидаги хабар бизни шаштимиздан қайтарди. Шимолда эса генерал Дутов қўшинлари бўлиб, қизиллар ва оқлар ўртасида жанглар давом этарди. Шу сабабли, Тошкентда янги очила бошлаган мактабларда маълум бир муддат ўқитувчилик қилишга қарор қилдик.

Демак, Онадўлидан минглаб километр узоқликда жойлашган бу ўлкада ўқитувчилик қилиш пешонамизда ёзилган экан. Зотан, бизгача бу ерга келган турк субайлари ҳам ўқитувчилик

қилишаётган эди. Дўстларимиздан Ҳайдар Шавқий – Хадра-Кўкча маҳалласидаги 1 – “Намуна” мактабида дарс берарди. Ғолиб – Шайхантоҳур-Мерганча маҳалласидаги 6 - “Турон” мактабида, юзбоши Шукри 2 – “Мухторият” мактабида ишлар ва “Турон кучи” гуруҳига раҳбарлик қиларди. Сайид Аҳрорий эса Бешёғоч маҳалласидаги 12 – “Турон” мактабида ишлар ва “Изчи” гуруҳига раҳбарлик қиларди. Истанбулда таҳсил олиб қайтган Абдураҳмонбек Ўрда оғзи маҳалласидаги 10 – “Ирфон” мактабида ишлар ва “Тараққий” жамиятига раҳбарлик қилар эди.

Мени ҳам 6 – “Турон” мактабига юборишди. Ишни мактаб қошида “Турк кучи” гуруҳини ташкил этишдан бошладим. Шундай қилиб, беш-олти синфдан иборат бўлган мактабларда туркистонлик ўқитувчилар билан бирга биз, Онадўлидан келган асир турк субайлари ҳам дарс бера бошладик.

* * *

Гуруҳимиз ўз сафига ёшларни бирлаштирган жамият сифатида ташкил этилган бўлиб, унда жисмоний тарбия машқлари ва спорт мусобақалари ўтказилар эди. Ҳар бир гуруҳда кичик мусиқа оркестри бўлгани учун биз ҳам ишимизга бир гуруҳ мусиқачиларни жалб этдик. Мен оҳангларни қоғозга туширишни билмаганим учун, улар бир неча марш куйини менинг хиргойимдан ёзиб олишди. Шу баҳонада, бир неча ҳарбий маршларнинг нота ёзувлари ёзилиб қолди.

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Биз Тошкентга келганимизда, бу ерда жадидчилик ҳаракати бошланиб кетган ва шаҳарнинг ҳар тарафига ёйилган эди. Баъзи ерларда эса “Русское туземное училище” мактаблари очилиб, ерли аҳоли ўртасида рус маданияти уруғларини сочиш ҳаракати мавжуд эди. Бунга қарши Қримли Исмоилбек Гаспирали таълимотини дастурул амал қилган бир гуруҳ туркистонлик

зиёлилар янги усулдаги (“Усули Жадид” – тарж.) мактабларини очаётган эдилар. Жадидчилик ҳаракати бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Хўжа ва Мунаввар қори Абдурашидхонов каби зиёлилар турарди. Биз келган вақтда (1918) бундай бошланғич ва ўрта мактабларнинг сони етмиш иккига етган эди. Бирин-кетин очилаётган мактабларга ўқитувчи топиш қийин иш эди. Ҳаттоки, рус лицейларининг охирги синфларида ўқиётган туркистонлик ўқувчилардан бир қисми бу мактабларда дарс бериш учун жалб этила бошланди. Бундан ташқари, ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида уч ва олти ойлик “Ўқитувчиларни тайёрлаш курслари” ҳам очилди.

* * *

Мен муаллимлик қилаётган “Турон” мактабида рус тили фанидан бир чех миллатига мансуб ўқитувчи дарс берарди. У вақтда “Турк кучи” гуруҳини ташкил этиш билан машғул эдим. Мусулмон бўлмагани учун, фаолиятимни бу чехнинг олдида олиб боришим бир оз мураккабликлар туғдирди. Бу ҳақда мактаб директори Мажид Қодирийга айтишга мажбур бўлдим. Унга: “Бу ерда ё у қолиши керак ёки мен!” – дедим. Шундан кейин уни бошқа мактабга юбориб, ўрнига Раъно хоним деган ёш туркистонлик қизни ишга олишди. Раъно хоним у вақтда рус лицейининг битирувчи синфида ўқир эди. Бўлажак хотиним Раъно хоним билан шу тариқа танишдим.

ТЕАТР ФАОЛИЯТЛАРИ

Фарғона водийсида Мусажон ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан ташкил этилган мусиқали театр труппаси бизнинг “Турк кучи” гуруҳи билан бирлашиш истагини билдирди. Биз ҳам бунга рози бўлдик. Бу вақтда труппа Тошкентга келиб, ёзувчи Ҳамза Ҳакимзоданинг “Лошман фожеаси” номли пьесасини қўяётган эди. Унда Чор Россиясининг Биринчи жаҳон

уруши даврида Туркистон халқига нисбатан ўтказган зулми ҳақида ҳикоя қилинарди. Ўша йиллари қозоқ, қирғиз, ўзбек ва туркманларни фронт ортида хизмат учун зўрлик билан мардикорликка олиш ишлари бошлаб юборилган эди. Маҳаллий аҳоли бунга қарши чиққанларида аскарлар уларга қарши қурол ишлатган эдилар. Натижада, 1916 йил умумхалқ Туркистон қўзғлони бошланиб кетган эди. Асарда ана шу қонли воқеалар ҳақида ҳикоя қилинарди.

Ҳамза Ҳакимзода раҳбарлик қилаётган ушбу сайёр труппанинг эркак санъаткорлари аксарияти ўзбек эди. Уларнинг ичида биргина татар аёл санъаткор бор эди. Бизнинг гуруҳ билан бирлашганидан кейин труппага Фотима Туташ деган яна бир татар қизи келиб қўшилди. “Туташ” сўзи татарчада “эрга тегмаган қиз, бокира” маъноларини беради. Ўзбеклар у вақтларда қизларининг театрга кириб ишлашига руҳсат бермасдилар. Театрнинг аёл санъаткорларга бўлган эҳтиёжи татар, арман ва яҳудий хонимларни саҳнага жалб этиш йўли билан қондирилар эди. Масалан, ўзбекларнинг энг машҳур раққосаси – арман қизи Тамара хоним эди.

Гуруҳларимизнинг бирлашиши тантанали бир маросим билан амалга оширилди. Ҳамзанинг театр труппаси мусиқа садолари остида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидан, бизнинг “Турк кучи” гуруҳимиз эса махсус тикилган кийимларда ва оркестр садолари остида Эски шаҳардан йўлга чиқдик. Бир оздан кейин гуруҳлар Ўрда оғзи деган ерда учрашиб, биргаликда “Турон” мактаби томон йўл олдилар. Театрлаштирилган юриш давомида ҳар икки гуруҳ мусиқачилари “Эски дўст” (аслида олмонларнинг “Alte Kamarat”) номли маршини чалиб бордилар. “Турон” мактаби ҳовлисида Муҳиддин қори томонидан мавлуд ўқилди, дастурхонга ош тортилди.

Ёзувчи Ҳамза Ҳакимзодага мактабдаги бўш хоналардан бири ажратилиб, у ҳар сафар Тошкентга келганида шу ерда қоладиган бўлди. Бирлашган театр труппасига ҳам Ҳамзанинг ўзи раҳбарлик қила бошлади.

ҲАМЗАНИНГ ЎЛИМИ

Йиллар ўтгач, мен Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1929 йилнинг 18 мартида ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ҳамқишлоқлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилгани ҳақидаги хабарни эшитдим. Бунга ҳам Ҳамзанинг ўзи сабабчи бўлган деб ўйлайман. Чунки биз билан бирга ишлаган вақтларда жадид ва миллатчи бўлган Ҳамза кейинги йилларда марксист ва атеист (тангри танимас) гуруҳларга қўшилиб кетганди. Асарларида Ислом динига қарши ифодалар қўллай бошлаганди. Бу ҳам етмаганидек, қишлоқларга бориб, авлиёларнинг мозорларини бузиб, уларнинг ўрнида атеистликни тарғиб этувчи музейлар ташкил эта бошлаганди. Хуллас, не тақдири илоҳийки, Ҳамза ўзи туғилган Шоҳимардон қишлоғидаги муқаддас мозорни бузиш учун кетаётган вақтида ҳамқишлоқлари томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилган экан *(Рожи Чакирўзнинг ушбу фикрлари хато ва мунозарали эканлигини биз сўзбошида айтиб ўтганмиз – Р.Ш.).*

Бу воқеадан кейин рус аскарлари Шоҳимардонга ҳужум қилиб, биронта бино ёки дарахтни қолдирмай, қишлоқни ер билан яксон қиладилар. Омон қолган одамлар эса бошқа ерларга бош олиб чиқиб кетадилар. Кейинроқ Шоҳимардон ўрнида янги усулдаги жамоа хўжалиги вужудга келади. У бугунги кунда Ҳамзаобод деб аталади.

СОЦИАЛИСТЛАР ЎРТАСИДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

1919 йил 6 январь. “Турон” мактабида дарс берардим. Кутилмаганда, ташқаридан отишма овози келди. Бироздан кейин бунга тўп ва бомба овозлари қўшилди. Биз дарсларни тўхтатиб, ўқувчиларни уйларига жўната бошладик. Эшитишимизга қараганда, Тошкентда яна бир аксилинқилобий ҳаракат бошланган экан. Туркистонлик дўстларимдан бири менинг теридан тайёрланган кийим (кожанка)да юришим хатарли эканини айтди. Мен дарҳол ўзим яшаётган Назар қорининг Ўрда яқинида жойлашган мусофирхонасига “жин кўча”лар орқали йўл

олдим. Уйга етиб келгач, воқеаларни деразадан кузата бошладим. Бир ёнда (“Аскарий мактаб” – “Кадетский корпус” бўлган ерда) генерал Осипов қўшинлари (меньшевиклар), иккинчи (Қўрғонтепа) томонда большевиклар, учинчи томонда эса сўл социал революционерларнинг қуролланган гуруҳлари бир-бири билан жанг қилар эдилар. Энг даҳшатлиси шундаки, кимнинг кимга қарши уришаётгани маълум бўлмаган ушбу қонли тўқнашувда айбсиз ерли аҳоли ҳалок бўлаётган эди.

Биринчи кунларда генерал Осипов қўшинларининг қўли баланд келиб, қонли тўқнашувларда бир неча большевик комиссари ҳам ҳалок бўлди. Вазият кескинлашганини кўрган сўл эсэрлар большевиклар билан бирлашиб, меньшевикларга қарши ҳужумга ўтганларида меньшевиклар чекинишга мажбур бўлдилар. Асир бўлганлари эса “Аскарий мактаб” орқасида қазилган хандақлар олдида қатл этилиб, умумий мозорга кўмилди. Қўлга тушган ёш рус аскарлари юк машиналарида олиб келиниб, у ерда отиб ташланганини ўз кўзим билан кўрдим. Тарихда “Осипов воқеаси” деб ном олган бу қонли тўқнашув натижасида биз ҳаммамиз узоқ вақт руҳан эзилиб юрдик.

БИР НАМОЙИШ ТАФСИЛОТИ

1919 йилнинг октябрь ойи охирлари. Октябрь инқилобининг икки йиллиги нишонланаётган эди. Чор ҳукумати даврида Туркистон генерал-губернатори Кауфман (1818 - 1882)нинг Тошкент маркази (ҳозирги Амир Темур хиёбони – тарж.)да ўрнатилган ҳайкали олдида тантанали намойиш бўлиб ўтиши керак эди.

Тошкентда ҳокимиятни қўлига олган қизил комиссарлар ҳайкал олдида турар, мактаб ўқувчилари эса уларнинг олдидан қатор-қатор бўлиб ўтиб борар эдилар. Мактабимиз ўқувчилари ҳам ушбу намойишда иштирок этдилар.

Барча ўқувчиларнинг кийими бир хил – жигарранг эди. Фақат ёқа ва дўппилари мактабига қараб ўзгарарди. “Темур”

гуруҳи яшил, “Изчи” – қизил, “Тараққий” – мовий, “Турон кучи” гуруҳи аъзолари эса тўқ қизил дўппиларда эдилар. Барча ўқувчилар озода ва саришта кийинишганди.

Рус мактаблари ўқувчилари эса ранг-баранг либосларда намойишдан ўтдилар. Буни кўрган Туркистон комиссарларидан бири асабийлашиб, ўқитувчиларни болахонадор қилиб сўкди.

Кафуман ҳайкали олдида шеърхонлик ҳам бўлиб ўтди. Менинг ўқувчиларим орасида Камол деган бир бола бор эди. У мендан ўрганган шоир Эмир Булентнинг бир шеърини турк тилида ҳаяжон билан ўқиб берди. Шунда комиссарлардан бири шеърнинг таржимаси билан қизиқди ва қулоғига чалинган “... Ғарб золими...” ибораси билан нима дейилмоқчи эканини сўради. Шунда туркистонлик комиссарлардан бири: “Бу билан инглиз мустамлакачилари назарда тутилмоқда. Шеър ҳаммамиз учун душман бўлган инглизларга қарши ёзилган”, - деб жавоб берди. Бу жавобни эшитиб, рус комиссарининг кўнгли жойига тушди.

КАУФМАН ҲАЙКАЛИ ВА ЧЕРНЯЕВ ҚАБРИ

Тошкентдаги Соборная кўчасида ёнма-ён турган рус лицейлари биноларидан ўтгандан кейин катта бир майдон келади. Майдоннинг қоқ ўртасида генерал Кауфманнинг ҳайкали бор. Бироз нарида, эркак лицейи яқинида 1865 йилда Тошкентни босиб олган рус генерали Черняев (1828 - 1889)нинг қабри жойлашган. Қабр тоши узра ой-юлдуз, унинг ўртасида эса православ хочи ўрин олган. Биз Компартиянинг маҳаллий аъзоларидан Черняев қабр тошида мусулмон ва православ рамзларининг бирга қўйилиши ва бунинг байналмилалчиликка қандай алоқаси борлиги ҳақида сўрадик, аммо жўяли жавоб олалмадик. Кунлардан бир кун Кауфман ҳайкали ва Черняев қабри майдондан олиб ташланди (1920). Чоризм пайтидаги Туркистон бош ҳокимлиги биноси музейга айлантирилиб, ҳайкал ва қабр у ерга олиб ўтилди.

* * *

Тошкентда яна бир байрам нишонланаётган эди. Шайхантоҳур майдонида мактаб ўқувчилари маҳоратларини намойиш этардилар. Таклиф этилганлар орасида гимнастика жамоаси раҳбари Герхард исмли бир чех ҳам бор эди. “Темур” гуруҳи қатнашчилари дўстимиз Ҳайдар Шавқий ўргатган “швейцар” усулидаги ҳаракатларни, менинг “Турон” мактабим ўқувчилари эса спорт жиҳозларидан фойдаланиб, “трапеция”, “халқа”, “параллель” каби гимнастика машқларини маҳорат билан бажардилар. Томоша сўнгида Герхард менинг олдимга келиб, “Сокол” жамоасига аъзо бўлишни таклиф этди. Мен эса Туркистонда вақтинча эканимни ва қанча қолишим маълум эмаслигини рўкач қилиб, унинг таклифини рад этдим. Лекин шунга қарамай, бирор кун унинг олдига боришга ваъда берлим.

АНВАР ПОШОНИНГ БУХОРОГА КЕЛИШИ

Навбатдаги байрамлардан бири эди. Шу куни Анвар Пошо Бухорога келди. Номи афсоналарга айланган бу қаҳрамонни тумонат одам қаршилади. Анвар Пошо майдонда қизғин нутқ сўзлади. Шундан кейин у Бухорода бўлган асир турк субайлари билан кўришиш истагини билдиргач, эртаси кун Ситораи Моҳи Хоса саройида тушлик вақтида йиғилишга қарор қилинди.

Учрашув вақтида пошшо ҳар биримиздан қаерда асир тушганимиз ҳақида сўради. Кимдир “Сариқамиш”, яна кимдир “Олти” деди. Мен эса “Ардахан” деганимда, пошшо менга қараб “Ардаханда яраландим дегин-а”, - деди. Кўринишидан у анча толиққан эди. Русияга қандай қилиб келганини сўзлаб берганидан кейин биз бунинг сабабини тушундик.

БОКУ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА АНВАР ПОШШО

Анвар Пошо доктор Баха Шокир ҳамроҳлигида ижарага олинган самолётда Олмониядан Россияга йўл олади. Об-ҳаво шароити яхши бўлмагани сабабли адашиб улар Рига шаҳри яқинидаги аэродромга қўнадилар ва жосус гумон қилиниб, қамоққа олинишади. Сўроқ вақтида Анвар пошшо ўзини болгар доришуноси, Баха Шокир эса доктор деб таништиради. Россияга эса асирга тушган туркларни кўриш учун кетаётганларини айтишади. Тергов тугагунга қадар уларни қамоқда ушлаб туришади. Ҳар куни икки соат соқчилар ҳамроҳлигида ташқарига чиқар эканлар. Шундай чиқишлардан бирида улар қочишга муваффақ бўлишади. Самолёт топиб, Москвага учиб келишади.

У вақтда Бокуда Шарқ Миллатлари Конгресси ўтказила-ётган бўлади. Анвар пошшонинг Москвадалигидан хабардор бўлган ташкилотчилар уни анжуманда иштирок этиш учун таклиф этадилар ва пошшо бу таклифни қабул қилади.

Анвар Пошо Москвадан Бокуга йўлга чиқар экан, Конгресс ташкилотчиларидан бири бўлган Зиновьев ташкилий қўмита йиғилишида “Меҳмон сўз сўраса, берамизми, йўқми? Шунга келишиб олсак,” – деган масалани ўртага ташлайди. Ташкилий қўмита аъзоларининг бир қисми партия аъзолари, бир қисми эса партиясизлар эди. Партиясизлар гуруҳига тошкентлик Тошпўлат Норбўтабеков раҳбарлик қиларди. Ўртага ташланган масала юзасидан қизғин мунозара бошланиб кетади. Охир-оқибат, бу масалага ижобий ва салбий муносабатда бўлган икки кишига сўз беришга қарор қилинади. Анвар пошшога сўз берилишини ёқлаб, бир вақтлар Бухородан Онадўлига келган Ражаб, қарши фикр билдириб эса турк субайларидан кайсерилик муаллим Исмоил Ҳаққи сўзга чиқадилар. Натижада, Конгресс Анвар Пошонинг нутқини ёзма равишда қабул қилиб, қатнашчилардан бири уни ўқиб берадиган бўлди.

Бокуга келган Анвар пошшони халқ катта қувонч билан кутиб олади. У Конгресс ўтаётган бинога кириб борар экан,

Кавказ турклари “Анвар пошшонинг бошидан бир тук сочи тўкилса, бинони ҳавога учирамиз!” – деб огоҳлантирадилар. Конгресс мана шундай мураккаб бир вазиятда давом этди.

Анвар Пошонинг нутқини ўқиб бериш Меҳмет Эмин Афандизодага топширилади. Бу нутқ таҳминан шундай бошланар эди: “Қора денгиз тўлқинлари ва Рига қамоқхонаси йўлимда ғов бўлмаганида эди, мен аввалдан орангизда бўлар эдим...”

Конгрессдан кейин Анвар Пошо Батумига, ундан кейин Туркистонга кетади. Бухорога ўзи ўғлига қўйган “Али” номи билан келади. Анвар пошшо ҳикоясидан хотирамда қолганлари шулардан иборат.

ФАРОБИЙ МУСИҚА МАКТАБИ

Ситораи Моҳи Хоса саройида жойлашган курсларда муаллимлик қилар эдим. Фаробий мусиқа мактабида ишлаётган дўстим Саид Жамол юртга қайтиш мақсадида ишдан бўшади. Маориф нозири Қори Йўлдош бизга раҳбарлик қилаётган Усмонбей билан кўришганидан кейин мен унинг вазифасига тайинландим. Мактабга кўчиб ўтишга тўғри келди.

Ишни оркестр ташкил этишдан бошладим. Австралиялик ва венгер ўқитувчилар ёрдамида машғулотларни бошлаб юбордик. Маҳаллий қўшиқ, марш ва мусиқа ноталарини тайёрладик. Рус мусиқа санъати анъаналарида шаклланган Қурбон деган бир кларнетчини оркестрга раҳбар қилиб тайинладим. Бир оздан кейин мени Маориф бошқармасига ишга ўтказишди. Фаолият доирамга кутубхона, театр ва бу каби ташкилотларни назорат қилиш кирарди.

* * *

Бирқанча машғулотлардан кейин оркестримиз маҳорат билан куйлар чала бошлади. Дўстларимиз билан маслаҳатлашиб, концерт беришга қарор қилдик. Маориф бошқармасидан руҳсат олгач, тайёргарлик кўра бошладик. Таклифномалар тайёр бўлгач, бутун Бухоро бўйлаб тарқатдик. Ниҳоят, концерт куни ҳам етиб

келди. Бир вақтлар банк, Бухоро инқилобидан кейин эса кинотеатрга айлантирилган бинода бўлиб ўтган концертга ҳукумат аъзоларидан ҳам бир неча киши ташриф буюрди.

Концерт программаси шундай тузилган эди: аввал домлалар саҳнага чиқишди, кейин эса талабаларга навбат берилди. Ўқитувчилар гуруҳи Европа мусиқасидан намуналар ижро этганидан кейин, талабалар маҳаллий куй ва туркча маршларни ижро этдилар. Тингловчилар санъаткорларнинг чиқишини катта мамнуният билан қарши олдилар. Аммо бу хурсандчилик ортидан фожиа келаётганини ҳеч ким билмасди.

ФОЖИА

Одамларнинг истак ва таклифларига биноан Маориф бошқармаси оркестримизнинг кинотеатр саҳнасида давомли чиқишини таклиф қилди. Мен оркестр эмас, бир пианиночини таклиф этиш лозим, деган фикрни билдирдим. Гапим инобатга олинмади. Шундан кейин, вақт-вақти билан оркестрни кинотеатрга жўнатишга мажбур бўлдик.

Бир куни оркестримиз кинотеатр биносида концерт берар эди. Мен эса яқиндаги хиёбонда хаёл суриб айланиб юрардим. Кутилмаганда бинода ёнғин рўй берди. Ойналардан чиқаётган олов атрофни ёритиб юборди. Эскидан банк бўлган бу бинонинг биттагина эшиги бор эди. Шу сабабли, кўплаб одамлар бино ичида қолиб кетиб нобуд бўлди. Оркестримизнинг тўққиз аъзоси ҳам шу ёнғинда ҳалок бўлди. Бу воқеадан кейин мен узоқ вақт руҳан эзилдим, тушкунликка берилдим. Бухоро бўйлаб безгак тарқалгач, мен бу ердан кетишга мажбур бўлдим.

* * *

Менинг хасталигимни кўрган Мунаввар қори Чимкентга бориб, у ерда қимиз билан даволанишни маслаҳат берди. Моддий аҳволим яхши бўлмагани учун менга пул билан ҳам ёрдам қилди. Шундан кейин хотиним ва мен Чимкентга кетдик.

Чимкент ўзининг шифобахш қимизи билан донғи кетган жой эди. Сўлим табиати ва тоза ҳавоси ҳам инсонга дармон берарди. Мен у ерда ўн-ўн беш кун қолиб, ундан кейин Бухорога қайтдим.

ЧК ҲАРАКАТГА ЎТДИ

Анвар Пошо келиб кетганидан кейин, 9 март куни Бухорода бўлган барча турк субайларини ЧК биносига тўпладилар. Ҳаммамизни бир хонада кечгача ушлаб туришди. Файзулла Хўжаевнинг аралашувидан кейингина мени қўйиб юбордилар. Бу воқеадан кейин хотиним билан мен Чоржўйга кетишга мажбур бўлдик.

Мен Чоржўйда янги очилган ва Амударё қирғоқларида жойлашган Файзулла Хўжаев номидаги Муаллимлар институтига директор қилиб тайинландим. Хотиним Раъно хоним ҳам бу институтда рус тилидан дарс бера бошлади. Институт битирувчилари атрофдаги бошланғич мактабларга муаллим қилиб юборилар эди. Ўқиш жараёнида талабаларнинг малакасини ошириш мақсадида институт қошида бошланғич мактаб ҳам очилди. Етакчи ўқитувчи қилиб қозон татарларидан Кунешов деган одам тайинланди. Мактабни битирган ўқувчиларни чет элда ўқишни давом эттириш учун юбориш ҳақида ҳам фикрларимиз бор эди. Бу ниятимиз амалга ошиб, ўқувчиларнинг биринчи гуруҳи 1922 йилда Олмонияга, иккинчи гуруҳи эса Онадўлига юборилди. Онадўлига кетган ўқувчилар Самсун ва Кастамону ҳудудларида таълим олганларини кейинроқ эшитдим. Яна икки талабалар гуруҳи Москвада ўқиш учун юборилади.

Ўрни келганда, Бухоро ҳукуматининг Анқара билан алоқалари ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Бухоро ҳукумати тарафидан тайинланган ҳайъат Анқарага ҳадя сифатида икки асл қилич ва бир Қуръони Карим нусхасини олиб борди. Қиличлардан бири шахсан Отатуркка, иккинчиси эса Измир шаҳрини озод этишда жонбозлик кўрсатиб, шаҳарга биринчи бўлиб кирган қўмондонга бериш учун юборилган эди *(баъзи*

манбаларда қилич уч дона бўлиб, бирини Жамол пошшо тақққан деган маълумотлар ҳам бор – тарж.).

Институтимизни битирган илк гуруҳ вакиллари ўқитувчилар сифатида мактабларга тақсимлангач, мен ҳам мамлакатга қайтиш тараддудини кўра бошладим (1923). Бу вақтда Чоржўйда рус ҳарбий мактаби ташкил этилиб, унда мени ва бошқа ҳамкасабаларимни дарс беришга мажбур қила бошлаган эдилар. Мактабнинг қандай фанлардан эҳтиёж бўлса, унга кўра бир-икки ўқитувчи тавсия эта олишимни айтдим. Аммо менинг ҳам дарс беришим кераклиги айтилди. Мен эса заҳирадаги субай бўлганим сабабли дарс бера олмаслигимни тушунтиришга ҳаракат қилдим.

ҲАЯЖОНЛИ БИР ВОҚЕА

Бир куни уйда меҳмонлар билан ўтирган эдик. Қулоғимга қандайдир товуш чалинди. Ташқарига чиқдим. Номаълум бир одамнинг шарпасини сезгандай бўлдим. Бирдан рўпарамда нотаниш бир рус йигит пайдо бўлиб (кейинроқ у ҳарбий мактаб тингловчиси эканлиги маълум бўлди), менга пичоқ билан хамла қилди. Буни кўрган Тангриберди деган туркман ўқувчим бошқа болаларни уйғотиб чиқди ва ҳаммалари бир бўлиб у йигитга ташландилар. Босқинчи милиция бўлимига олиб кетилди. Терговда йигит маст бўлиб, нима қилганим эсимда йўқ деб туриб олди. Натижада у озод этилди.

Бу воқеадан кейин талабаларим гуруҳ-гуруҳ бўлиб, мени мунтазам қўриқлаб юрадиган бўлишди.

ҚАЙТИШ

Мамлакатимга қайтиш вақти келган эди. Ҳужжатларимни тайёрлаб, расмий идоралардан рухсат олдим. У вақтларда ЧКдан ҳам виза олиш лозим эди. У ерга бордим. Ёшгина бир ходим мени қарши олди. Илтимосимни тинглаб бўлгач, “Албатта рухсат берамиз”, - деди. Орқасидан эса “Узоқ вақт мобайнида бу мамлакатда ўқитувчилик қилдингиз. Шу сабабли сиздан Бухоро

ҳақида жўғрофий ва тарихий маълумотлар беришингизни илтимос қиламиз”, - деб қўшимча қилди. Бу ерга яқинда келганини ва Бухоро ҳақида ҳеч қандай маълумоти йўқлигини айтиб, “Сиз фикрларингизни қоғозга тушириб, менга олиб келинг ва визангизни олинг”, - деди. Бошқа чорам бўлмагани учун бу таклифни қабул қилишга мажбур бўлдим. Мактабга қайтиб келганимда рус тили ўқитувчиси Семёнов аҳволимни кўриб, “Бир оз хаёлчан кўринасан”, - деди. Бу одам миссионер Лазаревский мактабида таълим олган бўлиб, подшо тарафдори, Хитой ваколатхонасида ишлаган шарқшунослардан эди. У хотини ва фарзандлари билан анчадан бери Бухорода яшар эди. Мактабимизга Семёновни мен олиб келган эдим. Шу сабабли аҳволни унга тушунтирдим. У эса “Сен хафа бўлма. Матнни мен тайёрлаб бераман, сен эса ЧКга олиб бориб берасан, холос”, - деди. Айтганидек қилдик. Тайёрлаб берган маълумотномани ўқиб чиқдим. Унда умумий маълумотлардан бошқа нарса йўқ эди. Шунинг учун уни ЧКга олиб бордим. Ёш чекист ҳужжатни ўқиб чиқди, нима сабабдандир мийиғида кулди ва визамни берди. Эртаси кун поездда Ашхобод орқали Красноводскка кетадиган бўлдим. Вокзалга борганимизда ҳалиги чекистни ҳам у ерда кўрдим. Унинг мақсадини аниқлашни бир ўқувчимга топширдим. Бироздан кейин у менга ЧК ходими мен чиққан вагон номерини ёзиб олганини маълум қилди. Олдинда мени нималар кутаётганини тушунгандай бўлдим.

* * *

Поезд юриб кетди, мен эса ортиқча қоғоз ва ҳужжатларни йиртиб деразадан улоқтирдим. Адашмаган эканман. Буни Ашхобод вокзалига кириб борганимда сездим. Бир гуруҳ аскар бизнинг вагонга чиқди. Чоржўдалигимизда бир озарбайжон тужжорни ёнимизга олган эдим. У вақтларда чипта олиш муаммо эди. Шу сабабли йўлда унинг алоқаларидан фойдаланишни ўйлаган эдим. Аскарлар мени, хотиним ва ўша тужжорни ГПУ

(Давлат Сиёсий бошқармаси)га олиб кетдилар. Ҳар биримизни алоҳида хонага қамадилар. Бошдан оёққача тинтиб чиқдилар. Менинг русча билиш-билмаслигимни сўрадилар. Русчада фақат бир-икки сўз билишимни айтдим. Бир оздан кейин таржимон топиб келдилар. Аммо у можар бўлиб, туркча билмас эди. Сўнгра туркистонлик бир одамни олиб келдилар. Тақдир тақозосини кўрингки, бу йигит менинг ўқувчиларимдан бири эди. Мен ўзимни танимаганга олдим. У ҳам мени қўллади. Ҳужжатларимга қараб, “Бу ўқитувчи, шекилли”, - деди. Оқибатда бизни озод этдилар. Бу сафар мен омон қолдим. Ҳатто узр ҳам сўрашди. Аммо орқамиздан икки жосус қўйишни унутмадилар. Қизилравот, Красноводск ва Бокуда улар бизни кузатиб юрдилар. Бокуда бир кун қолдик, сўнгра Тифлисга йўл олдик. Тифлис вокзалида бир фаэтончи билан энг яқин отелга бориш учун келишаётганимизда, кузатувчилардан бири ёнимизга келиб, фаэтондан бирга фойдаланишга рухсат сўради. Биз икки киши эканлигимизни, нарсамиз ҳам кўплигини айтдим. У суҳбатимиздан “Ноя” отелига кетаётганимизни эшитгач, биздан узоқлашди ва бошқа бир фаэтон олиб, юриб кетди. Шу заҳоти фаэтончига “Шайтонбозордаги “Онадўли” отелига ҳайда”, - деб манзилни ўзгартирдим. Хотинимни отелда қолдирдим. Ўзим эса унинг эгаси эрзурумлик Меҳмет афандидан Туркия элчихонаси манзилини олиб, у ерга равона бўлдим.

* * *

Қўнғироқ тугмасини босганимда эшикни барваста бир йигит очди. Ўзимни таништирганимдан кейин у мени ичкарига олиб ўтди. Бироздан кейин хонага элчихонанинг масъул ходимларидан бири кириб келди. Кейинчалик билсам, у Фаҳри Белен Пошшонинг укаси Нажми Белен бўлиб, у ўша вақтда Тифлисда Ҳарбий атташе вазифасида ишлар экан. У менга бирин-кетин саволлар бера бошлади. Мен барча саволига батафсил жавоб бердим. Сибирдан Туркистонга асир турк субайлари билан

бирга келганимни эшитгач, ёзишдан тўхтади ва “Бир дақиқа, орқамдан юринг-чи”, - деб, мени юқори қаватда жойлашган кенг хонага бошлаб борди.. Аввал ўзи ичкарига кирди. Кейин мени таклиф қилди. Хонага киришим билан диванда узаниб ётган Меҳмет (Агустосли) шошганча ўрнидан туриб, менга қучоғини очди. Қучоқлашиб кўришдик. Буни кузатиб турган Нажми Белен: “Масала ҳал, саволларга ўрин қолмади”, - деди.

ЯНА СЎРОҚ

Менга паспорт расмийлаштиришда сезиларли ёрдам кўрсатилди. Фақат виза олиш учун руслар бир ой овора қилишди. Мени ЗакЧК (Кавказорти Чекаси)да ҳар кун эрталаб соат саккиздан иккига қадар сўроқ қилишди. Уларга русча билмаслигимни айтдим. Хотиним у вақтда саккиз ойлик хомилали эди. Элчихона ходимлари уни Тифлис бўйлаб кездиришар, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилишарди. Мен эса ҳар кун ЧКдан чиқиб элчихонага келар, бўлиб ўтган сўроқ ҳақида сўзлаб берардим.

Сўроқ вақтида ўзимнинг Туркистондан келганимни айтмадим. Чунки у ердан келганларни фақат Москва орқали чиқариб юборишар эди. Бунча вақт қаерда бўлганимни сўраганларида, “Боку атрофидаги бир ерда яшадим”, - деб айтдим. Сўроқ вақтида шундай савол-жавоблар бўлиб ўтди:

- Бокунинг ўзида бўлдингми?
- Йўқ, Кубада.
- Кубанинг марказидами?
- Йўқ, Имонқулида эдим.
- У ерда нима қилдинг?
- Одамлардан тўплаган эски нарсаларни қишлоқларга олиб бордим. У ерда тухум, сут ва бошқа маҳсулотларга алмаштириб, кун кўрдим.

Охири визамни беришди. Аммо паспортим йўқолди деб баҳона қилишди. Бу, албатта, ёлғон эди. Бу ҳақда элчихона

орқали Туркия ҳукумати хабардор қилинганидан кейингина Тифлисдаги элчи Мухторбейнинг ёрдамчиси Насимбейдан паспортимнинг иккинчи нусхасини ва визани олишга муваффақ бўлдим.

Энди Батумига йўлга чиқишим керак эди. Аммо дўстим Махмет (Агустосли) менга шундай деди: “Рожи, Сибирдаги асирлар лагеридан қочар эканмиз, Саксовул деган ерда мен қаттиқ бетоб бўлиб қолган эдим. Эсингдами? Ўшанда “Мени ташлаб ўзинг кетавер” дейишимга қарамай, “Йўқ, бирга чиқдик, бирга кетамиз”, деб мени елкангда олиб кетган эдинг. Энди виждон қарзини қайтариш фурсати етди. Мен ҳам сизлар билан бирга кетаман”, - деди. Шундай бўлди ҳам. У мендан бироз аввал Тифлисга кетди. У ерда менинг илтимосимга биноан йўлда қийналиб қолган субай дўстимиз Абдулқодирга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Кейинчалик Абдулқодир Истанбул-даги божхонада узоқ йиллар ишлади.

Батумига етиб келдик. Орқамиздан Мехметбей ҳам етиб келди. Кемага чиқар эканмиз, руслар яна муаммо чиқаришди. Бу сафар кемада биз учун жой қолмаганини баҳона қилишди. Аҳволни керакли расмий идораларга билдирдик. У вақтда Батумида ишлаётган Иброҳим Толибей ва Хулусибейлар ёрдами билан ўз пулимизга алоҳида каюта сотиб олишга муваффақ бўлдик. Шундан кейингина бизни кемага чиқардилар. Аммо божхона хизматидан ўтаётганимизда, нарсаларим ичида бўлган рус пуллари коллекциясини “Сен буларни нима қиласан?!”, - деб денгизга улоқтиришди.

Нима бўлганда ҳам, охири кемага чиқдик ва жойларимизни эгалладик. Орқамиздан Мехметбей ва Абдулқодир ҳам кемага чиқишди. Кемага чиққан бўлсак-да, ҳамон ҳаяжонда эдик. Яна қандайдир воқеа юз бериши ва бизни ушлаб қолишлари мумкиндек туюларди. Аммо фавқулодда ҳодиса юз бермади ва кемани қирғоқ билан боғлаб турган занжирлар ечилди. Оллоҳга дуо қилиб, кеманинг юқори қисмига чиқдик ва қалбимизда

ширин ва аччиқ хотиралар қолдирган бу ажойиб тупроққа узоқ тикилиб қолдик.

ВУСЛАТ – ВИСОЛ ДЕГАНИ

Ватанга келиб илк қадам босган еримиз Трабзон тупроқлари бўлди. Энди жондан азиз заминда озод ва бахтиёр эдик. Барча хавф-хатар ортда қолганини энди ҳис қилдик. Холис Афандининг “Эрзурум” меҳмонхонаси томон йўл олдик. У вақтда Трабзон менинг эски ҳарбий бўлинмам – Учинчи Фирқа қароргоҳи эди. Анвар Пошонинг куёви, кейинчалик бош қўмондон даражасига етишган Козим Орбай эса унинг қўмондони эди. У менга Трабзонда қолишни таклиф этди. Мен унга “Шунча вақт уйимда бўлмадим. Онам ва укамни кўриб келишга рухсат берсангиз”, - дедим. Қўмондон бунга қаршилик билдирмади ва биз учун кемадан жой ажратилди. Мен, хотиним, Абдулқодир ва унинг рафиқаси биргаликда Истанбулга қараб йўл олдик. Узоқ айриликдан кейин онам ва укам билан дийдор кўришдим. Шу сабабдан ўн беш кундан кейин дунёга келган қизимизга Вуслат (Висол) деб ном қўйдик.

Хотираларга оид фото ҳужжатлар



Туркистон жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов (иккинчи қатор тўртинчи) бир гуруҳ турк ҳарбийлари ва туркистонлик зиёлилар даврасида (Тошкент, 1919 йил).




Турон мактабида фаолият олиб борган турк субайлари Рожи Чакирўз ва Ғолиббей бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчилар даврасида (Тошкент, 1920 йил).



Тошкент мактабларида фаолият олиб борган турк субайлари.
Биринчи қаторда чапдан ўнгга: Ҳилмибей, Рожи Чакирўз ва Юзбоши Ғолиббей.



Чоржўй шаҳридаги ўқитувчилар мактабининг бир гуруҳ ўқитувчилари:
ўрта қаторда чапдан тўртинчи Рожи Чакирўз.



Бухоро Республикаси Таълим вазирлиги томонидан Рожи Чакирўзга ўқитувчилик фаолиятини тасдиқлаш учун берилган ҳужжат (ҳужжат икки тилда: араб ёзувида ўзбек тилида ва кирил ёзувида рус тилида расмийлаштирилган).



Тошкентдаги театр намойишидан саҳна кўриниши.

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3

Онадўли дурдонаси 4

Ўзбеклар такяси 9

Машҳур шарқшунос олим Заки Валидий Тўғон 15

Заки Валидий Тўғон библиографияси 25

Анвар Пошо ҳақида қайдлар.

Анвар Пошонинг сўнгги мактуби 46

Анвар Пошо ким эди? 49

Набижон Боқийнинг “Анвар Пошонинг васияти” ҳужжатли романи ҳақида 55

Тарихнинг моҳияти ватан ва озодликдир..... 56

Абдулҳамид Чўлпон ва Анвар Пошо. “Қутулиш юлдузи” йўқликка кирмас 61

Таржималар.

Заки Валидий Тўғон. Янги ўзбек адабиёти 73

Туркистон саҳифаси 81

Темур Хўжаўғли. Туркистонда Усмонийлар империяси зобитларининг фаолияти 83

Рожи Чакирўз. Юрагимга яқин гўшалар. Турк субайининг Туркистон хотиралари (1914-1923) 91

Фото ҳужжатлар 110